

83
X-69

бадий сўз ва образли тасвир

Умид ХОДЖАМҚУЛОВ

Бадий тафаккур самаралари ҳамма даврларда
кишиларнинг маънавиятини юксалтириш, жамиятда
эзгулик, адолат, гўзаллик сингари башарий
қадриятларга таянган гуманистик тамойилларни
қарор топтириш; инсонпарварлик, ватанпарварлик,
миллатсеварлик ғояларини шакллантириш сингари
олижаноб моҳияти билан нуфузли.



Чирчиқ давлат педагогика институти
<https://www.cspi.uz/uz>
tvchdpi@edu.uz
Чирчиқ ш. А.Темур к. №104

2020

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAHSUS TAILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

УМИД ХОДЖАМҚУЛОВ

**БАДИЙ СЎЗ
ВА ОБРАЗЛИ ТАСВИР**
(Миртемир лирикаси асосида)

Монография

Тошкент
“Университет”
2020

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAHSUS TAILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Ходжамкулов У. Бадий сўз ва образли тасвир. Миртемирнинг лирикаси асосида. Монография. –Т.: Университет, 2020. 144 с.

УЎК: 821.512.133.06(091)

КБК: 83.3г(5Ў)

Х 69

Мазкур монографияда халкимизнинг сеvimли шоирлари бири Миртемирнинг ижоди, унинг сўз ва образ борасидаги баъзи маҳорати бугунги кун ва адабиётшуносликнинг объекти қонуниятлари нуқтаи назаридан тадқиқ қилинган. Унда сўз ва образнинг поэтик талқини, бадий асардаги ғоявий-бадий вазифа ва образнинг ижтимоий-фалсафий маъно қирралари борасида муаллифнинг илмий хулосалари баён қилинган. Шу билан биргаликда, шоирнинг сўз қўллаш санъатидаги ўзини халқ хусусиятлари, у яратган айрим поэтик образларнинг халқ ижоди муносабати, шоирнинг ижод лабораториясидаги ўзига хос жиҳатлари ҳам таҳлилга тортилган. Миртемир шеърятининг XX аср ўзбек бадий тафаккури тараққиётидаги ўрни, ижтимоий-эстетик аҳамияти назарий жиҳатдан умумлаштирилган.

Монографиядаги илмий-назарий хулосалардан XX аср ўзбек адабиёти тарихини яратишда; олий ўқув юртлари учун XX аср ўзбек адабиётидан дарсликлар, қўлланмалар яратишда; Миртемир адабий мероси бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда; олий ўқув юртларининг филология факультетларида XX аср шеърятини хусусан, Миртемир шеърятини бўйича махсус курслар учун материаллари тайёрлашда; умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар учун яратилаётган адабиёт дарсликларининг Миртемир ижоди билан боғлиқ қисмларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Такризчилар:

С.Матчонов – Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг профессори, педагогика фанлари доктори;

Б.Менглиев – Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори.

Чирчиқ давлат педагогика институтининг Кенгашининг 2020 йил 3 январдаги 7-сонли мажлиси қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN: 978-9943-5604-4-4

© “Университет” нашриёти, Тошкент, 2020 й.

КИРИШ

Ўзбекистон Чорак асрда жамиятимизда юз бераётган туб ўзгаришлар, республикамизнинг мустақил давлат сифатида ўзига хос тарзидан: бўлини танилини, халқимизнинг дунёқараши ва ҳаётининг моҳиятига мафкуранинг яратилиши кўпгина ҳаётларда бўлгани каби фан ва маданиятда ҳам янги муносабат ва ҳаракатлар тавофи қилмоқда. Фан ва маданиятга, миллий ҳаракатлар ва уларга муносабат тубдан ўзгарди, баъзи соҳалардаги ҳаётдан унштирилган тағйиринилмий қарашларга чек қўйилди, илгари ўрнатилган маълум даражада чекланган ёки умуман тақиқланган адабий мероснинг илмий жамоатчиликка қайтарилди. Бу, ўз навбатида, Ўзбек адабиётшунослиги олдига ҳам қатор вазифаларни қўлади ва санъатнинг йиллар давомида нотўғри муносабатда бўлиниган ёки умуман яқинлашилмаган муаммоларини янги давр нуқтаи назаридан ҳал этиш вазифасини қўймоқда. Чунки кўплаб соҳалардаги каби адабиётшуносликда ҳам айрим мураккаб масалалар юзга келганки, улар бугунги кун талаблари асосида қайтадан кўриб чиқирилиши, албатта, зарур.

Бадий тафаккур самаралари ҳамма даврларда кишиларнинг маънавиятини юксалтириш, жамиятда эзгулик, адолат, гўзаллик сингари башарий кадриятларга таянган гуманистик тамойилларни қарор тоғтирилиш; инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллатсеварлик ҳаётларини шакллантириш сингари олижаноб моҳияти билан нуфузли. Шу маънода, бадий асарларнинг шахс ва жамият маънавий камолотида тутган ўрни ва аҳамиятига муносиб баҳо бериш, яратилажак асарларнинг юксак савияда бўлишини таъминлаш каби вазифалар адабиётшунослик олдига ҳамиша қўйилган туради. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек адабиётшунослиги кўп сонли ўзбек китобхонларининг маънавий-

интеллектуал савиясини юксалтиришга қаратилган ўз вазифасини муносиб адо этишга интилиб келмоқда. Лекин, шу билан бир қаторда, собиқ иттифок даврида мавжуд бўлган мафкуравий тазйик ва бунинг натижасида юзага келган санъат асарларига нисбатан субъективлашган муносабатлар оқибатида бугунги адабиётшунослик талабларига жавоб беришга ожиз фикрлар, қарашлар ва тадқиқотлар ҳам яратилди. Галдаги вазифа адабиётшуносликда юзага келган мана шундай тадқиқотлар ўрнига санъат асарларининг холисона, муносиб баҳосини берувчи илмий изланишлар ва тадқиқотлар яратишдир.

Бугунга келиб, санъаткор шахсияти билан боғлиқ равишда унинг бадий маҳоратидаги ўрганиш, илмий-назарий жиҳатдан умумлаштириш борасида анчагина салмоқли ишлар амалга оширилди. Чўлпон, Фитрат, А.Қодирий, Ҳамза, Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ҳ.Олимжон каби ижодкорларнинг баъзи асарлари башарий қадриятлар нуқтаи назаридан янгича қарашлар асосида ёритилмоқда. XX аср ўзбек адабиётидаги забардаст ижодкорларнинг республикамизнинг орден ва медаллари билан тақдирланиши ҳам уларнинг буюк хизматлари бугунги кунда қайтадан қадр топаётганлигини кўрсатади.

Шунга қарамайдан, бугунги кунда бу борада қилиниши керак бўлган ишлар ҳам таяйғини. Хусусан, сталинча социализм даврида яшаб ижод этган Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Мирзақисм Осинов, Ёлдиш Илёмов, Шукрулло каби шоир ва ёзувчилар тарафи бадий эстетик маҳияти кузатилган ҳолда умумлаштирилган ўз баҳосини олишни зарур. Тўғри, бу борада матбуотда ҳам мақола-эссе ва маърузалар пайғида баҳс-мунозаралар кўпайиб кетган. Лекин, бунингча, XX аср ўзбек

адабиётининг асл қиёфасини ёритиш учун бу етарли эмас, бу борада илмий изланишлар, йирик тадқиқотлар ҳам керак.

Мазкур монографияда халқимизнинг сеvimли шоирларидан бири Миртемирнинг ижоди, шоирнинг сўз ва образ борасидаги баъдий маҳорати бугунги кун ва адабиётшуносликнинг объектив қонуниятлари нуқтаи назаридан тадқиқ қилишни мақсад қилганмиз.

Дарҳақиқат, Миртемир ижоди ўзбек адабиётшунослигида узок йиллардан бери ўрганиб келинади. Шоир ижоди дастлабки даврданок китобхонларнинг кўнглига йўл топди ва адабиётшуносликда фикр кўзгата олди. Илмий-адабий жамоатчилик назарига тушди. Дастлаб адабиётшунос Сотти Ҳусайн шоирнинг илк изланишлари ҳақидаги чиқишларида¹ унинг ижодига тўғри муносабатда бўлади, келажигига умид боғлайди. У Миртемирнинг дастлабки изланишлари ҳали ҳар жиҳатдан мукамал бўлмаса-да, ундаги ўзига хос янгиликлар адабиётимизга “янги умидлар” бағишлашини айтади.

Лекин Миртемир ижодининг дастлабки даврлариданок ноҳақ танқидга, асоссиз айбловларга ҳам учради. Олтой², Ботир³ каби “танқидчи”лар Сотти Ҳусайн мақолаларидаги Миртемир ижоди ҳақида билдирилган фикрларга қарши чиқар экан, ҳеч қандай илмий-назарий асосларсиз ёш шоир ижодининг келажигига умидсиз муносабатда бўлишади. Уларнинг чиқишида Сотти Ҳусайнга нисбатан кўпроқ ғаразли муносабат сезилиб туради. Лекин Сотти Ҳусайн “Ўзбек адабиётининг ҳозирги муҳим масалалари” мақоласида Миртемир ижодига нисбатан айтган фикрларида қатъий туришини билдиради. Шунини мамнуният қайд этиш керакки, Сотти

¹ Сотти Ҳусайн. Ўзбек адабиётининг ҳозирги муҳим масалалари. “Қизил Ўзбекистон”, 1929 й., 20, 22 сонлари; Миртемир. Шуълалар қўйида. 1928 й., Сотти Ҳусайннинг “Андак” сўзбошиси; Сотти Ҳусайн. Адабий танқидда партия чизигини маҳкам ўтказув учун. “Қурилиш” журнали, 1931 й., № 1.

² Олтой. Нафис адабиётда соғлом мафкура ва соғлом танқид керак. “Қизил Ўзбекистон”, 1928 й., 10 август, 179-182-сонлар.

³ Ботир. Нафис адабиёт тўғрисидаги мунозарага. “Қизил Ўзбекистон”, 1928 й., 5 октябрь, 230-сон.

Хусайн ёш шоирни ноҳақ танкидлардан ҳимоя қилар экан, унинг ижодий парвозига жуда катта кўмак беради. Зеро, “Ўзбек халқ шоири Миртемирнинг бугунги поэзиямиздаги салмоқли ўрни ҳам Сотти Хусайннинг ҳақли бўлганлигини кўрсатади”⁴.

Миртемир ижодининг ижтимоий аҳамиятига умидворлик билан қараш, ўзига хос бадий-эстетик хусусиятларини ёритишга мойиллик, янги сифатларга хайрихоҳлик Сотти Хусайдан ташқари К.Триғулов⁵, Юнус Латифнинг⁶ чиқишларида ҳам кўзга ташланади. Юнус Латиф Сотти Хусайн фикрларига ҳамоҳанг фикрлар билдирар экан, унинг фикрларини тўлдиради, чуқурлаштиради. Адабиётшунос Миртемир ижодидаги ўзига хос хусусиятларни, бадий маҳоратни тўғри белгилайди. Шу билан бирга, ёш шоир ижодидаги камчиликларни ҳам яширмайди. Жумладан, фикрий такрор, сўзларни ўз ўрнида қўллай олмаслик, сиқикликнинг етишмаслиги каби камчиликларни қалам соҳибининг ёшлиги, тажриба ва маҳоратнинг етишмаслиги билан изоҳлайди.

Ўша даврлардаёқ Миртемир ижоди нафақат ўзбек, балки рус адабиётшуносларининг ҳам диққатини тортди. Жумладан, С.Лиходзиевский⁷ шоирнинг рус тилида нашр этилган “Рассветной порой” (1947) китобига ёзган такризида унинг уруш ва урушдан кейинги дастлабки йиллардаги ижодини ҳаққоний баҳолайди. Айни вақтда, Миртемирнинг баъзи асарларидаги риторика, мадҳиябозлик, тасвирдаги ўта шартлилик каби камчиликларни ҳам рўй-рост кўрсатади.

XX асрнинг 50-йиллари иккинчи ярмида бошланган адабий ҳаётдаги соғлом фикрлар 60-йилларга келиб миртемиршуносликда

⁴ Султон И. Сотти Хусайн ҳақида бир неча сўз. Қаранг: С.Хусайн. Танланган асарлар. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, -7-бет.

⁵ Қизил Ўзбекистон. 1928 й. -4-5 июль. -150-151-сонлар.

⁶ Юнус Латиф. Зафар. “Шарқ ҳақиқати” газетаси, 1929 й. 25 сентябрь

⁷ Лиходзиевский С. Песня любви к Родине. “Звезда Востока”, 1948 г., №3

Уз аксини кўрсатди. Миртемир ижодига бағишланган алоҳида тадқиқотлар майдонга келди. Адабиётшуносликда шоир асарларининг ижтимоий, сиёсий аҳамияти, бадий-эстетик фазилатлари тадқиқ қилина бошланди. Хусусан, шоир ижодий фаолиятига оид баъзи адабий портрет яратилди⁸.

Мазкур кузатишлар шоир ижодий йўлини, бадий маҳорати сирларини очиш борасида бир-бирини тўлдиради. Айниқса, Озод Шарафуддинов тадқиқоти Миртемир ижодини анча қўламли, юқори савияда ўрганилгани билан ажралиб туради. Адабиётшунос Уз тадқиқотида Миртемир ижодининг ўзига хос жиҳатлари, кашф қилган ёнқ образлари, ўзига хос ижодий услуби, шеър техникасига оид маҳоратини унинг ижодий эволюцияси жараёнида тадқиқ қилади. Хусусан, шоирнинг “Аччисой”, “Фарғона”, “Куз”, “Яли-лиш”, “Қизғалдоқ”, “Лолазор”, “Кўзларим йўлингда”, “Бўсаси қанд” каби шеърларининг тахлили жараёнида у яратган образларнинг моҳияти, халқ оғзаки ижоди ва Миртемир шеърятининг ўзаро ижодий муносабати ҳақида тўлиқ тасаввур берувчи фикрлар билдиради.

Адабиётшунос Т.Халилов “Миртемир маҳорати”⁹ китобида шоир асарларига камровли муносабатда ёндашади. Миртемир шахсияти билан асарларининг яратилиш тарихига ижодий лабораторияси асосида ёндашиб, унинг бадий маҳоратини ўритади. Лекин адабиётшуноснинг тадқиқот майдони кенглиги боис, у алоҳида бир муаммони тўлақонли ёритиб бермайди. Чунки рисолада адабиётнинг қайси муаммосида бўлмасин, Миртемир маҳорат сирларининг очиб берилиши мақсад қилиб қўйилади.

⁸ Шарафуддинов О. Миртемир (“Замон. Қалб. Поэзия” китобида). –Т.: Бадий адабиёт, 1962; Мирзаев С. Ётуқ шоир / СамДУ Илмий асарлар. Янги серия. 127-нашр. –Самарқанд, 1963; Жалолов Т. Қўнғир мавжлар куйчиси (“Яшасин табассум” китобида). –Т.: Бадий адабиёт, 1966; Азизов Қ. Миртемир. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969; Ғафуров И. Она юрт куйчиси. –Т.: ЎзКП нашриёти, 1970.

⁹ Халилов Т. Миртемир маҳорати. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

Мазкур кузатишлар олимнинг номзодлик диссертацияси асосини ташкил этган.

Миртемирнинг поэтик образлар яратиш борасидаги ижодий маҳорат сирлари Б.Акрамовнинг “Оламнинг бутунлиги”¹⁰ рисоласида ҳам таҳлил этилган. Лекин адабиётшунос бу рисоласида шоир ижодининг бадийяти борасида эркин фикр юритади. Жумладан, шоирнинг ижодий ўсиши масаласига ҳам, шеърларининг ғоявий таҳлиliga ҳам, Миртемирнинг ўзига хос ижодий услуби, шеъриятидаги ўзига хос оҳанг, ижод жараёни, баъзи шеърларининг ҳаётий замини борасида ҳам батафсил тўхталади, шоир маҳоратининг жуда яхши, анча ҳаққоний таҳлиliga эришади.

Мазкур тадқиқотлар бизнинг тадқиқотимизга у қадар яқин келмайди. Чунки биз ўз ишимизда шоир ижодини фақат сўз ва образ нуқтаи назаридан ёритишни мақсад қилиб қўйганмиз. Лекин баъзида фикримизни асослаш, масалани кенгрок ёритиш мақсадида унга боғлиқ бўлган ёндош жиҳатларга ҳам тўхталиб ўтамиз.

Ўзбек адабиётшунослигида сўзнинг бадий матндаги ўрни ва функцияларини ўрганиш ўтган аср 80-йиллар ўрталарида бошланган эди. Адабиётшунос Сувон Мелиевнинг “Шеърый контекстда сўзнинг бадий функцияси”¹¹ мавзусидаги номзодлик диссертацияси бу масалани илмий ўрганишга қаратилган дастлабки тадқиқотдир. Адабиётшунос А.Сабирдинов “Ойбек шеъриятида сўз ва образ”¹² мавзусидаги номзодлик диссертацияси билан бу масалани ўрганишни давом эттирди.

Миртемирнинг поэтик маҳоратини сўз ва образ нуқтаи назаридан таҳлил қилувчи йирик илмий тадқиқотлар ҳозирча

¹⁰ Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

¹¹ Мелиев С. Художественная функция слова в стихотворном контексте (на материале узбекской советской поэзии). Дис. ...канд. фил. Наук., 1985.

¹² Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ: филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. –Т.: 1993.

краткаган эмас. Мавжуд тадқиқотларда масалага кўпроқ ўша бадийликнинг кукмрон мафкура нуктаи назаридан ёндашилганлиги, шунингдек бир муаммонинг етарлича тўлиқ ёритилмаганлиги боис Миртемир ижодидаги бадий маҳорат сирлари ва шоирнинг ўзига хос ижодий услуби холис, илмий-назарий жиҳатдан тўлақонли таҳлил этилмаган. Зеро, бу муаммонинг ҳал этилиши Миртемир бадий етук шоирнинг поэтик маҳорати, шеърый иқтидорини тайин қилиш билан бирга, унинг шеъриятимиз юксалишига қўшган катта ҳиссасини белгилайди, адабиётимиздаги ўрнини бир қадар юқсатмақда.

Шу нуктаи назардан, ушбу монографидан кўзланган мақсад Миртемирнинг бадий тафаккур табиати асосида индивидуал услубини очиб бериш, бадий маҳоратини ўрганиш, сўз ва поэтик образ борасидаги изланишларини ижодий эволюцияси жараёнида кузатиш; Миртемирнинг халқ оғзаки поэтик ижодига муносабати, шеъриятидаги фольклоризм ва шоир адабий меросининг XX аср бадий тафаккури тараққиётидаги ҳиссасини белгилашга интилишдан иборат.

Монографияда мазкур мақсадларни кўзда тутган ҳолда қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ҳаракат қилинди:

- Миртемир шеъриятида сўзнинг бадий, услубий имкониятларини ўрганиш; шоирнинг ижодий эволюцияси жараёнида бадий сўз имкониятларини эгаллай бориш маҳоратини кузатиш. Бу борада шоир ижодининг ўзига хос томонларини аниқлаш;

- шоир ижодий камолотида фольклор таъсирини белгилаш, хусусан, халқ оғзаки поэтик ижодига хос тил, услуб ва бадий воситаларнинг ижодий ўзлаштирилиши; шоир

шеърларидаги айрим образларнинг халқ оғзаки ижоди билан генесиологик муносабатини аниқлаш;

- Миртемир шеърлятидаги портрет ва пейзаж санъатларида сўзнинг гоёвий-бадий вазифасини текшириш;

- шоирнинг поэтик образ яратиш маҳоратини тадқиқ этиш; образларнинг фалсафий-эстетик моҳиятини аниқлаш;

- поэтик образлар талқинида сифатлаш, ўхшатиш на истиора каби тасвир воситаларининг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш.

Ўзбек адабиётшунослигида шу вақтга қадар Миртемир ижодидаги муҳим томонлар алоҳида муаммо сифатида тадқиқ қилинмаган. Қ.Азизовнинг “Миртемир поэзияси” мавзусидаги тадқиқотида шоир ижоди даврларга бўлиниб, умумий планда ёритилган. У ҳақидаги ижодий портретларда ҳам Миртемир ижодидаги алоҳида жиҳатлар чуқур таҳлил этилмаган. Чунки муаллифлар масалага ижодий портрет жанри нуқтаи назаридан ёндашиб, шоирнинг ўзбек адабиётшунослигидаги ўзига хос қиёфаси ва ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилишган. Шундай экан, ушбу тадқиқот Миртемир ижодидаги муайян муаммонинг батафсил монографик усулда ёритилиши жиҳатидан ҳам янги ишдир.

Монографияда сўзнинг поэтик талқини, бадий асардаги гоёвий-бадий вазифаси, образнинг ижтимоий-фалсафий маъно қирралари тадқиқ этилади. Шу билан бирга, шоирнинг сўз қўллаш санъатидаги ўзига хос хусусиятларини, у яратган айрим поэтик образларнинг халқ ижодига муносабатини ўрганишга ҳам ҳаракат қилинди. Миртемир шеърлятининг XX аср ўзбек бадий тафаккури тараққиётидаги ўрни, ижтимоий-эстетик аҳамияти назарий жиҳатдан умумлаштирилди.

Мазкур монографик тадқиқотнинг методологик асосини мамлакатимизнинг миллий истиқлол мафқураси, адабиётшунослик

адабиётдаги тарихий-қиёсий усул қоидалари ташкил қилади. Жаҳон адабиётшунослиги ва эстетик тафаккурида чуқур из қолдирган И.И.Гоголь, И.Г.Гердер, Ҳ.И.Лессинг, В.Г.Белинский, В.М.Жирмунский каби олимларнинг фольклор ва ёзма адабиёт, бадиий тафаккур табиати ва сўзнинг эстетик вазифасига оид илмий-назарий қарашларига таянилди. Мазкур соҳа билан шуғулланган В.Брюсов, Г.Винокуров, У.Далгат, Ю.Лотман каби рус олимларининг; Н.Султон, Ҳ.Ёқубов, Н.Маллаев, О.Шарафуддинов, Н.Каримов, И.Гофуров, Ғ.Мўминов, Н.Раҳимжонов, Б.Акрамов, Отаёр, С.Мелис, Т.Халилов, Қ.Азизов каби ўзбек олимларининг илмий қарашлари мазкур тадқиқотнинг юзага келишига ёрдам берди. Сўз ва унинг бадиий маъно қатламлари, санъатда бадиий образ ва образчилик хусусидаги кузатишлари асосий манба бўлди.

Монографиядаги илмий-назарий хулосалардан XX аср ўзбек адабиёти тарихини яратишда; олий ўқув юртлари талабалари учун XX аср ўзбек адабиётидан дарсликлар, қўлланмалар яратишда; Миртемир адабий мероси бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда; олий ўқув юртлари филология факультетларида XX аср шеърини, хусусан, Миртемир шеърини бўйича махсус курслар учун маъруза матнлари тайёрлашда; умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар учун яратилаётган адабиёт дарсликларининг Миртемир ижоди билан боғлиқ қисмларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

I БОБ

СЎЗ ВА УНИНГ ПОЭТИК ТАЛҚИНИ

*Сўзнинг бадий имкониятлари**Халқона ижод ва бадий маҳорат*

Сўз инсонга тўғридан-тўғри хабар сифатида таъсир қилиши ёки унга эстетик таъсир қилиб, унда турли ҳиссиётларнинг қўзғолишига сабаб бўлиши мумкин. Бадий адабиётда сўз китобхонга эстетик таъсир қилади. Сўз эстетик таъсир воситасига айланиши учун унга ёрқин истеъдод эгаси ўз муҳрини босган бўлиши керак. Бу эса сўзнинг турли бадий имкониятларидан фойдалана олиш маҳорати билан воқеъ бўлади.

Ёзма адабиётнинг халқ оғзаки ижодига муносабати масаласи ҳамма даврларда адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб келган. Фольклорнинг бой тажрибасидан ижодий озикланиш бадий ижоднинг муҳим хусусиятлари: адабиётнинг халқчиллиги, гоёвийлиги ва миллий ўзига хослигини таъминлайди, айни пайтда, бадий маҳорат бобида ҳам ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

Сўзнинг бадий имкониятлари

Ижодкорнинг саъжия-салоҳияти, аввало, сўздан канчалик фойдалана олганлиги, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий мазмун бағишлай олиш маданияти билан белгиланади. Бадий маҳоратнинг биринчи шarti сўз экан, унга қандай муносабатда бўлиши шоир ёки ёзувчининг ихтиёрида. Лекин бу ижодий эркинлик бадий асарнинг савиясини белгилашини эътиборга олсак, шоир ва ёзувчидан сўзга нисбатан кучли масъулият билан ёндашиш талаб этилиши аниқ бўлади. Атоқли рус адиби М.Горький сўзни "Адабиётнинг биринчи элементи... адабиётнинг асосий курилиши"¹³, деб баҳолайди. Таниқли сўз устаси К.Федин эса "Ёзувчининг маҳорати ҳақида гапни тилдан бошлаш керак"¹⁴, деб таъкидлайди.

Сўз инсонга тўғридан-тўғри хабар сифатида таъсир қилиши ёки унга эстетик таъсир қилиб, унда турли ҳиссиётларнинг кўзголишига сабаб бўлиши мумкин. Бадий адабиётда сўз китобхонга эстетик таъсир қилади. Сўз эстетик таъсир воситасига айлангани учун унга ёрқин истеъдод эгаси ўз муҳрини босган бўлиши керак. Бу эса сўзнинг турли бадий имкониятларидан фойдалана олиш маҳорати билан воқеъ бўлади.

Айни пайтда, эпик ва лирик асарларда сўзнинг бадий имкониятлари бир-биридан фарқ қилади. Эпос тилида тасвирийлик ва манзарадорлик устунлик қилгани боис, сўзнинг эстетик кучи ўқувчига воқеа-ҳодиса орқали таъсир қилади. Бу жараёнда ўқувчининг диққати сўзга эмас, воқеа-ҳодисага қаратилган бўлади. Лирик асарларда эса сўзнинг масъулияти эпик асардагига нисбатан каттароқ. Чунки лирик асарларда турли кўринишдаги кечинмалар

¹³ Горький М. О литературе. –М.: 1953. с.672.

¹⁴ Федин К. Бадий ижод ҳақида совет ёзувчиларининг нутқ ва мақолалар тўплами. Т.: Ўзбекистон, 1960. 113-бет.

ифодаси биринчи планга чиқади. Моддий нарсани тасвирлашдан кўра мавҳум нарсани ифодалаш ҳам, тасаввур қилиш ҳам бир қийинчилик туғдиради. Шунинг учун шеърни айнан (тўла маъно кўринишида) ўқиш жараёнида унинг тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шеърнинг мазмунини ҳикоя қилиш ёки ундаги олган таассуротларни баён қилиш билан унинг таъсир кучи йўқолади. Бу эса шеър матнидаги сўзлардан бирортасини олиб ташлаш, ҳатто, алмаштириш ҳам унинг бадийлигига путур етказиши, деган хулосани беради. Зеро, поэтик сўзнинг ўзига хослиги ҳақида "...шеър лексикаси бутунлай ўзига хосдир"¹⁵, деган эди Л.И.Тимофеев. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, шеър ўз табиатига кўра энг яхши тартибланган энг яхши сўзлардир.

Масалага шу нуқтаи назардан қаралганда, бадий адабиётда, хусусан, шеър асарда сўзнинг бадий имкониятлари масаласини ўрганиш, ҳақиқатан ҳам, шоирнинг бадий маҳоратини ўрганишнинг асосини ва қалитини ташкил этади. Шунинг учун ҳам улкан санъаткорлар ҳамиша тилга алоҳида аҳамият бериб келганлар, бадий асарда сўзнинг ўрнини асарнинг асосий қимматини белгилловчи муҳим омиллардан бири, деб ҳисоблаганлар.

Миртемир ҳам ижодкор сифатида бу масалага катта эътибор билан ёндашган. Буни шоирнинг бой шеърӣ лўғатидан ҳам, образли ифодаларга тўйинган сатрларидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Шоирнинг бой, рангин лексикаси, халқ қўшиқларига ҳамоҳанг: баъзида ўйноқи, баъзида ғамгин, баъзан эса кинояли тасвир усули, ўзига хос оригинал ва тансиқ ташбиҳлар ишлатиши Миртемирнинг ҳофиза қудрати кенг ижодкор, халқ тилининг чуқур билимдони ва моҳир сўз устаси эканидан далолат беради.

¹⁵ Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. –М.: 1971. с.268.

Миртемир шеърининг шоирнинг асар устида, ундаги ўзгаришнинг ўрнини топиш борасида муттасил ишлаганлигидан дарав беради. Шоир ҳақидаги хотираларда, ҳатто, бу жараён асар янгиб ҳолида ёки матбуотда босилиб чиққандан кейин ҳам давом этгани ҳақида фикрлар билдирилган. “У газетамиз саҳифаларида босилган кичик бир шеър устида ҳам кўп меҳнат қилар ва бу меҳнат асар редакцияга келтирилган кунгача, ундан кейин ҳам то газета саҳифасини кўргунича, босилиб тарқалгунча ҳам давом эттирарди... Баъзан у турли мураккаб чизиқлар тортилган ёзувни машинага учун ўқиб берар, устидан яна бир бор кўриб келиш учун муҳаррирдан рухсат сўраб олиб кетарди... Газета саҳифасида шеъри босилган шоир яна тинчимас, тонгданок етиб келар, бирор бир наргул ёки тушиб қолган нукта учун озор чекаётганини кўриб турарди”¹⁶. “Мажлисларнинг бирида ёнма-ён (Миртемир билан – У.Х.) ўлтириб қолдик. Мен у кишидан (қўлидаги – У.Х.) китобни сўриб олдим. Варақлаб қарадиму, ҳаяжонланиб кетдим: биз илгари эшитганда қуйма бўлиб кўринган сатрларнинг жуда кўпчилиги қалам билан янгидан таҳрир қилинган эди. Домладан бунинг сабабини сўрасам: “Ишлаб юрадиган китобим, – деди у киши, – ишлайман деган кишига иш топилаверади”¹⁷.

Бу хотиралардан Миртемир ижодий ўзига хослигининг баъзи белгилари, хусусан, шеърдаги ҳар бир сўз, ишора, ҳатто, тиниш белгилари учун ҳам қанчалик қайғуриши, унинг ортидаги масъулиятни қанчалик ҳис этишини кузатиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг турли йилларда нашрдан чиққан китоблари солиштирилганда, мисраларда, ҳатто, бандларда турли ўзгаришлар бўлганига гувоҳ бўлиш мумкин. Шоирнинг сўзга

¹⁶ М. Қориев, Э. Охунова. Миртемир замондошлари хотирасида. Бир бағир ёлқини ёки саҳифалардаги ишлар. – Ғ.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 129-бет.

¹⁷ Ўша асар. Шарипов Ҳ. Сўнгсиз қўшиқ. 135-бет.

алоҳида эътибор билан ёндашиши натижасида, қайтадан таҳрир килинган сатрларда сўз жиловлари янада ёрқинроқ товланган. Шеъринг мисраларнинг таъсирдорлик кучи бир неча марта ортади.

Масалан, шоирнинг 1958 йилда нашрдан чиққан “Танланган асарлар”ида илк шеърларидан бири бўлган “Танбурим товуши”нинг бир банди қуйидагича бўлган:

*Қўлимда танбурим куйлаган чоқда,
Чидолмай ҳайрат-ла ерга тушсинлар.
Кўкда завқ излаган дардли булбуллар;
Умидлар достонин сўзлаган чоқда,
Яшнасин, кўкарсин, яйраб ўссинлар
Бу эркин тупроқда қип-қизил гуллар... (I.30)*

Шоир бу бандни 1970 йилги “Асарлар”ига қуйидагича олиб киради:

*Қўлимда танбурим куйлаган чоқда,
Олам яшнаб кетсин ва яйраб ўссин.
Бу эркин тупроқда қирмизи гул ҳам...
Умидлар достонин сўзлаган чоқда.
Чарх уриб, ҳайрат-ла чаманга тушсин,
Кўкда завқ излаган дардли булбул ҳам. (I.9)*

Ҳақиқатан ҳам, шоир таҳриридан сўнг шеърнинг поэтик кучи ошган, мисралар ва сўзлар орасидаги ўзаро мантикий боғлиқлик кучайган. Бу қуйидаги ҳолатларда кўринади: *биринчидан*, шеъринг банд мисраларининг ўрни алмашилиши натижасида сўзлар ўртасидаги ўзаро ички алоқа таъминланган. Бу, айниқса, “достон” ва “булбул”, “куй” ва “гул” сўзларининг ўзаро муносабатида кўринади. Чунки биринчи нашрда банднинг тўртинчи мисрасидаги “достон” сўзи билан олтинчи мисрасидаги “гул” сўзларининг

Мантикий бонгликлиги ўта кучсиз бўлган. Таҳрир натижасида “ақлдан” сўзи “гул” сўзи билан эмас, “булбул” сўзи билан ички алоқага киришган, натижада шеърий нуткнинг мантикий изчиллиги орқали *иккинчидан*, дастлабки нашрдаги банднинг бешинчи, олтинчи мисраларидаги таҳрир натижасида ундаги маъно кўлами баъзан мантик тақозосига кўра кенгайган. Агар биринчи нашрнинг айни мисраларида фикр фақат гуллар ҳақида кетаётган бўлса, иккинчи нашрда бутун олам ҳақида боради, жумладан, гуллар ҳам танбуридан таралаётган наво”дан таъсирланишини истайди шоир. “Қизил кизил гуллар” бирикмасининг “қирмизи гуллар” тарзида ўзгартирилиши шеърий нуткнинг услубий мукамаллигини таъминлайди. Зеро, “қизил” сўзига нисбатан “қирмизи” сўзида поэтик услубга хослик кучли; *учинчидан*, биринчи нашрнинг олтинчи мисрасидаги “чидолмай” сўзининг ўрнига “чарх уриб” бирикмасининг, “ерга” сўзининг ўрнига “чаманга” сўзининг қўйилиши аллитерация санъатини (“ч” аллитерацияси) юзага келтириб, мисраларнинг оҳангдорлигини оширган, айни пайтда, образлилик ва сўзлараро мантикий алоқа ҳам таъминланган. Бинобарин, “чидолмай” сўзидан кўра булбулга нисбатан “чарх уриб” бирикмасининг ишлатилиши ва унинг “ерга” эмас, “чаманга” тушуни мантикий жиҳатдан тўғрироқ ва поэтик нутққа мос келади.

Миртемир асарларига шу тарика тинимсиз ишлов бериши натижасида сўз ва бирикмаларнинг маъно қирралари очила боради. Баъзан мисралардаги мавҳумлик ўрнини аниқлик, поэтик келишимнинг тиниқлиги эгаллайди. Масалан, шоирнинг “Тутқун киз” номли шеъри учинчи банди 1958 йилги “Танланган асарлар”ида қуйидагича бўлган:

Синиқ қалб – тутқун

Қимни қутади?

Қафасда кун-тун

Фарёд этади. (I. 32)

1970 йилги “Асарлар”ида шоир мазкур бандни таҳрир қилган экан, аввало, учинчи шахсга қарата айтилган поэтик нутқ иккинчи шахсга қаратилади, банднинг биринчи, иккинчи мисралари билан учинчи, тўртинчи мисраларининг ўрни алмаштирилади. Оқибатда сатрлардаги мавҳум кечинмалар ўрнини аниқлик, кечинмаларнинг ёрқинлиги эгаллайди.

Қафасда кун-тун

Фарёд этасан.

Синиқ қалб – тутқун

Кимни қутасан? (I.12)

Ёки шоирнинг “Чашма бўйида” номли шеъридаги “Табиат этади кўклам тўйини”¹⁸ мисрасида ноаниқлик, фикрнинг тумтоқлиги кўзга ташланади. Бу эса “этади” сўзига ортик даражада мустақил маъно юклаш оқибатида содир бўлган. Аслида эса “этмоқ” сўзи тўлиқсиз феъл сифатида мустақил маънога эга эмас¹⁹. Бу мисрани шоир 1970 йилги “Асарлар”ида “Табиат бошламиш кўклам тўйини” тарзида ўзгартириб маъно аниқлигини таъминлаган.

Баъзан эса таҳрир натижасида шеърий мисралар халқ руҳига, поэтик нутқ эса халқ сўзлашув услубига яқинлашади. “Танбурим товуши” шеърининг олдинги нашрдаги (“Танланган асарлар”, 1958 й.) “Шу чокда тўхталсин кўзларнинг ёши” мисрасининг кейинги нашрга (“Асарлар”, 1970 й.) “Биракай тўхталсин кўзларнинг ёши” тарзида ўзгартирилиши, яъни поэтик нутқда кам истеъмолда бўлган сўзлашув услубига хос сўзнинг киритилиши Миртемир ижодий

¹⁸ Миртемир. Танланган асарлар. –Т.: Ўз адабий нашр, 1958. 31-бет

¹⁹ Ўзбек тили грамматикаси. II томлик I том. –Т.: Фан, 1975. 419-бет.

тасвирининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Зеро, шоир мисрададаги услубига хос энг асосий хусусиятлардан бири ҳам унинг поэтик лугатида халқона-диалектал лексиканинг кўп ишлатилишида кўринади.

Шоирнинг “Кўзингни ўйнатма...” деб бошланувчи шеърининг биринчи банди 1958 йилги нашрда қуйидагича:

*Кўп кунлар судрадинг сўнгсиз йўлларда
Мен-да тилсизларча эргашидим-кетдим.
Адашган эканман, билсам чўлларда,
Мана эндиликда тушуниб етдим... (37)*

Шоир 1970 йилги нашрга бу бандни битта сўзнинг ўзгартирилиши билан олиб киради. Биринчи мисрадаги “сўнгсиз” сўзининг ўрнига “тусмол” сўзи киритилиши натижасида шеър матнидаги фикрий ифода янада тиниклашган. Чунки, биринчидан, “тусмол” ва “адашмоқ” сўзлари бир-бирига мантикий боғлиқ тушунчалар саналса, иккинчидан, кам истеъмолда бўлган “тусмол” сўзи “сўнгсиз” сўзига нисбатан шеърый мисрада ўзининг ҳиссий-таъсирий бўёғини тўлароқ намоён эта олган. Зеро, кам истеъмолда бўлган ҳар қандай нарсга кадрли бўлгани каби сўзнинг ҳам кам ишлатилиши унинг таъсир кучини ўзида саклайди.

Шоир ижодининг дастлабки даврларида сўз бобида баъзи лексик-услубий хатоларни ҳам учратиш мумкин. Лекин бундай хатолар шоир ижодининг эволюцион ўсиши баробарида бартараф бўла боради. Масалан, 1958 йилдаги нашрда “Нурхонни йўқлаб” шеърининг “Оғир-оғир рақсларингдан” (42) мисрасининг 1970 йилги нашрга “Қуш каби чарх уришларингдан” (I, 19) тарзида киритилиши натижасида қиз бола рақсига нисбатан ишлатилган “оғир” сифатловчисидаги услубий хато бартараф этилади. Айни пайтда, иккинчи нашрдаги мисрада образлилик ва поэтик услубга

хослик аниқ кўзга ташланади. Ёки шеърдаги “Қанчалик ваҳший-ё
ёвуз куч” мисрасининг кейинги нашрга “Нечоғлиқ ваҳший-ё
куч” тарзида таҳрир қилиниши шоирнинг йилдан-йилга сўзини
поэтик жiolоларини, услубий хусусиятлари ва ҳиссий-таъсир
бўёғини чуқурроқ англаб бораётганлигини кўрсатади. Зеро
“қанчалик” сўзига нисбатан “нечоғлиқ” сўзи поэтик нутқ
хосланганлиги билан ажралиб туради.

Булардан кўриниб турибдики, шоир бадий тилнинг услубий
имкониятларини, маъно товланишларини, поэтик кечинмани
табиатини асардан асарга теранроқ англаб борган.

Миртемирнинг бу каби шеър таҳрири ва сўзга нисбатан кучли
масъулият билан ёндашуви ҳақида фикр билдирар экан, шоир
А.Орипов шундай дейди: “Шеър устида шоирнинг бунчалик оғир
заҳмат чекишини фазилат деб баҳоламоқ керак. Бир вақтлар рус
шоири Вяземский Пушкин ҳақида гапириб, у “Тезгина ёзади, лекин
хар бир сатрни узоқ вақт киртишлайди”, деган эди. Бундай
мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, асар устида муттасил
меҳнат қилиш талантнинг кичиклигини эмас, балки катталигини
билдиради”²⁰.

А.Мухтор айтганидек, “Шеърнинг биринчи хусусияти
табиийлик”²¹. Миртемир шеърлари ҳам шоир поэтик тафаккурида
юзага келган табиий ва самимий кечинмаларнинг муҳрланишидан
юзага келади. “Миртемир шахси унинг поэзиясига жуда ўхшайди.
Шеърлардаги ёрқинлик ҳам, одамга меҳрибонлик ҳам, ўйчанлик ва
оғирлик, собирлик ва оқиллик ҳам шоирнинг табиатида бор эди”²².
Зеро, шоирлик истеъдоди унинг шахсиятига боғлиқ бўлмаган
алоҳида ҳолат эмас, балки унинг руҳияти, ички дунёси билан узвий

²⁰ Миртемир замондошлари хотирасида. А.Орипов. Юксак ҳаёл. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 141-бет.

²¹ Уша асар. А.Мухтор. Устознинг табаррук ўрни, 33-бет.

²² Уша асар. А.Мухтор. Устознинг табаррук ўрни, 32-бет.

равиши бодлиқ. Ҳақиқатан ҳам, Миртемирнинг деярли барча шеърларида унинг табиатига хос муштарак жиҳат: майинлик, милаҳча, ўйчанлик ва халқона оҳанг борки, айти шу хусусиятлар шеър шеърлари лексикасида ҳам ўз аксини топган. Шоир шеърларига сўз танлаганда шеър оҳанг ва табиатидан келиб чиқади, оҳанг ички мусикийлик асосига кўра тартиб беради. “Истардимки...” шеърда лирик қаҳрамоннинг самимий, беозор, шайхон тўйғуларга тўла истагини шундай ифодалайди:

Истардимки,

Ҳеч бўлмаса, қўшиқ бўлсам содда,

Суюнганда,

Тўлиб-тўлиб тилга олармидинг,

Ўксинганда,

Мунггайганда дилга солармидинг,

Балки шундоқ

Талай маҳал қолар эди ёдда.²³

Шеърний парчада лирик қаҳрамон ўзининг самимий истагини баён қилар экан, кўнгилга йўл топа оладиган “содда қўшиқ” бўлиб, бу билан яқин қолишни истайди, шу орқали маъшуқаси калбига эришиб бормокчи бўлади. Шоир ўзи лозим топган сўзларни график жиҳатдан ажратади, уларни алоҳида сатрларда беради. Бу билан ушбу сўзлар ифодаляётган маъно таъкид этилади. Ажратилган сўзлар алоҳида интонацияни ҳам талаб этади. “Истардимки”, “Суюнганда”, “Ўксинганда” сўзлари ўзи тегишли мисраларнинг атакчи мазмунини ифодаляйди. Биринчи мисрада фикр истак ҳақида кетаётган бўлса, иккинчи ва учинчи мисраларда маъшуқанинг икки хил ҳолатдаги кайфияти хусусида боради, бу

²³ Миртемир. Асарлар. 4 жилдлик, 2-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 141-бет. Бундан кейинги шеърний парчалар ушбу нашрдан олинади. Шунинг учун шеърний парчанинг янги ва саҳифасини қавс ичида келтириш билан чекланамиз.

ҳол “Суюнганда”, “Ўксинганда” сўзларининг алоҳида мисралар таъкидланишига олиб келган. Шеърдаги гумонлик маъно (“истардимки”, “олармидинг”, “солармидинг”, “балки” сўзлар воситасида англашилган) лирик кечинманинг самимийлигини таъминлаш билан бирга, лирик қаҳрамоннинг ўз муҳаббати ва маъшуқасига бўлган муносабатини бирмунча ойдинлаштиради.

Миртемир шеъриятида шеър оҳангини мазмунга буйсундириш тенденцияси устуворлик килади. Юқоридаги банднинг мазмуни шеърнинг ўзига хос оҳангини ҳам белгилан берган. 1, 2 ва 3-мисралардаги иккинчи туюқнинг биринчи сўз чўзиқ талаффуз қилиниши билан шеърнинг таъсир кучи янада ортади. Зеро, шеърнинг бадий қудратини оширишда сўз-оҳанг муносабати ҳам муҳим. Чунки “Поэтик асарнинг етук бўлишининг фақат тилнинг ўзигина ҳал этмайди. Аммо тил асарнинг бутун ички оламини кўрсатувчи ойнадир ва поэзиянинг барча компонентлари билан муомала қилувчи кўп қиррали воситадир”²⁴.

Миртемирнинг баъзи шеърларида мисраларнинг охириги турли лексик ва аффиксацион элементлар қўшилиб келади. Бу ҳам шеърнинг ўзига хос оҳанги талаби билан содир бўлади. Яъни, шонин бу каби шеърларида эркаланиш, майинлик, халқона қўшиқларга хос оҳангни бериш мақсадида қисмларни мисраларга “қистириб” ўтади.

Шундоғам севаманки

Сени Фарғонагинам! (II. 145)

Туюроқда ҳикмат кўп, жигаргинам, ҳей! (II. 156)

Даряси кўп дардга даво, яли-яли,

Лим-лим оқар, бўлмас адо, яли-яли... (I. 202)

²⁴ Адабиёт назарияси I-том. –Т.: Фан. 1978. 356-бет.

Чуннакми бадий асарда, – деган эди Г.А.Гуковский, – ҳар бир сўзга, ҳар бир услубий хусусият, охир-окибатда, ҳар бир сўз зарур, ҳар бир образли вазифадор, муайян маъно ташийти”²⁵. Шоирнинг бу сўзларнинг мисраларида тасвир этилаётган ёки ифодаланаётган нарсаларга лирик қаҳрамоннинг кучли, самимий муҳаббати, шайхонин, меҳри мужассамлашади. Шеърдаги самимият, муҳаббат, шайхонин, меҳр каби туйғулар мисралар охиридаги айни ўша лексик-услубий элементлар воситасида юзага чиқади. Шоир “Фарғонам” дейиш ўрнига “Фарғонагинам” дейиш билан олтин водийни, унинг “ёналишда йўқ гўзаллигини” “шўх қўшиқ, жаранг нидо” билан кўлар экан, бу “қутлуг юрт”га бўлган самимий муҳаббатини билдириб, лекин ўринли услубий восита орқали ёрқин ифодаляди. Чунки ҳақиқ тилидаги –гина элементи, кўпинча, кичрайтириш, қисқалаш, севиш, меҳрибонлик қилиш каби маъноларни англатади.

Ўзбек тилидаги кўпгина сўзлар турли маъно товланишларига эга. Бу жиҳатдан ўзбек тилининг (туркий тилнинг) нақадар бой эканини буюк Навоий ҳам эътироф этиб ўтган. Сўзлар билан ифода қилинган санъаткор тилдаги ўша маъно ранг-барангликларини шунинг томонлари билан илғаш, ўқувчиларга юктира олиши лозим. Биро, асарнинг бадийлигини, эмоционал таъсир кучини оширувчи омиллардан бири сўз қаъридаги нозик жиҳатларни аниқ-равон ажрати билишдан иборат. Миртемир сўз замиридаги нозик бадий-маънотикий, тасвирий-ифодавий, мусиқий-интонацион имкониятларини шоирона юксак дид билан идрок этади. Бу ҳол, айниқса, мисралардаги сўзларнинг градацион тартибланишида яққол сезилиди:

*Эсимга тушади оқсоч Туркистон,
Нодонлик, сарсонлик, гўллик, сўқирлик. (II. 330)*

²⁵ Гуковский Г.А. Изучение литературного произведения в школе. –М.-Л.: 1966. с.103.

*Қизариб, бўзариб, саргайиб, сулғун,
Шарқ томондан босиб келар эди тун... (II. 361)*

Биринчи байтдаги градация усули шеър ғоясини шоирнинг кайноқ ҳис-туйғуларига, кайфиятига мос ҳолда ифодалашга ёрдам беради. Шеърда лирик қаҳрамоннинг қариллик чоғидаги руҳияти кўзига “тобут ва бешик” кўриниб қолган пайтдаги ҳолати унинг поэтик тафаккурида жонланади. Шундай пайтда шоирнинг эсини ўзи туғилиб ўсган “оксоч Туркистон” тушади. Болалик чоғлари кўнрағида жонланар экан, машаққатли, аянчли даврлар поэтик мисраларга шундай кўчади: “Нодонлик, сарсонлик, гўллик, сўқирлик”. Бу мисрада шоирнинг болалик даврини ёдга солувчи ҳар бир ҳолат ўқувчи ҳис-туйғусига ғавқулдда кучли таъсир этади. Ўқувчида сўзлар “нодонлик – сарсонлик”, “гўллик – сўқирлик” тарзида намоён бўлади. Сўзларнинг бундай ички мантикий боғлиқликда тасвирланиши шеърини асарнинг бадий-тасвирий имкониятини оширади.

Адабиётшунос олим И.Султон айтганидек: “...бадий адабиётда ҳар бир сўз микрообраз”²⁶дир. Шеърнинг навбатдаги мисраларида шоир ҳар бир сўздан образ яратиш даражасида максимал фойдаланиш маҳоратини намоён қилади:

*Буюнтуруқ, жувоз, ташналик, ёвгон,
Култепа, ютоқ жар, қора чуқурлик. (II. 330)*

Мисралардаги ҳар бир сўз образ сифатида ўқувчида ўз атрофида катта мазмун билан биргаликда намоён бўлади. Шеърдаги ҳар бир сўз умумлашма образ: у теран, микёсли маъноларга эга, ҳар бири ҳис қилинган, ўзининг бадий-мантикий ва ҳаётини асосига эга бўлиб, ўзаро узвий органик боғланган. Шоирнинг санъаткорона

²⁶ Султон И. Адабиёт назарияси. –Т.: Фан, 1980. 207-бет.

афсонавий силмоқдор сўз-образлари ўзининг давомли маънолари билан машаққатли ҳаёт манзараларини ёрқин акс эттиради. Ўзбекистон олим С.Мелиев бундай образли “сўзлар оламдаги ҳаётни ҳодисани кайта тиклаши натижасида китобхон ҳисларини қўнғушга келтиради”²⁷, дейди.

Миртемир шеърларида градация усулининг бир оз қизиқароқ кўринишини ҳам кузатиш мумкин. Бундай шеърларда бирор нарса оша маъно ҳам, оҳанг ҳам, интонация ҳам кучайиб (ёки йиғилиб) боради. “Фактлар замирида яширинган ижтимоий ҳаёт ҳодисасини унинг муҳимлиги, тўлаллиги ва ёрқинлигича тасвирлашнинг ўз олдига вазифа қилиб қўйган бадий адабиётдан роман, титунарли тил, пухта ишланган сўзлар талаб этилади”²⁸. Градациянинг мазкур кўринишида шоир юқоридаги ҳақиқатга амал қилади. Ифоданинг таъсир қудратини ошириш мақсадида сўзларнинг эмоционал-экспрессив хусусиятига таянади, бунда широк кенҳаётнинг нутқи қаратилган шахсга муносабати унинг сўзларида зуҳур топади. Бу ҳолни, айниқса, шоирнинг “Майли...” шеърида яққол сезиш мумкин:

Майли, бўлишайлик – боғларни сен ол,

Чўл менга қолсин.

Дарёларни сен ол, тоғларни сен ол,

Кўл менга қолсин.

Агар кўлларни ҳам оламан десанг,

Сой қолсин менга.

Агар қуёшга кўл соламан десанг,

Ой қолсин менга.

Агар ой ҳам керак дер экансан, ол,

Юлдуздан кўл торт.

²⁷ Мелиев С. Шеърний сўз ва эстетик таъсир. Ўзбек тили ва адабиёти. 1982, 2-сон. 27-28-бетлар.

²⁸ Горький М. Адабиёт ҳақида. –Т.: Ўздавнашр, 1962. 239-240-бетлар.

*Оқ тунлар айшини сургин бемалол,
Кундуздан қўл торт. (II. 143)*

Миртемирнинг бу шеъри билан Э.Воҳидовнинг “Барча шодлик...” деб бошланувчи ғазали мавзу ва мазмун жиҳатдан ўхшаш хусусиятларга эга. Лекин бу иккала шеърга бадийийлик лирик қаҳрамонлар руҳияти, образ яратиш, ифода усули ва сўз қўллаш санъати нуқтаи назаридан қаралганда, устоз ва шогирднинг шеър яратишдаги ўзига хосликлари намоён бўлади.

Аввало, иккала шеърда ҳам устозу шогирд ижодий услубларини сақлашган. Бирида халқона оҳанг, соддалик ва равлонлик устунлик қилса, иккинчисида аруз вазнига хос вазминлик етакчилик қилади. Миртемир тасвирдаги таъсирчанликни ошириш учун мисралараро градация санъатидан фойдаланса, Э.Воҳидов тазод санъатининг гўзал намунасини яратади:

*Сен менинг жонимни олгин, мен сенинг дардинг олай,
Барча соғлиқ сенга бўлсин, барча беморлик менга.*

“Кундуз” ва “тун” образлари иккала шеърда ҳам учрайди. Лекин бу образлар икки шоирда икки хил талқин қилинади. Маълумки, “тун” образи адабиётда, аксарият, фожиа, зулмат, келажакнинг умидсизлиги каби салбий маъноларни ифодалайди. Миртемир эса мазкур шеърда бу анъанадан чекиниб, тунга ижобий баҳо беради. Тўғрироғи, у туннинг оппоқ рангини кўради, маъшуқасига уни барча роҳат-фароғатлари билан тухфа этади:

*Оқ тунлар айшини сургин бемалол,
Кундуздан қўл торт. (II. 143)*

Э.Воҳидов эса бу борада анъанавий йўлни танлайди:

Сенга бўлсин нурли кундуз, менга қолсин қора тун.

Лирик қаҳрамон руҳиятига эътибор берилса, бу борада ҳам шоир-армон Ушгача тафаккур тарзи намоён бўлади. Миртемир сўз ва образлардаги нозик услубий ва маъно фарқларидан фойдаланиб, лирик қаҳрамоннинг кайфиятига, аynи пайтдаги руҳий ҳолатига асос қўйиб, келувчи сўзлар топади. Масалан, ёрнинг ўта қушқунлиги лирик қаҳрамоннинг кайфиятига таъсир этмай қолмайди, бунинг ишърий нутқдаги аксини шоир нозик услубий қўлланмаларга эга сўзлар воситасида асослайди. Мисралар оша кайфиятнинг таранглаша бориши натижасида лирик нутқ бирмунча қушқунлашади, натижада банд бошидаги “менга қолсин” бирикмаси банднинг ўртасида “қолсин менга” тарзида, банднинг охирида эса “қўл торт” сўз бирикмаси кўринишида намоён бўлади. Сўз ва образлардаги бундай семантик бўёқ жиҳатидан фарқ мисралардаги мазмунга мантқан мос келади. Чунки “қўл торт” бандида лирик қаҳрамон руҳиятидаги кескинлик ва норозилик ҳолатлари ҳам ўз ифодасини топган.

Бу борада Э.Воҳидов қаҳрамони анча вазмин. У маъшуқасига барча нарсаларни тортиқ этади, барча ситамларга рози бўлади, яна ўзини айдордек ҳис қилади:

Сенга ишърни битсин Эркин, йиртиб отмоқ ўз ишинг,

Қасби ишкорлик сенга-ю, айбга икзорлик менга.

Умуман, адабиётдаги бу каби ўхшаш ҳолатлардаги ўзига хос жиҳатларни ижодкорлар дунёқарашидаги яқинлик, инсонлар табиатидаги муштарак жиҳатлар ва индивидуал услубнинг алоҳида ботта асардаги ўзига хос намоёни тарзида тушуниш тўғри бўларди.

Миртемирнинг дастлабки сочмаларида жўшқинлик ва эҳтирос қушқун бўлса, кейинроқ бунинг ўрнини эпик кенглик эгаллади. XX аср ўзбек лирикасида классик ғазал, мураббаъ ва қитъалардагига караганда ривоя ортди. Воқеабандлик, тасвирийлик

лирик шеърятга ҳам кириб келди. Бунинг таъсири лирик шеърларнинг барча компонентларида ўз аксини топди. Хусусан, тил бобида сўзлашув услубига яқинлик, янгича ҳаётий тушунча ва иборада лирикага олиб кириш тенденцияси кучайди. Бу ҳол, айниқадир Миртемир шеъриятида яққол кўзга ташланади. Умуман, Миртемир лирикасида тасвирийлик, ёрқин ҳаётий лавҳалар замирида тасвир умумлашма ҳулосалар яшаш хусусияти бўртиб туради. Айниқадир нуқтаи назардан Миртемир шеърятига баҳо бериб, адабиётшунос олим С.Мамажонов шундай дейди: “Ҳақиқатан ҳам воқеабандиш манзарадорлик, конкретлик Миртемир шеърятининг етакчи хусусиятларидан. Унинг шеърлари учун сийқалик, риторик сентиментализм мутлақо ёт, у доим янги сўз ва фикр айтиш, инсон қалбини, кечинмасини чуқур ва конкрет таҳлил этиш, муҳим ҳаёт ҳулосалар чиқариш йўлидан боради. Бунда у ўзи таъкидлаганини шеърларига кўпроқ бирор ҳаётий воқеани, ситуацияни асос қилиб олиб, шу заминда лирик қаҳрамоннинг ички коллизиясини беришга эришади”²⁹. Воқеабанд лирикада шеърнинг асосий вазифаси поэтик ҳис туғдириш бевосита сўзларга эмас, балки манзара ёки ҳолатнинг ёрқинлиги, ҳаётийлиги ва таъсирчанлигига юкланади. Демак, ҳаётий воқеалар асосида яратилган лирикада тасвирийлик тиниқлиги муҳим. Зеро, манзара ёки ҳолат сўзлар воситасида бунёдга келади. “Лирик шеър кайфият маҳсули бўлганидан, унда кўпинча, лирик персонаж бўлмайди, тили ҳам қисқа; ортиқча жумла ва сўзлар лирик шеърда осонгина билинади, лекин воқеабанд лирикада объектив мазмун субъектив ҳисларга қараганда кўп. Муайян ижтимоий воқеа унда лирик қаҳрамоннинг кечинмалари тарзида акс этса-да, тилда ривоя (воқеа тасвири), драматизм, тасвирийлик туғилади”³⁰.

²⁹ Мамажонов С. Замон билан чапишган ижод. Шарқ юлдузи. 1975, 6-сон. 191-бет.

³⁰ Адабиёт назарияси. I-том. –Т.: Фан, 1978. 364-бет.

Шоирнинг чексиз мўл сўз бойлиги, сербўёк ва ранг-баранг ва ҳам образлар психологиясини очишга қаратилган. Шунинг билан, турли маъноларни ифодаловчи сўзларнинг қўллангани алоҳида эътиборни тортади. “Ёдгор” шеърида шоир қандай маънога ва ҳолат яратишнинг гўзал намунасига эришади. Ҳаётнинг шундай тирашланганки, ҳар бир сўз – умумлашма бир образ, у баъзий мантикий, ҳаётий асоси ва заруратига эга:

*Қора ўрмон, қалин ўрмон,
Олис диёр...
Сўнгил ёбон, совуқ ёбон,
Тўғидаш қор...
Юл хатар бор, жангчи билмас,
Бало тайёр... кўзга илмас!
Қора бўрон – зич ўрмонда,
Бул ёбонда, кенг жаҳонда...
Айланади зил қалдироқ,
Булут-булут кўчар ботқоқ,
Учар қирғоқ, инграр тупроқ. (I. 300)*

Шоирнинг маҳорати шундаки, у сиқик мисраларда омонсиз ва ҳам мантасари картинасини тиниқ ранглarda ифодалашга мунhoffак бўлади. Санъаткорона яратилган теран, вазндор, қаллоқли сўз-образлари урушнинг аён ва ногаҳоний офатларига, алоҳида оқибатларига қарши кишида нафрат ҳиссини уйғотади. Шоирнинг маъноли сўз такрорларида, интонацияси ва чуқур таъълариди шоирнинг уруш лавҳаларини теран ҳис этганлигини аниқлаймиз. Банднинг бошида такрорланиб келувчи “Қора ўрмон, қалин ўрмон, Олис диёр” мисраларидаги ҳар бир бирикма давомли, қаллоқдор мазмунга эга. Учинчи бандда шоир урушнинг даҳшатли фалсафасини ифодалайди. Узоқ ва беомон жанглarning бирида

ёлғиз ўғлининг ҳалок бўлганидан беҳабар “она шўрлик”нинг ҳолатини чуқур драматизмда беради:

*Қора ўрмон, қалин ўрмон,
Олис диёр,
Жанг – беомон, жанг – беомон,
Жанг – даҳшаткор!
Сур уфқда сўнади кун,
Она шўрлик... билмас бутун,
Ёлғиз ўғлин кутар ҳануз,
Кеча-кундуз йиғлар ўксиз... (I. 300-301)*

Шоир даҳшатли уруш фалсафасини бир неча сўз лавҳаси аниқ ва таъсирлиқ ифодалайди. Ўрмон, жанг ва улар билан боғлиқ сифатларнинг қайта-қайта такрорланиб келиши билан шоир уруш манзараси даҳшатини янада қуюклаштирмоқчи, таъкидламоқчи бўлади. Бу мисраларда шоирнинг поэтик сўзни чуқур ҳис қилиш салоҳияти ёрқин намоён бўлган. Бор-йўғи икки-уч мисрада оналарнинг яраланган қалблари, кўкка учган умид-армонлари ўксик кўз ёшлари, метин иродалари-ю бардошлари – барча мужассамлашган.

Умуман, Миртемирнинг уруш мавзусидаги шеърларида шоир қатъий позицияда туриб уруш ва унинг даҳшатли оқибатларини инсониятга етказган улкан моддий ва маънавий зарарларини таассуф билан қаламга олади, душманнинг жирканч қиёфасини ўзига хос сўз ва ибораларда фош қилади. Шоирнинг “Мен она бўлсам агар...”, “Отлик аскар”, “Вабо”, “Бешотар”, “Бу менин Ватаним”, “Сой” каби талай шеърлари айни хусусиятлари билан ўқувчида урушга нисбатан кучли нафрат ҳиссини уйғотиши табиий.

Миртемирнинг ишқий лирикасида гўзал ёр қиёфасини тиник бўёқларда чизишга интилиш кучли. Шоир бадийят талаби билан ёр

Шеърнинг қайта-қайта яратар экан, ҳеч вақт бирини иккинчисида таққуфамасликки ҳаракат қилади, ҳар бири учун ўзига хос маъноли поэтик тафсиллар топа олади. Бундай шеърларда шеърнинг сўз саралиш, поэтик интонацияни ҳис қилиш ва сўзлар таъинидаги гўзал, бетакрор маъно муносабатларини теран англаш маънотини ўзининг бор жозибаси билан намоён бўлади. Қуйидаги шеърдан сулув қиз ва табиат гўзаллиги бадий тасвир объектига айланган. Табиатнинг илоҳий гўзаллиги – кеча, денгиз, ойнинг бадиий тасвирлари ёрнинг сулув ва бетакрор гўзаллигини янада кўрсатиб кўрсатиш учун хизмат қилади:

*Кеча ойдин, кўз ойдин!
Мен сўрадим сўз ойдин,
Ой деди: ой юзлигинг
Ойдинроқдир юз ойдин.
Ойдинда денгиз сулув,
Сунда ой тенгсиз сулув,
Денгиздан ҳам, ойдан ҳам
Ой юзли шу қиз сулув. (I. 199)*

Шеърнинг ҳар бир сатрида қайта-қайта такрорланиб келган “ой” ва “ойдин” сўзлари оҳангдорликни таъминлаш билан бирга, маъно саноғини ҳам оширган. Шоир сўзларнинг омонимик қўлланмасидан санъаткорона фойдаланиб, гўзал, такрорланмас бадиий лавҳа яратган. Биринчи банднинг ўзида “ойдин” сўзи уч хил – ёруғ, ойдан ва гўзал маъноларида келиб, шеърнинг бадий-тасвирий қудратини ошириш билан бирга, ўзига хос мусикий оҳангни ҳам таъминлаган. Шоирнинг поэтик маҳорати шундаки, бир сўзнинг шеърда қайта-қайта такрорланиши сўз – мазмун муносабатининг сийқаланишига эмас, балки тасвирнинг тиниқлиги ва ифоданинг ўзига хослигини юзага келтирган.

Бадий адабиёт сўздан санъаткорона фойдаланиш маҳоратидир. Сўз – маъно, сўз – оҳанг, сўз – ритм муносабати билан боғлиқ ноёб поэтик тафсиллар Миртемир шеърининг анчагина. Бундай поэтик тафсилларда сўз замиридаги нозик муносабатлари намоён бўла боради. “Тортик” шеърини келтирилган қуйидаги мисраларда шоир яна бир гўзал сўз ўйини кашф қилади:

Ойнакўл-ку, ойнадай тоза,

Мўлдир-мўлдир, ўта тиниқ сув... (II. 34)

Шеърда Ойнакўлнинг гўзал тасвири ва таърифи ифодаламоқчи бўлган шоир сўзларга кучли масъулият юклатган. Гўзал сўзлар шодасини тизиш билан бирга, уларга иккинчи маъно ҳам беришга эришади. Байтнинг иккинчи мисрасини “мўлдир” сўзининг такрорий қўлланиши натижасида, айтиб ўтиш керак, ҳам сувнинг мўллигини, ҳам ҳолатини ифодалаб келган. Умуман олганда сўз такрори Миртемирнинг ўзига хос поэтик нутқ усули бўлиб, баъзида бирор маънони таъкидлаш, кучайтириш, оҳангдорликни таъминлаш, сўз ўйинлари воситасида шеърнинг бадий-таъсир кучини ошириш каби маъноларда келади.

Бир адабий турда ижод қилаётган шоирнинг тили, сўзларини фойдаланиш усули бошқа шоирнинг шу хусусиятидан фарқ қилади. Бу фарқ ижодкорларнинг тилдан қандай фойдаланишига боғлиқ. Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Миртемир бундай даврда яшаб ижод этишган: улар ижодининг мазмун-мундарижани ҳам ўзаро кескин тафовут қилмайдди. Аммо тил, сўз қўлланиш соҳасида Ҳамид Олимжон фольклорга хос соддалик, лирик ва романтик руҳга; Ойбек қуюқ образлилик ва тасвирийликка; Ғафур Ғулом публицистик талқин, фактлар асосида умумлаштириш ва сиёсий-фалсафий лексикага; Уйғун кучли ҳиссиётга, лирик

шарҳларини ўз характерига мос сўзлатишга; Миртемир эса халқ тилига яқин, содда, баъзан шева элементларидан ҳам кенг фойдаланишга интилади.

Айтар ўзбек шеъриятига В.В.Маяковскийнинг таъсири кучли бўлган. Унинг таъсири лириканинг барча компонентларида, сўзсозда, ритм, интонация ва сўз бобида ўзига хос янгиликлар келтириб чиқарган. Сўзга бўлган масъулият ортди.

Биз Миртемирнинг В.В.Маяковский усулида ёзилган ёрқин шеърини бўлмаса ҳам, унинг риторик мурожаат, алоҳида сўзларга қўйилган таъкид маъносини юклаш, шеър оҳангини мисралардаги ритмга буйиб чиқариш борасидаги изланишларида, бевосита, унинг таъсирини сезиш мумкин. Миртемир шеъриятида халқ тилига яқинлик, шева элементларидан ижодкорларча фойдаланиш каби қусуриятлар ҳам шоирнинг халқ ҳаётига жуда яқинлиги ва В.В.Маяковскийнинг кучли таъсири туфайли содир бўлди. Зеро, Я.Тимофеев айтганидек: “Ҳозирги замон шеъриятига Маяковскийнинг таъсири масаласи – бу, энг аввало, лексика ва синтаксис тўғрисидаги, жонли нутқ манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги, жонли тил ва жонли тил ўртасидаги чегарани даф қилиш тўғрисидаги масаладир”³¹.

Адабиётшунос И.Султон айтганидек: “... ёзувчи (ёки шоир – тўғрироқ) тилига суянишга мажбур”³².

Худди шу нуқтаи назардан Миртемир шеъриятига баҳо бериб, В.Иштин шундай фикрларни баён қилади: “Тўзалликнинг, ҳаётнинг анчакам ошмиги бўлган шоир она халқининг қалбини чуқур тунувар, бой ва рангин тилини ғоят нозик ҳис қилар, қудратли,

³¹ Тимофеев Я. Из наблюдений над поэтикой Маяковского. Сб. “Творчество Маяковского”. – М.: 1952. 179.

³² Султон И. Адабиёт назарияси. – Т.: Фан, 1986. 206-бет.

пурмаъно ва нафис халқ сўзларини шеърятимизга дадиллик билан олиб кирарди”³³.

Қуйидаги шеърининг парчада Миртемир халқ истеъмолида шевага хос сўзлардан унумли фойдаланиб, ўзига хос поэтик образ яратди:

*Қатор дўнгми, дейсиз, ё қатор ўтов,
Баъзиси бақалоқ, баъзиси чўққи,
Босирмами булар эшиксиз, бутов,
Ёки чинорларми – тарвақай, дуққи? (II. 108)*

Банддаги “дўнг”, “босирма”, “бутов”, “дуққи” каби жонивор сўзлашув тилига хос сўзларни шеърнинг умумий руҳи ва мазмунидан қийинчиликсиз англаш мумкин. Эътиборли томон шу ўринда мазкур сўзларнинг ишлатилиши табиийдир. Шеърнинг ўзига хос фазилати сифатида караш мумкин бўлган бу сўзларнинг ўрнига уларнинг адабий меъёردаги муқобилини қўйиб кўришнинг ўзиёқ шеър бадиятига путур етказди. Чунки шоир шеърнинг маҳаллий колоритни, қишлоқ ҳаётининг ўзига хос руҳини берган учун атайин шу сўзларни ишлатади. Ўқувчини бу шеър руҳига олиб кириш учун, поэтик лавҳанинг ҳаётининг ва табиийлигини таъминлаш учун жуда муҳим.

Умуман, қайси сўзни қаерда ва қанча ишлатиш маҳорати боғлиқ. “Мана бу сўз поэзияга киришга ҳуқуқсиз, деб қатъий чеклаб бўлмайди”³⁴. Поэзия тили сўзга ижодкорларча муносабат билдириш бўлишидир.

“...адабий норма ва бадий адабиёт тили нормаси масалалари бир қадар мураккаб. Бинобарин, бадий адабиёт тили ўзигагина хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кўпинча адабий тил нормаси

³³ Миртемир замондошлари хотирасида. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. 21-бет.

³⁴ Адабиёт назарияси. I-том. –Т.: Фан, 1993. 40-бет.

Чулки халқ тили бирмунча бепардоз,
 тансиқ, оҳори тўкилмаган тасвирий
 имкониятларга бой. Бу борада шоирнинг ўзи
 жуда яхши тансиқ, лекин жуда бой, рангин; оҳори тўкилмаган
 «ўшшқ кўш»³⁶, дея уқтиради. Бу имкониятларни
 шубҳасиз, уни бойитади, омма, халқ руҳига
 Шоир бу хил сўзлардан бир неча усулда

Шарипнинг “Қора сочим ўсиб, қошимга тушди”, деб ётаётганучи халқ кўшиғини эслатувчи “Қарқаралик” шеърисида халқ ўқитқонларига хос куйма иборалар, шўх, ўйноқи оҳанг, ўзига хос

вазн билан шоир шеърларига хос гўзал поэтик тафсил
уйғунлашиб кетади.

Қарқаралик, қайдан келдинг қошимга,

Қайдаги савдони солдинг бошимга.

Қайдаги савдони солсанг бошимга,

Қота кўрма қатрон менинг ошимга. (I. 31)

Шеърда Миртемирнинг нақадар сўз билимдони экани кўриниб туради. Бу мисраларда анъанавий, дабдабали сифатлар, фавкулудда оҳангли қофиялар йўқ. Уларнинг барчаси олд халқ сўзлари. Аммо уларнинг замирида ёрқин поэтик образ, хуш туйғулар ғалаёни барқ уриб турибди.

Бу лирик парчада шоирнинг сўз саралаш санъати, мазмун шакл мутаносиблиги асосида сўзларни жойлаштириши; интонация вазн ва оҳангдорликнинг шеър ва мисраларнинг ички табиатини келиб чиқиши ўзининг бутун жозибаси билан намоён бўлади. Шеърдаги аллитерация санъати, яъни ўринли товуш такрор ритмни безаб, эмоционалликни оширган, шеърини нутқ маданиятининг гўзал намунасини яратган. Сўзлараро товуш уйғунлигини эришиш (“қ” ва “с” аллитерацияси), ўз навбатида, шеърга мусиқий ёдаки каби сифатлар берган. Чунки “...фонетик жиҳатдан пухта ишланган шеър хотирада узоқ сақланиб қолади. Товуш приёмлари ритмни ҳосил қилолмайди, лекин мусиқийлик даражаси, шубҳасиз товуш приёмларига ҳам қарайди”³⁸. Бу лирик сифат ва шеърини фазилатлар шоирнинг “*Қудратга қут қўшар қутлуг меҳнатини*” (II. 37), “*Ё хиёбон, ё қўл, ё сой бўйида... Ёлғиз, ёлғиз, ёлғиз сайлардим сени!*” (II. 39), “*Сой бўйида салқин чойхона, Соя солар юз йиллик чинор*” (II. 281), “*Сув сулудан сулувроқ, Сулув сувда*

³⁸ Адабиёт назарияси. I том. –Т.: Фан, 1978. 384-бет.

“Сокину савлатли, соябон сада” (II. 79) каби образларига ҳам тегишли.

Умуман, Миртемир шеъриятида сўз санъати алоҳида шайъа бўлиб поэтик муаммо ҳисобланади. Ундаги фонетик, лексик ва услубий жиҳатдан гўзал тартибланган мисралар, хусусан, ассонанс, тридация каби санъатлар шоирнинг шеърларига гўзал шакл берди. Бу зўрма-зўракиликдан ҳоли бўлиб, шоир шеърининг табиий ўзанидан эркин ҳосил бўлган шеър санъатидир.

Хулоса қилиб айтганда, Миртемир ижодкор сифатида сўзга эътибор ва ҳаққоният билан қарайди, адабиётнинг биринчи ва зарурий шайъаси сифатида унга катта бадий вазифа юклайди. XX аср ўртак шеърининг халқ сўзлашув тилига яқинлашуви, поэзия тарихининг шеърага хос сўзлар ҳисобига бойиши, бевосита, Миртемир шеъри билан ҳам боғлиқ. Ҳақиқатан ҳам Миртемир ижоди шайъа услуб борасида ҳам, вазн борасида ҳам, тил қурашлари билан ҳам фойдаланиш жиҳатидан ҳам халқ оғзаки ижодидаги шайъа тамойилларни илгари суради. Шу тариқа шоир ижод шайъага унга хос муносабатда бўлиб, гўзал сўз ўйинлари, шайъа шеърини санъатлар кашф қилади. Натижада, Миртемир шеъринида сўз поэзиянинг бошқа компонентлари билан яқин муносабатда киришиб, асарнинг бадий қувватини оширади.

Халқона ижод ва бадий маҳорат

Ёзма адабиётнинг халқ оғзаки ижодига муносабати масаласи ҳамма даврларда адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб келган. Фольклорнинг бой тажрибасидан ижодий озиқланиш бадий ижоднинг муҳим хусусиятлари: адабиётнинг халқчилиги, ғоявийлиги ва миллий ўзига хослигини таъминлайди, айтиш пайти бадий маҳорат бобида ҳам ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди. Чунки фольклор асарларидаги бадий приёмлар, тасвир усуллари образлар тизими ижодкор бадий тафаккури шаклланишига эстетик идеали бойишида юкори потенциал куч бўлиб хизмат қилади. Зеро, М.Горький таъкидлаганидек: "...қадим замонларда барча шоирона умумлаштирмалар берилган, барча машҳур образ типлар яратилган"³⁹.

XX аср адабиётининг шаклланишига муносиб ҳисса қўнган етук сўз санъаткорлари: А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қахҳор, М.Шайхзода, Миртемир асарларида халқ оғзаки поэтик ижодининг таъсири у ёки бу даражада акс этган. Бу муҳими, улар халқ ижодига ёзма адабиётни ҳар тарафлама бойитувчи, ёзувчи бадий фантазияси ва бадий маҳоратини ошириш манбаи сифатида қарашган.⁴⁰

Бой халқ оғзаки ижоди, хусусан, ундаги ранг-баранг бадий образлар, ўзига хос тасвир усули ва бадий приёмларнинг Миртемир шеъриятига таъсири кучли бўлган. Оғзаки ижод намуналаридаги айрим образларнинг Миртемир ижодидаги

³⁹ Горький М. О литературе. (литературно-критические статьи). – М.: 1953. с.54.

⁴⁰ "Қизил Ўзбекистон", 1971, 11 февраль (А.Қахҳорнинг Ҳамза ижодида халқ оғзаки ижодининг таъсири масаласидаги фикрлари). Сотти Ҳусайн. Танланган асарлар. – Т.: 1974. 75, 82-бетлар; А.Қодирий. Қичик асарлар. – Т.: 1969. 4-бет. Ойбек. Асарлар. 9-том. – Т.: 1974. 167-бет. "Адабиётимиз автобиографияси", 160-бет. Фозил Йўлдош ўғли. Алпомиш. – Т.: 1958. 5-6 бетлар; (Ҳ.Олимжоннинг халқ оғзаки ижоди ҳақидаги фикрлари). Ҳ.Олимжон. Танланган асарлар. 3-том. – Т.: 1960. 379-бет. Фадеев А.А. Ҳа 30 лет. – М.: 1957. С. 321 (Ҳ.Олимжоннинг фольклорга муносабати ҳақида). Ғ.Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. 1-том. – Т.: 1971. 182-бет. Инқилоб ва адабиёт. – Т.: 1977. 396-397 бетлари (Миртемирнинг фольклор ҳақидаги фикрлари).

Шоир лирик ва лиро-эпик асарларидаги баъзи образларнинг яратилишига асос бўлган манбалар ва уларнинг тарихий илмий аниқлаш, шоир бадий тафаккурининг маҳсули бўлган айрим образларнинг халқ оғзаки ижодига муносабати, асосан айтганда, халқ оғзаки ижодининг образ ва бадий сўз тилидан назардан Миртемир шеърятига таъсири масаласини ўрганиш, бизнингча, тадқиқот учун етарлича ва қизиқарли маълумотлар бера олади.

Ўзбек адабиёти камолотида муҳим роль ўйнаган Миртемир эри тарих тарихга эга мумтоз адабий меросимиздан баҳраманд бўлиш билан бирга бой халқ оғзаки ижодидан ҳам унумли фойдаланди. Фольклорга хос поэтик тил ва услуб, шеър тартибига оид воситалар, руҳий тавсифлаш, умумлаштириш шакллари – буларнинг барчаси Миртемир ижодининг халқчиллиги ва услубий товланишларини вужудга келтиришда муҳим аҳамият касб этди. Фольклор поэтикаси ва лексикасидан унумли фойдаланган шоир ўз шеърларининг содда ва раван, образга бой, халқ руҳи ва дунёқарошига яқин бўлишига эришди. Бинобарин, халқ оғзаки поэтик ижоди Миртемирнинг бадий фантазияси ва поэтик идеалига жуда яқин эди: “Нечукдир фольклор менинг руҳимга, бадий фантазияларимга ўта яқинлигини ёшлигимдан сезардим. Шеърларимдаги фольклорнинг таъсири халқ ижодига бўлган ана шу муҳаббатим, ундаги мотивларнинг қон-қонимга синиб кетганидан бўлса керак”⁴¹, – деб ёзади шоир.

Зебижсон отланди, кетди сой билан,

Қўлида чинни пиёла май билан.

Чиннини нодонга берма, синдирур,

Бевафо қачон кўнглини тиндирур.

⁴¹ Ҳафизов Ш. Ҳафизов Ш. Адабиёт ва санъат, 1977. -396-397-бетлар.

*Қирқ қулоч сочингни ёйдинг дорга,
Садқа бўлай Зеби отлиқ ёрга.
Садқаи отинг кетайло, Зебижон,
Сен осилма, мен осилай дорга.*

Халқ ижодига мансуб айни сатрлар ҳақида фикр юритар шоир шундай дейди: “Йиғлаб юборгулик таъсирли сатрлар роман ёки бир қиссани кўз олдингизга келтиради. Бу тўртликлар шундай мунг, оҳанг билан айтишадики, титраб кетасан, киши. Халқ ижодидаги айрим образлар, сўзлар, иборалар ва мақоллар ҳикматли сўзлар менинг шеърларимнинг қон-қонига синиб кетишининг сабаби ҳам шунда”⁴².

Ҳақиқатан ҳам, Миртемир ижодидаги кўпгина поэтик образлар, сўз ва иборалар, таъсирчанлик ва оҳангдорликни оширувчи такрорий поэтик бўлаклар халқ ижоди таъсирида пайдо бўлган. Бу жиҳатдан шоирнинг “Ой юзли”, “Кўзларим”, “Яли-яли”, “Офатлар”, “Қўшиқлар”, “Боғ кўча”, “Қарқаралик” каби шеърлари характерлидир.

Миртемир фольклорга хос қуйма иборалар, мақоллар, афоризмлар бўлсин, образли тасвир воситалари бўлсин, уларни айнан қўллаш, ўз асарларига илова тарзида қўшиб кетиш йўлидан эмас, балки ҳамиша уларга ишлов бериш, чархлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлидан боради. Шоирнинг машҳур “Қарқаралик” шеъри “Қора сочим ўсиб қошимга тушди” мисраси билан бошланувчи халқ қўшиғини эслатади. Бу шеърда қарқаралик қизга ишқи тушган йигитнинг ҳиссиётлари, руҳияти, характеридаги довураклик ва самимият халқ оғзаки ижодига ижодий муносабатда бўлишнинг маҳсули эканлигини шоирнинг адабиётшунос Ғ.Мўминов билан бўлган ижодий суҳбатда билдирган қуйидаги

⁴² Миртемир. Асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. -230-бет.

бир-биридан ҳам билиб олиш мумкин: “Қарқаралик қайдан келдинг
 қандай, Қайдаги савдони солдинг бошимга”, деб бошланувчи
 қишлоқ кишлоғимизда кўп эшитганман. 1962 йилда Қозоғистонда
 ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталиги кунларида Кўкчатов,
 Жўраевлар, Қарқарага борганимизда ҳаёлимга ўша қишлоғимиздаги
 “Қарқаралик” кўшиғи келди. Мен ўйладим: қадимда Қарқара билан
 Туркистон бир-биридан олис бўлса ҳам, қарвон йўлининг устида
 қанча, демак, бориш-келиш бўлган экан-да, қарқаралик бир гўзални
 қишлоғимиздан танти, кўкраги ёлли бир ўғлон суйган экан-да,
 қанча бир кўйичибон фарзанди бўлса керак. Булар бир-бирига етиша
 қанчадан фигон билан ўтган экан-да...

Қаранг, бундан 40 йил илгари эшитган ўша кўшиқ менинг
 йилга-тулук шеъримнинг ёзилишига сабаб бўлди”⁴³.

Шоирнинг юқоридаги фикрлари шундай хулоса чиқаришга
 имкон беради: биринчидан, шоир ижодига мансуб “Қарқаралик”
 шеъри “Қора сочим...” деб бошланувчи халқ кўшиғига ҳар
 қандайдан ҳамоҳанг бўлса-да, лекин шеърнинг ёзилишига бевосита
 таъсир ижодига мансуб “Қарқаралик” кўшиғи асос бўлган.
 Иккинчидан, халқ ижодига мансуб “Қарқаралик” шеъри шоирнинг
 ижодий фантазияси билан бойитилган. Ундаги янги давр лирик
 баърамнинг ички руҳий олами, дард-ҳасратлари, эзгу ниятлари
 янгича бир оҳанг, янгича бир кўринишда бадий ифодаланган.
 Учинчидан, халқ кўшиғида маъшуқасига етишолмаган ошиқнинг
 иштиробли ҳолати, ички олами тасвирланган бўлса, эҳтимол. Чунки
 буни шоирнинг юқоридаги фикрлари ҳам, шеърнинг халқ
 кўшиғидан айнан келтирилган биринчи байти ҳам тасдиқлайди.
 Чунки шоир қаламига мансуб шеърда, синчиклаб қаралса,
 дастлабки байт билан қолган мисралар моҳиятан келишолмайди.

⁴³ Ўзбекистон. Асарлар. 4-жилдик. 4-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. 230-231-бетлар.

Биринчи мисрадаёқ ошиқнинг ўз маъшуқасини қаттиқ сенишганлигини унга етиша олмаслигини билгач эса, кўнгил узишга ҳаракат қилганлиги англашилади. Қолган мисраларда эса ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги муносабат узил-кесил ҳал бўлмаганлигини аниқ билиш мумкин: “Дермикансан яқин ёки бўл олис”, “Шайдойингман, қарама, гар қара!”, “Ё “ҳа”си бор, ё “йўғи” бор, не билай...”

Фольклорга хос поэтик тил ва услуб, шеър техникасининг воситалар шоир онги ва тушунчасига фақат ижодий ўзлаштириладиган бадий материалгина бўлиб қирмай, “... адиблар чокда шоирнинг тасаввурини кўзғовчи, унга туртки берувчи, раҳбаранг ассоциациялар туғдирувчи, турли мураккаб таассуротлар яратувчи бой бадий хазина ҳамдир”⁴⁴.

Миртемирнинг “Яли-яли” радифли мухаммаси устоз Навоий ижодининг таъсирида яратилган. Маълумки, Навоийнинг “Яли-яли” радифли ғазали мавжуд⁴⁵. Бу ғазали фольклор таъсирида яратилганлиги ҳар жиҳатдан сезилиб туради. Халқ қўшиқларига хос ўйноқи оҳанг ва ўзига хос вазн, поэтик элементлар, лирик қаҳрамон руҳиятининг ифодаланишидаги ўзига хослик Навоий ғазалида ҳам сақланганлиги бизни шундай хулосага келишга ундайди. Миртемирнинг “Яли-яли” радифли мухаммасининг туғилишида халқ қўшиқларига хос бу каби поэтик воситалар ва Навоий ғазали туртки бўлган.

Навоий ғазалида шоир шеърнинг ғоявий йўналишидан келиб чиқиб, лирик қаҳрамон кайфиятини ўзига хос оҳанг ва услубда ифодалайди:

*Гул очилиб, гулшан ўлуб лолагун,
Бўлди анга нағмасаро, яли-яли.*

⁴⁴ Мўминов Ф. Ўзбек совет адабиёти тараккиётида фольклорнинг роли. –Т.: Фан, 1985. 38-бет.

⁴⁵ “Яли-яли” радифли ғазали А.Навоий ёзганлигини адабиётшунос олим А.Абдуғафуров айтиб ўтади. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. 80-81-бетлар.

*Бир назара солса дебон кўз тутуб,
Қаматимиз бўлди дуто, яли-яли.*

*Хаста Навойни тўқуб қонини,
Қўларига қўйди хино, яли-яли...*⁴⁶

Бу мисраларда Навоий ўз маъшуқасининг ишқида азоб чекаётган лирик қаҳрамоннинг хасталанган руҳий ҳолатини халқ ўқувчиси хос услубда баён қилади. Тушқин руҳий ҳолатни ҳам ўқувчига хос ўйноқи бир оҳангда ифодалаш халқ қўшиқларига хос услублардан биридир. Навоий ўз ғазалида бундай тасвир усулини қўллагани ҳолида лирик қаҳрамоннинг ғамгин ҳолатини кўтаринки ҳолатда поэтик гавдалантиради.

Миртемирда эса, “яли-яли” радифи моҳиятан лирик қаҳрамоннинг шодлигини, ҳаяжонини ифодаловчи лексик-услубий қўшиққа айланади:

*Даряси кўп дардга даво яли-яли,
Лим-лим оқар, бўлмас адо, яли-яли.
Ҳовлиқиши телбанамо, яли-яли,
Боқмай ўтар асти қиё, яли-яли,
Шовқинидан тўлди ҳаво, яли-яли.*

Шеърда ташна ерларга жон ато этувчи дарё образи ва унинг бўлаётган боғлиқ табиат лавҳалари халқ қўшиқларига хос гўзал поэтик услубда гавдалантирилади.

Шоир бу ерларда боғу бўстон яратаётган халқ образини, унинг кудратини фольклорга хос кучли муболаға воситасида шундай ифодалайди:

*Дашт юзига юрди элим қаҳрамон,
Кудрати зўр – топмағуси тоғ омон... (I. 202)*

⁴⁶ Абдулфуров А. Буюк бешлик сабоклари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. 80-81-бетлар.

Шеърдаги халқ кўшиқларига хос мусиқийлик ва равшан образли сўз ва ифодалар, халқ психологиясининг ифодаланиши образ яратишдаги ўзига хослик каби хусусиятлар шеър мисраларга сингиб кетган, айти пайтда, шеърнинг халқчиллиги услубий товланишларини таъминлаган.

Миртемир том маънода кўшиқчи шоирдир. Фольклор Миртемир кўшиқларининг томир-томирига ниҳоятда сингиб кетган. Халқ оғзаки ижодининг жанри ҳисобланмиш кўшиқнинг ўзининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Миртемир ижодига миллий рух ва халқ психологиясига яқинлик фазилатлари уйғунлашган жойда шоир кўшиқларининг бутун жозибаси намоён бўлади. Умуман, кўшиқ жанри Миртемир ижодий идеали ва бадиий тафаккурига жуда яқин тургани боис ҳам шоирнинг “Бир тушмасин”, “Яли-яли”, “Пилла”, “Мард йигит, ёринг бўлай”, “Бешотар”, “Қон кўзли”, “Бокиши”, “Барно”, “Келмагин”, “Тушмасин”, “Армон” каби кўшиқлари ўзининг юксак бадий фазилатлари билан ажралиб туради.

Халқ кўшиқларидаги бадий приёмлардан, тасвир усулларидан, образлар тизими ва шеъринг техникалардан унумли ижодий фойдаланиш шоир бадий тафаккурининг таркибий қисмига айланиб кетган.

Миртемир “Тушмасин” номли кўшиғида фольклор кўшиқларининг поэтикасига мурожаат қилиб, мақолларга хос салмоқли фикр ва халқ поэтик ижодининг бой шеъринг хусусиятларининг уйғунлигига эришади. Натижада, шеър мисралари халқ донолигининг ифодаси бўлган афоризмлар даражасига кўтарилади:

Суйгулик суймасга зинҳор тушмасин,

Ногоҳ ҳакамликка беор тушмасин.

*Пулода йўлдошликка бадкор тушмасин,
 Ач киши юртидан канор тушмасин.
 Содда, соз суҳбатга айёр тушмасин,
 Кима тушса – тушсин, диёр тумасин! (II. 217)*

Халқ ижоди кўп йиллик тарихи давомида сайқал топди, бадиий жиҳатдан такомиллашди. Қўшиқларда халқимизнинг узок йиллик ҳаётний тажрибалари, орзу-умидлари, иродаси ва этикоди билан салмоқли фикрлар ва ҳикматли сўзлар воситасида муҳрланиб қолди. Халқ донолигининг маданияти ва психологиясининг ифодаи бўлган бундай қўшиқлар Миртемирнинг дидактик характеридаги “Тушмасин” қўшиғининг яратилишига туртки бўлган. Бундан, “Бадиий адабиётнинг халқ оғзаки ижоди билан формалашган, сюжет ва дидактика жиҳатдан боғлиқлиги мутлақо шубҳасиз ва жуда иборатомуздир”⁴⁷.

Халқ қўшиқлари мавзу жиҳатдан ранг-баранг. Муҳаббат мавзуси энг қадимий мавзулардан бўлгани боис ҳам халқ қўшиқларида салмоқли ўрин эгаллайди. Миртемирнинг ҳам муҳаббат мавзусидаги қатор қўшиқларида халқ қўшиқларига хос табиий хусусиятлар ижодий ўзлаштирилган. Шоир уларда ҳижрон ахлоқлари ва висол онларининг лаззатини, соғинч туйғусини, вафо ва қайишнинг халқона услубда, содда ва равон тилда, муҳаббат бобида тақриблик ва самимийликни ўзида мужассам этган фольклорга хос образларда ифода этади. Бу жиҳатдан шоирнинг “Келмагин” қўшиғи шеъри характерлидир. Унда ўз маъшуқасига талпинаётган, қайишда энг самимий туйғуларни жо этган, маъшуқасига етишиш учун барча синовларга тайёр турган ёр образи яратилади. Шеърда халқ қўшиқларига хос содда ва айни пайтда гўзал тасвир усулини кўришимиз:

⁴⁷ Бонинг тасвирини и одной ночи. В восьми томах. Т. I. –М.: 1958. с. 7.

*Келма, келмагин, майли,
Йўлда елмагин, майли.
Кутмайман, эрта-ю кеч,
Жиндак жилмагин, майли... (II. 116)*

Бу мисраларни ўқиган кишида ошиқ ўз маъшуқасига аразлагандек, ундан юз ўгираётгандек таассурот қолдиради. Агар эса, бу мисралардаги шартли маъно ошиқнинг муҳаббати кучайгани, энди чидаб бўлмас даражага келганидан дарак берса, Сир тutilган туйғу навбатдаги мисраларда ошкор қилинади ва образининг характер-хусусиятлари ойдинлашади:

*Сўнмиш ишқи демагин,
Хом хаёлда бўлмагин,
Ишқим баттарроқ ҳозир,
Майли, бетинч бўлмагин.
Зап қутулдим, демагин,
Шубҳага йўл бермагин,
Етиб бораман ўзим,
Келма, асли келмагин. (II. 116)*

Оддий ҳолат, яъни маъшуқаси келмагач, ошиқнинг ўзи йўлдан отланмоқчи. Лекин бу ўзига хос тансиқ тасвир усулининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Асар ечимининг сир сақланиши, асосий фикрнинг кечиктирилиши лирик қаҳрамон руҳиятининг ўзига хос тавсифланишини таъминлаган.

Шеърнинг ифода йўсини ҳам, товушлар оҳангдошлиги ва такрорий воситалар ҳам, соддалик ва ўша соддалик замиридаги мушоҳада ҳам халқ кўшиқларига хос сифат ва фазилатларини эслатади. “Соғиндим – сомон бўлдим”, “Келма, келмагин, майли”, “Жиндак жилмагин, майли” каби мисраларга шаклий жиҳатдан ўхшаб кетадиган содда ва халқчил мисраларга фольклор

...тез-тез дуч келиш мумкин. Уларда халқ руҳининг руҳи очик-ойди сезилиб туради.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ва унинг ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги акс-садоси ижод жабҳасида ҳам ўзгаришларни ўзгартиришлар ясади. Уруш Миртемир ижодининг барча қисмларида, ҳусусан, сўз қўллаш ва образ яратиш бобида ҳам, ўзгаришлар муносабат масаласида ҳам ўзгариш ва ўзгаришларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Уруш йилларида Миртемир “Саҳроларда”, “Севги”, “Пилла”, “Қора йилми, ёрини бўлай”, “Қора кўзли”, “Кўзларим йўлингда” каби катор кўшиқлар яратди. Бу кўшиқларнинг негизида халқ ақли, фольклор мотивлари ётади. Фольклорда халқнинг шонли тарихи, маданияти, руҳияти мужассам эканлигини, чинакам ҳақиқатларни яратишининг негизи ана шу халқнинг ранг-баранг бадий ислоҳотида эканини англаган шоир катор шеърларида ота-она ва фарзанд ўртасидаги, ошиқ ва маъшуқа ўртасидаги турли ҳақиқатларни муносабатларни ифодалайди, қахрамонлик дostonларининг образларига ҳамоҳанг образлар яратади.

Миртемирнинг уруш йилларида фольклорга ҳар қачонгидан ҳам акшироқ муносабатда бўлишининг сабаби ошиқ ва маъшуқа образлари мисолида ёркинроқ кўринади. Уруш туфайли икки томоннинг бир-биридан айри тушиши, лекин бу айрилиқ қанчалик қийин бўлмасин, ҳаётининг зарурат эканлиги шоир учун ижодий вазифанинг вазифасини ўтайди. Чунки шу йилларда ёзилган кўшиқларда икки ёш ўртасидаги ишқий муносабатлар ва туйғулар кўпгина асосий ўрин эгаллайди. Бир томондан, Ватан, эл олдидаги вазифаларни бурси, иккинчи томондан, ёр соғинчи, унга талпиниш ҳисси, мизкур жараёнда ёр образининг характер-хусусиятлари, шайхонининг теранроқ очила боради. Шу маънода, шоирнинг

“Саҳарларда” шеъри ва ундаги ёр образи тасвири ҳарифлар билан ўқилган. Урушга жўнаётган йигит севгилисига эл бошига оғир кунлар келганлигини уқтиради. Ўз элининг асл фартандаги йигит Ватанни ҳимоя қилиш масъулиятини биринчилардан хис қилади, уруш олов пуркаб турган жанг майдонига отланади.

Тонг елидай саҳарларда

Ёв устига юрар бўлдим.

Юртим учун зўр жангларда

Золимларни қирар бўлдим. (I. 242)

Шу билан бирга, йигит севгилисининг ҳам қалбига ёл солади. У билан хайрлашар экан, умидсизланмасликка чакирган.

Хуш қол, санам! Жоним, хуш қол!

Омон бўлсам қайтарман ҳам.

Тонг чоғида булбул мисол

Дил розини айтарман ҳам. (I. 242)

Шоир шеърни кўшиқ деб атамаса-да, лекин унда кўшиқларининг руҳи шундоққина сезилиб туради. Фолклор асарларида, хусусан, қаҳрамонлик дostonларида Ўз ёрини оғир синовларга кузатаётган қиз ҳолатини ифодаловчи лавҳаларга тез дуч келиш мумкин. Миртемир халқ дostonларидаги ана шундай лавҳалардан ижодий фойдаланади. Ўз маъшуқасига етишини учун ҳам йигит синовларни енгишга қаттиқ бел боғлайди. Гарчанин кутилмаган, оғир ҳолатларга тушса-да, ёр соғинчи умидсизликдан асраб қолади.

Ўз ёрини жангга жўнатган ватанпарвар қиз ва унинг фронт ортидаги фидокорона меҳнати ўша йилларда яратилган қатор халқ кўшиқларида Ўз аксини топган. Бундай кўшиқларда жанговарлик меҳнат жабҳасидаги қаҳрамонликлар билан боғланиб кетади.

*Қўшимдаги кетмоним,
Биз қирин қиличдир⁴⁸.*

*Бир бир эккан чигитим
Уларга бир мададдир⁴⁹.*

Бу лирикаларда фронтда қаҳрамонлик кўрсатаётган, ўз ёрига қўшимча мададкор бўлишни хоҳлаётган лирик қаҳрамоннинг ҳаёт ҳолатлари ифодаланган бўлса, қуйидаги сатрларда бу ҳолат яна яна кенгироқ тус олади:

*Ариқ бўйида ўяй,
Гулачарга сув қўяй.
Қилсан деман, аяжон,
Аскарликка қўл қўяй⁵⁰.*

Маргеширнинг катор, хусусан, “Пилла”, “Мард йигит, ёринг” каби кўшикларида шоир фронт ортида меҳнат қилаётган, бу ҳақда бўлса-да, ўз ёрини эсдан чиқармаган маъшуқа образининг ҳаёт ҳолатини халқ кўшикларида хос содда услубда очиб беради.

“Мард йигит, ёринг бўлай” кўшиғи ғоявий йўналиши, тасвир ҳолати ва образ яратиш жиҳатидан “Пилла” кўшиғининг давомидек қўшиқсиз қолдиради. Шоир “Мард йигит...” кўшиғида “Пилла”даги образнинг янги қирраларини кашф қилади, натижада, образ яна кенгироқ намоён бўлади. Умуман, шоирнинг фольклор асарларида уруш йилларида ёзилган шеърларида қиз ва йигит образлари бир-бирини тўлдиради, шеърдан-шеърга тўлишиб, қамқоқланиб боради. “Мард йигит...” кўшиғида асосий урғу лирик образнинг жангда қаҳрамонлик кўрсатаётган севгилисига ҳам қўшим, ҳам амалий жиҳатдан мададкор бўлишини чин кўнгилдан

⁴⁸ Бу сўз совет фольклоридан намуналар. –Т.: ЎзФА нашриёти, 1954. 25-бет.

⁴⁹ Ушбу сўз 29-бет.

⁵⁰ Ушбу сўз 29-бет.

истаётганлигига қаратилади. Бу истак йўлида у енгил-сано хаёлларга берилмайди, балки унга қаттиқ ишонади, бу интизор йигитда масъулият ҳиссини яна-да оширишига умид боғлайди:

*Мард йигит, ёринг бўлай,
Ҳам вафодоринг бўлай.
Ёвни енгмайин келма,
Мен интизоринг бўлай. (I. 248)*

Шеърдаги халқ қўшиқларига хос хусусиятлардан бири банднинг бошида такрорланиб келувчи рефрен мисралар асосий фикр – муҳаббат ва шу муҳаббат ортидаги масъулиятни таъкидлаш туради. Бу, ўз навбатида, халқ қўшиқларига қўйиладиган асосий талаблардан бири – қўшиқнинг куй билан муносабатидан барқарорликни ҳам таъминлайди.

Шеърдаги интизорлик туйғуси ва бунинг лирик қаҳрамон образининг моҳиятини англашдаги роли халқ қўшиқларидан куйидаги сатрлар билан ҳамоҳанг:

*Сочларингни тарайман,
Ипак рўмол ўрайман.
Фронтдаги ёримни,
Йўлларига қарайман.⁵¹*

Шу даврда яратилган халқ қўшиқларининг асосий мотивларидан бўлган интизорлик туйғуси ёр образининг садоқатини, ички руҳий ҳолати ва маънавиятини англашда катта аҳамиятга эга.

Халқ қўшиқлари, умуман, фольклор намуналарининг дидактик аҳамияти бўртиб тургани каби, Миртемирнинг уруш йилларида фольклор таъсирида ёзган шеърлари ҳам дидактик жиҳатдан характерли. **Биринчидан**, бундай шеърлар жанри

⁵¹ Ўзбек совет қўшиқларидан намуналар. –Т.: ЎзФА нашриёти, 1954. 22-бет.

Миртемирнинг жон олиб, жон бераётган йигитларга руҳий мадад

қилади:

*Мард йигит, ёринг бўлай,
Ҳам вафодоринг бўлай.
Сен қўлсиз қолсанг агар,
Мен куч, мадоринг бўлай. (I. 248)*

Иккинчидан, бу каби мисралар ҳар бир жангчига ортида ўз
назарини, ҳалқи унга умид билан кўз тикиб турганлигини тез-тез ёдга

қилиши

*Азроилдай олинг аблаҳ жонини,
Ҳам сақланг жанубда эл қўрғонини.
От солинг, балойи ногаҳон бўлинг,
Ё элли қутқаринг, ё танти ўлинг... (I. 265)*

Учинчидан, ўз навбатида, бу каби сатрлар жангчиларда
жангпарварлик масъулиятини оширишга хизмат қилган:

*Жангда жавлон уриб кел,
Ёларни ўлдириб кел.
Соғ бўл, мард бўл ҳар қайда,
Қасос олу қириб кел. (I. 248)*

Миртемирнинг “Ўч”, “Отлиқ аскар”, “Тўйчи Эрйигит ўғли”
каби шеърларида фольклор романтикаси шоир идеалини ифода
қилишда манба бўлиб хизмат қилади. Романтик руҳ шеърда ўзига хос
образларни талаб қилади, шоирнинг бу йиллардаги баъзи
шеърларида халқ қаҳрамонлик дostonларидаги Алпомиш, Гўрўғли,
Рустамхон каби образларга ҳамоҳанг тимсоллар яратилади. Лекин
асосий сюжет реал замин ва маконда содир бўлаётганлиги бадиий
образларнинг ҳаётийлик кучини оширади. Чунончи, шоир “Тўйчи
Эрйигит ўғли” шеърида халқ қаҳрамонининг жанглардаги

жасоратини ҳаётий материал сифатида олиб, уни ҳаётий
достонларидаги қаҳрамонлик мотивларини ифодаловчи ритм ва
ифода воситаларида беради, натижада, ҳаётий қаҳрамонлик билан
афсонавий романтик қаҳрамонлик мотивлари уйғунлашиб кетади.

Ва чопди чақин каби,

Сел каби, оқин каби.

Ташланди ўт қомига

Ўт каби, ёлқин каби...

Босиб тушди ўтни ўт,

Ёвда шу дам учди қут.

Тўсди дўзах офатин

Мисли ўт ўтмас совут. (I. 276)

Адабиётшунос олим С.Мирзаев шоирнинг бу қабил
мисраларига нисбатан шундай танқидий муносабатини баён
қилади: “Тўғри, Миртемирнинг уруш даврида ёзган баъзи
шеърларида (“Бешотар”, “Тўйчи Эрийгит ўғли” ва бошқаларда)
ҳаётдан узоқ бўлган умумийлик ва мавҳумлик кўзга ташланади”.
Адабиётшунос давом этиб, “Бундай шеърларда жангчиларнинг
юксак онглилик руҳида олиб борган курашларининг моҳияти аниқ
акс этмай қолган”⁵², дейди. Аслида эса “Тўйчи Эрийгит ўғли”да
“ҳаётдан узоқ бўлган умумийлик ва мавҳумлик”ни кўрмайсиз.
Ўзбек ўғлини Тўйчи Эрийгит ўғлининг жасорати⁵³ ҳақиқатан ҳам
афсонавий қаҳрамонлик даражасида туради. Унинг бу
қаҳрамонлиги онгсиз равишда амалга оширилмаганлиги ҳам
танқидчининг “жангчиларнинг юксак онглилик руҳида олиб борган
курашларининг моҳияти аниқ акс этмай қолган”, деган
фикрларининг унчалик тўғри эмаслигини кўрсатади. Бизнингча,

⁵² Мирзаев С., Шермухамедов С. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўзбекистон, 1993. 313-б.

⁵³ Тўйчи Эрийгит ўғли – ўз танаси билан душман амбразурасини беркитган ўзбек ўғлини.

жанрларнинг бундай фикрга келишига шеърдаги романтик руҳнинг кучлилиги сабаб бўлган бўлса, эҳтимол. Уруш йилларида ҳаётини қаҳрамонликка руҳлантирувчи кўпгина шеърларда фольклор романтикасига хос кўтаринкиликни назарда тутсак, Ҳусни Эрийигит ўғли жасоратининг шеърда кучли пафос билан романтик руҳда берилиши унинг ҳаётийлик кучини йўқотмайди, аксинча, образ замиридаги моҳиятни ўқувчига етказишда шоирга кўп келади.

Миртемирнинг ҳарбий лирикасидаги айрим мисралар халқ қаҳрамонлик дostonларидаги жанг олдида айтилаётган сафарбар мисраларни эслатади. Чунончи:

*Уларни ўлдиринг, бўлманг ҳеч тутқун,
Тутқунликда бошга тушар қора кун. (I. 265)*

*Майдон аро кишнар тулпор,
Учиб келар мисли шунқор,
Наърангни торт, ўтини ёр,
Зафар олинг, шон ичинда... (I. 249)*

Бундай мисраларда душманни омонсиз қиришга, элни балою ифоддан қутқаришга даъват этувчи, халқ дostonларидаги қаҳрамонлик мотивларини ифодаловчи ритм ва ифода воситаларининг таъсири, айниқса, ёрқин кўринади.

Кагта санъаткорларнинг ижодий тажрибалари шуни кўрсатадики, улар халқ ижодини бутун ҳаётлари давомида ўрганидилар. Миртемир суҳбатларининг бирида шундай деган эди: "Фольклорни ўрганишда, фольклорни билишда ҳикмат кўп. Ўзим ҳам энди-энди пайқаб, тушуниб келаяпман"⁵⁴.

⁵⁴ Миртемир. Асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

Ҳақиқатан ҳам, шоир фольклорни халқ донолигининг намунаси сифатида эъзозлайди, шоир ва ёзувчиларни фольклорнинг ўрганишга, ундаги айрим образлар, сўзлар, ибора ва мақолларни ҳикматли сўзлардан ижодий фойдаланишга чақиради. “Умуман фольклор – тушунган одамга каттақон бир хазина...”⁵⁵, дейди шоир. Дарҳақиқат, фольклор намуналари йиллар давомида такомилланиб, сайқаллашиб, фикрий салмоғи ошиб келаётган маънавий хазинадир. Ундаги айрим мисраларда, ибора ва мақолларда, ҳикматли сўзларда бой ҳаётий тажриба, билим ва фалсафа мужассамлашган.

Ҳар бир шоир ва ёзувчининг ижодий етуклик палласида унинг асарларидаги маъно салмоғи ошади. Бу ижодкорнинг бой ҳаётий тажрибаси, билим савияси, тафаккурининг камолоти ва бадийликнинг барча қирраларини мукаммал эгаллаши жараёнида юз бер келади.

Миртемир ҳам 1976 йилда “Бахшиёна тўртликлар” туркумининг катор тўртликлар яратди. Шоир бу туркум шеърларини “Бахшиёна тўртликлар” деб номлаши ҳам бежиз эмас. Унинг дидактик жиҳатдан характерли бўлган тўртликларида фольклорнинг таъсирини сезиш мумкин. Уларда шоир фольклор асарларининг поэтикасига мурожаат қилади, халқ донолигининг ифодаси бўлган афоризмлардан, мақол ва иборалардан, халқ поэтик ижодининг бой шеърӣй вазнларидан кенг фойдаланади. Бундай тўртликларида ижтимоий муносабатлар ва ахлоқий меъёрларга таянган ҳолда ибратормуз фалсафӣй фикрлар билдиради. Эътиборли томони шундаки, Миртемир тўртликларининг аксариятига халқ донолигининг ифодаси бўлган алоҳида бир мақол ёки ҳикматли сўз асос бўлади. “Яхши” тўртлигининг яратилишига “Шакарнинг ҳам ози яхши” деган халқ мақоли асос бўлган:

⁵⁵ Миртемир. Асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

*Чилдирманинг сози яхши,
Хар ниманинг ози яхши –
Ауракнинг ҳам, сўзнинг ҳам,
Баҳмалнинг ҳам, бўзнинг ҳам.*

“Кунинг келипти-да...” тўртлигида санамай саккиз дегувчи, ўз
қарин доғиб бировлар билан ҳисоблашмай қолган кишилар очик
қарин доғиб олинади:

*Шопириб-шопириб Шодмонжонга суз,
Ўпириб-ўпириб Ўрмонжонга суз.
Қарама ҳеч кимнинг қош-қовогига,
Санамай саккиз де, уйламай тўққиз.*

Шоирнинг “Тонг” номли тўртлигида гўзал табиат тасвири
қарин доғиб руҳиятини очишга қаратилади. Шеърда ноёб
қарин доғиб воситалар мисраларнинг бадий нафосатини ошириш
қарин доғиб бирга, образ моҳиятини теранроқ тушунишга ёрдам беради:

*Тонг мовий жаҳонга ёруғ сочар мўл,
Туқур инжулардан шабнамлик шолча.
Кўрку жамолидан кўзим бўлса ҳўл,
Шафақлардан тутар ипак рўмолча.*

Шоир тўртликлари образ нуктаи назаридан ҳам ранг-
баранглик характерига эга. Фольклорга хос содда, сўзлашув
услубига яқин, поэтик нафосатдан бир оз узоқроқ (баъзилари)
бўлган мисралар замирида теран фалсафа, тўлақонли поэтик
образларни кўриш мумкин. Уларда ўз манфаатлари йўлида доим
бирга бўлган дўстларидан ҳам воз кечган субутсиз инсонлар ҳам
бирга эдик...”), ўз севгилиси учун ҳар қандай синовга тайёр
бўлган садоқатли ёр образини ҳам (“Ҳеч қуримас”), туғилиб ўсган

тупроғини эъзозловчи, ундан фахрланиш туйғусини туйғитиб
ватанпарвар ўғлон образини ҳам (“Мен”) учратамиз.

Бадий адабиётда, хусусан, шеърий асарларда сўзнинг бадий
имкониятларини ўрганиш шоир бадий маҳоратини ўрганишнинг
асосини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам улкан санъаткори
ҳамиша тилга алоҳида аҳамият бериб келганлар, бадий асар
сўзнинг ўрнини асарнинг асосий қимматини белгиловчи
омиллардан бири ҳисоблаганлар.

Сўз образли тасвир воситасига айланиши, ўқувчига эстетик
таъсир қилиб, унда турли ҳиссиётларнинг кўзғолишига сабаб
бўлиши учун ижодкордан сўзларнинг нозик маъно қатламларини,
уларнинг услубий бўёқлари ва маъно товланишларини юксак даражада
билан идрок қилиш талаб этилади. Бу жараён ижодкорда тажриба
маҳорат, поэтик нутқнинг ўзига хос томонларини чуқурроқ
тушуниш ва ҳаётий кузатишлар натижасида шакллана боради.

Халқ оғзаки ижодининг Миртемир шеъриятига таъсир
айниқса, лексика бобида, ранг-баранг образларда, тасвир усули ва
бадий приёмларида очик кўзга ташланади. Айниқса, сўз
сўзлашув услубига яқинлик, хусусан, шевага хос, ҳали бадий
тилда ўрин олишга улгурмаган тил бирликларининг кўп учраши
Миртемир ижодининг халқ оғзаки ижодига яқинлиги натижасидир.

Миртемир ижодида халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт
имкониятлари синтезлашади, натижада, шоир яратган айрим
образларда, ифода услубида романтик рух ва реалистик услуб
уйғунлиги кўзга ташланади.

Миртемир ижодининг халқ оғзаки поэтик ижодига
муносабати шуни кўрсатадики, фольклор ва ёзма адабиёт
ўртасидаги муносабат масаласи бугунги кун адабиётшунослигининг
муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Ижодкорнинг

бадий тасвирлари ва бадий маҳорати, маълум даражада, унинг
ишлари бўлган муносабати жараёнида шаклланади. Хусусан,
бадий образ яратиш борасида халқ оғзаки ижоди, ундаги услуб
маҳорат масаласи катта ижодий мактаб вазифасини ўташи,

II БОБ

ПОРТРЕТ ВА ПЕЙЗАЖ ТАСВИРИДА СЎЗНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИЙ ВАЗИФАЛАРИ

— Сўз ва портрет

Сўз ва пейзаж

Бадий асарда, хусусан, шеърятда портретнинг вазифаси фақат тасвирийликни таъминлашгина эмас, балки образ характерини, руҳиятини ҳам ёритишдир. Зотан, портрет ўз моҳиятига кўра персонажнинг ташқи қиёфаси орқали унинг руҳий оламини ёритиш ёки, аксинча, батафсил тасвирланган руҳий дунёси орқали унинг ташқи қиёфасини ҳам гавдалантиришдир.

Табиат ва Инсон муносабати ҳар доим ҳам адабиётнинг бош мавзуларидан бири бўлиб келган. Инсоният тафаккурининг улуғ зотлари табиатга ҳамиша эзгу назар билан ёндашган. Табиат ва унинг бирлигини теран англаган ҳолда табиат тақдири билан ўз тақдирини, қаҳрамонлари тақдирини боғлашган

Сўз ва портрет

Портрет санъати бадий адабиётда образ яратишнинг муҳим шаклларидан биридир. Образнинг бадий баркамоллигини таъминлашда, қаҳрамонлар дунёсини очишда портретнинг ўрни катта. Бадий асар ғояси, қаҳрамонлар характериға боғлиқ бўлишда портрет санъатининг ўта муҳим жиҳати ҳисобланади. Бадий асарда, хусусан, шеърятда портретнинг вазифаси фақат тасвирлиликни таъминлашгина эмас, балки образ характерини, руҳиятини ҳам ёритишдир. Зотан, портрет ўз моҳиятиға кўра персонажнинг ташқи қиёфаси орқали унинг руҳий оламини ёритиш билан, аксинча, батафсил тасвирланган руҳий дунёси орқали унинг ташқи қиёфасини ҳам гавдалантиришдир.

Миртемир шеърларида бадий портрет воситасида образ моҳиятини очишға, характерини ёрқинлаштиришға, персонажлар руҳиятидаги турли товланишларни бадий акс эттиришға интилади. Унинг лирик портретлари, ўз навбатида, шоирнинг муайян образға, бирон ижобий ёки салбий ҳодисаға муносабатини англатишда муҳим роль ўйнайди. Шоир, айниқса, портрет тасвирининг ҳаётий ҳолатларға бой бўлиши ва миллий рангларда товланишиға эътибор беради. Миртемирнинг тасвир этилаётган қаҳрамонға муносабати муҳим бўлиб, айтиш мумкинки, бу ҳол образни тўлақонли идрок этишда асосий нуқталардан бири ҳисобланади. Шоир “Фақат қалам билан ёзмайди, балки сўз билан сурат чизади, сурат чизганда ҳам расмга ўхшаб одамларни беҳаракат тасвирламайди, балки уларни ҳаётда ҳаракатда”⁵⁶, турли руҳий ҳолатларда тасвирлашға интилади.

Миртемир қаҳрамонлар портретини бир ўриндаёқ тугал тасвирламайди. Умуман, шеърый асарда бунинг ҳамиша ҳам

⁵⁶ Ҳуссейн И. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1986. 210-211-бетлар.

имконияти бўлавермайди. Портретни бўлақларга ажратиб тасвирлашнинг ўзига яраша афзалликлари бор. Чунки бир ўринда тугал тасвирланган портретда образнинг ички олами мукаммалроқ ифодасини топмаслиги мумкин.

Немис адабиётшуноси Хотхолд Лессинг: “Хаётда ҳеч нарса қўлнинг ҳаракатидек таъсирчанликни бера олмайди, айниқса ҳаяжонли жараёнда; аммо қўл ҳаракати иштирок этмаган ва унинг ҳаракатини ифодалай олган юзнинг ҳолати яна ҳам таъсирчанроқ бўлади”⁵⁷, деган ва рассом, аввало, чизадиган портретининг асосий композицион марказини топиб, бутун фикрни ўша ерга жамлашнинг ана шундагина ўзгалар диққатини жалб эта оладиган жозибадор киёфа ярата олиши мумкинлигини уқтирган эди. Шу нуқтаи назардан, шоир қаҳрамонларининг алоҳида ҳаракатлари: йиғиш, кулгиси, турли мимик ва пантомимик ҳаракатлари воситасида уларнинг айни пайтдаги руҳиятини, маънавий дунёсини очиб бериш ҳаракат қилади. Образ ёки персонажнинг ташқи киёфаси, ҳатти ҳаракатлари ва баъзи аъзоларининг тасвири орқали унинг ички дунёсига назар ташлайди. Бунда кўз, қош, юз, киприк ва бошқа аъзолар тавсифини кучайтириш орқали сатрлардаги таъсирчанликка эришади.

Жаҳон адабиётининг азалий ва абадий мавзуларидан бўлган муҳаббат Миртемир шеъриятида ўзгача талкин ва оҳанглар билан тараннум этилади. Шоир ёр портретини чизар экан, ўзига хос тасвир восита ва усулларидан фойдаланади. Масалан, ёрнинг ташқи портрети унинг ички киёфасидаги гўзаллигини акс эттириш учун асосий восита бўлиб хизмат қилади. Айниқса, ёрнинг ташқи киёфаси, характери, маънавий оламига хос хусусиятларни батафсил ифодалашда бисотидаги энг гўзал, нафис сўзлардан истифода

⁵⁷ Лессинг Г.Э. Лаокоон и в границах живописи и поэзии. – М.: 1957. с.121.

шоир “Кўз” шеърисида кўз ифодаси воситасида ёрнинг гўзаллигини яратади. Кўз, маълум маънода, қалбнинг ташқи ифодасидир. Шунинг учун шоир портрет яратишда қаҳрамонларнинг кўзига алоҳида эътибор беради. Кўз тасвири образ яратишнинг руҳиятидаги нозик товланишларни ифодалашнинг асосий воситаларидан биридир. “Кўз” шеърисида биргина кўз билан образнинг гўзал маънавий дунёси ва бетакрор ташқи киёфаси ўз аксини топади.

Эй, сузгун кўзларингдан,

Кўзларим узолмайман,

Таҳрир керакмас газал –

Бир сўз ҳам бузолмайман.

Қандоқ жодугар кўз бу,

Киприк эмас – қундуз бу,

Оламга тугилгандай

Айни саҳар юлдуз бу... (II. 140)

Шеърини парчада инсон портретининг икки унсури – кўз ва киприк воситасида ёр образининг тиниқ чехрасини тасвирлайди. Миртемир портрет тасвиридаги ана шундай маҳоратга эришувида унинг суздан фойдаланиш санъати муҳим роль ўйнайди. Одатда, кўз ёки киприк инсон портретининг алоҳида унсурлари сифатида унинг чехрасининг тўлиқ тасаввурини бермайди. У ёр тасвирида унинг гўзаллигини таъкидлаган ҳолдагина маълум маъно касб қилади. Тасвирдаги “сузгун”, “жодугар”, “қундуз”, “юлдуз” каби ўқоватини ва сифатлашлар ёрнинг бетакрор ташқи киёфасини акс эттириш билан бирга, унинг гўзал ички оламини ҳам ифодалашга хизмат қилади.

Миртемир қаҳрамонлар киёфасидаги кўз ифодасига алоҳида эътибор берар экан, уларнинг ташқи гўзаллигига ва айни пайтдаги

руҳий ҳолатига мос сифатловчи сўзлардан фойдаланади. Шоир ижодидаги “чақмоқ кўз” (“Сув ва сулув”), “хайратли, қора чўғ кўз” (“Пардалик”), “самовий кўз”, “хаёли кўз”, “сирли маъноли кўзлар” (“Биби Марям”), “сузгун кўзлар”, “жодугар кўзлар” (“Қўзғалди”), “меҳригиёли кўзлар” (“Кулгичи”), “ҳасрат ва армонли кўзлар” (“Култепа”), “чақин кўзлар” (“Сутдек ойдин”), “маҳлиё кўзлар” (“Ҳинду раққосасига бағишлаганим”), “уйчан кўзлар” (“Абром Ҳидоят”) каби образли ифодаларда сифатловчи сўз образнинг ташқи қиёфасини акс эттириш билан бирга руҳиятини ҳам ифодалайди. Аслида, кўз билан боғлиқ бу каби сифатловчи сўзлар кўзнинг эмас, қалбнинг, образ характерининг белги-хусусиятини ифодалайди. Айтайлик, “мунгли кўзлар”, “хаёли кўзлар” каби тасвирий ифодалардаги “мунгли”, “хаёли” каби сифатловчи сўзлар фақат кўз эмас, балки шахснинг, руҳиятнинг ҳам шундай сифатларда эканлигини англатади. Шу маънода, кўпинча шеърятдаги кўз ифодаси образнинг руҳияти, шахсияти, маънавияти билан боғланиб кетади.

“Сув ва сулув” шеърида шоир сувчи қизнинг “сулув” чехрасини тасвирлар экан, унга илова қилинган “чақмоқ кўз” каби образли ифодалар қизнинг гўзаллигини таъкидлаш билан бирга, унинг характеридаги қайсарлик ва шижоатни ҳам ифодаланишга хизмат қилган:

Сўлқилдоқ, дўндиққина,

Яланг оёқ, қорамтир.

Кўз чақмоқ, пучуққина,

Ҳар одими гўё сир. (I. 131)

Миртемир баъзи шеърларида образнинг маънавий оламига ҳос қизгилар унинг ташқи қиёфасини акс эттиришда муҳим роль ўйнайди. Умуман, қаҳрамоннинг ички оламини батафсил

тасвирлаш билан ҳам унинг ташқи қиёфасини яратиш мумкин. Биби шеърхон назарида лирик қаҳрамоннинг ички ва ташқи ташқари орасида уйғунлик пайдо қилиш лозим бўлади. Шеърхон лирик қаҳрамоннинг ички оламига хос чизгиларни ўқир экан, унинг назарида, қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси ҳам жонланиши керак.

Миртемир “Биби Марям” шеърида “тангри маъшуқаси” Биби Марям образини, унинг илоҳий портретини яратади.

Мазкур шеър ва унинг яратилиш тарихи шоир ижоди ва эстетикасининг муҳим белгиларини ўзида ифодалаган. Унинг яратилиши ҳақида шоир Шоислом Шомухамедов шундай ҳикоя қилади: “... Бир куни гўзал Пицунда ярим оролига экскурсияга бордик. Унда XII-XIII асрлардан қолган бир каллисо бор... Унда қишнинг ҳайратга соладиган гўзал Биби Марям тасвири ҳам бор. Миртемир ака унга бокдилар-у, лол қолдилар. Бир оздан кейин ташқарига чиқиб, боғ кезиб, ўрмонда сайр эта бошладик. Аммо қишнинг олдимдаги дилкаш ва хушёр йўлдошдан... асар ҳам қолмаган эди.

Энди Миртемир ака ҳеч нарсани эшитмас ва туймас, унинг бутун борлиғини Биби Марям ҳаёли чўлғаб олган эди. Ёнимда пичирлаб шеър тўкиб борар, сатрларни кўрсаткич бармоқлари билан ҳавога ёзар, шу ондаёқ кераксиз топиб, кескин қўл ҳаракати билан ўчириб ҳам ташлар эдилар...

Эртасига пешингача устоз уйларида чикмадилар...”⁵⁸.

Ҳақиқатан ҳам, бу хотирада ижодкорнинг руҳий дунёси, эстетик олами ҳақида айрим характерли жиҳатлар акс этган. Унда шоирнинг санъат асарларидан қанчалик таъсирланиши ҳам, унга қанчалик мафтун бўлиши ҳам, ижод жараёни ва ундаги ўзига ҳосликлар ҳам ўз ифодасини топган. Шоир Биби Марям сиймосини

⁵⁸ Миртемир замондошлари хотирасида. Ш.Шомухамедов. Бир шеър тарихи. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 58-бет.

яратар экан, инсоният ҳақида, унинг дунёқарашидаги эвристик депсинишлар ҳақида чуқур фалсафий мулоҳаза юритиш жараёнда шоир ўз дунёқарашини, маънавияти ва юксак билими ҳам намоён этади.

Айниқса, шеърда “тангри маъшуқаси”нинг сиймоси унинг мукаммал ифодасини топган. Портрет санъати ва унинг тасвиридаги аҳамияти юксак маҳорат билан очиб берилган. Биби Марямнинг маънавий оламига хос ифодалар унинг ташқи кийёфасини акс эттиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Биби Марям портрети психологик портретдир. Биби Марям портретида ташқи чизгиларга деярли тўхталмайди, лекин ички портрет орқали унинг ташқи кийёфасини ёритарди, улар ўртасидаги уйғунликни топа олган.

*Чинакам сулуvsиз, чинакам барно,
Тенги кам сиймо.
Кўзингизда асрий ва сирли маъно,
Мужассам зако (П.40)*

Лирик тасвирдаги “сулуvs”, “барно” каби тасвирий сўзлар ташқи кийёфага хос умумий чизгиларни ифодаласа-да, аслида образнинг гузал маънавий дунёси ҳақида тасаввур беради. Шеърда кўз ифодаси юксак ғоявий вазифани ўтайди. Биби Марям қалбидан келган ҳароратли туйғулар, ноёб фазилатлар унинг “асрий ва сирли маъно” касб этган “самовий” кўзлари воситасида ифодаланган.

*Лекин кўзингизда бир олам ҳаё:
Осмондай гумбаздан мана ҳозир ҳам,
Қарар кўзларингиз, самовий кўзлар,
Тангри маъшуқаси, о Биби Марям... (П.40)*

Шеърда ташки портретга хос кўз тасвири образ характер-
 ятининг ташқи ифодасига, маънавиятининг кўзгусига
 Биби Марям портретига хос чизгиларда ҳар бир сўз
 гоявий-мантикий асосига эга. Биби Марямнинг муқаддас
 юксак ақлу закоси, бой маънавий олами кўз ифодаси
 “асрий ва сирли маъно”, “муҳассам зако”, “бир олам
 ифодаларда ўз аксини топган. Кўз ифодасига “самовий”
 ифодовчисини бериш билан шоир Биби Марямнинг илоҳий
 муқаддас шахсиятига ишора қилади. Шоир шеърда
 портретни асар ғоясига хизмат қилдиради, шеърда портрет
 хос ҳар бир сўз Биби Марямнинг мураккаб ва илоҳий
 яратишга бўйсундирилган. Ташки портретга хос
 кўз ифодасида образнинг бутун ички оламини, ёки
 портретга хос ифодалар воситасида Биби Марямнинг
 сиймосини гавдалантиришга эришган.

Миртемир поэтикасининг, хусусан, портрет яратишда сўздан
 ўзгаришидаги ўзига хос хусусиятларидан яна бири унинг
 турли ҳолат ва вазиятларда хатти-ҳаракатлар воситасида
 ифодаланидир. Немис адабиётшуноси Ҳ.Лессинг “Шеърят
 ҳам акс эттириши мумкин, аммо бу ҳаракат воситасида
 ошқорилиши керак”⁵⁹, деган эди.

“Бобо” шеърда Миртемир Иккинчи жаҳон урушида ҳалок
 бўлган ўглидан айрилган ота образини, унинг руҳиятини, чуқур
 драматик ҳолатини бадий акс эттирган. Машъум хабарни эшитган
 отанинг кўзларидан уйқу қочади. Шоир отанинг руҳий ҳолатини
 унинг хатти-ҳаракатлари, ташки кўринишлари воситасида очиб
 бериш:

Уйқу тугал қочди чол кўзларидан

⁵⁹ Лессинг Г. Э. Лаокоон и в границах живописи и поэзии. – М.: 1957, с.183.

Сархона сингудай тортди чилимни... (I. 270)

Рухий ҳолатни акс эттириш учун топилган ноёб бадий образ – отанинг чилимга ёпишиши орқали шоир унинг қалб яраша мотамсаро ҳолатига ишора қилади. Ота ўғлидан қолган яраша ёдгори – набирасини қўлига олар экан:

Титрар беихтиёр, тутгандай тўлғоқ,

Оппоқ соқолларга ларза тушади,

Нуроний юзларда икки қатра ёш

Садаф доналардек юмалаб кетар.

Ростлар қоматини ўша лаҳза чол,

Ўт парча сўнгари неварасини,

Мағрур ва меҳрибон ўпади такрор... (I. 270)

Шеъринг парчада ҳар бир сўз ўзига яраша рухий мазмун мантикий асосга эга. Оғир жудолик набирасини қўлига олган чолнинг қалбини яна бир қарра ларзага солади, “тўлғоқ тутгандай титраб” кетади. Бобо набирасини кўрганда жудоликни яна бир марта оғир ҳис этади, унинг кўзларида ёш қалқийди. Шу лаҳзада чолнинг руҳиятида кескин ўзгариш юз беради: “Ростлар қоматини ўша лаҳза чол”. Чолнинг руҳиятида юз берган бундай кескин ўзгаришни икки сабаб билан изоҳлаш мумкин. Биринчиси, ҳақ қандай вазиятда ҳам аёл кишининг олдида кўз ёши тўкиш ўзбекман деган эр киши учун хос фазилат эмас. Бу ўринда шеъринг парчасининг биринчи мисрасидаги “беихтиёр” сўзи ички алоқа асосида учинчи ва тўртинчи мисралардаги мазмун билан боғланади: чолнинг кўзлари беихтиёр ёшланади. Иккинчиси, ўғлидан айрилга бўлса ҳам ўзи тирик экани, набирасини ўзи тарбиялаши мумкин экани, бу асосийси, ортида зурриёти қолаётгани отанинг қалбини нурлантиради: “Ўлсам, зурриётим қолар жаҳонда...”. Набирасининг “мағрур ва меҳрибон” ўпиши орқали эса шоир бобонинг юқоридаги

ҳаётини сабабга нисбатан қатъий аҳдини таъкидламоқчи бўлади. Шاعر довомида бобонинг “набирам” эмас, “боламсан” дея такрор-такрор айтишини ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Шеърда чин ўзбек қариясининг сиймоси, ички ва ташқи ҳолати ҳаётини деталлар воситасида жонли гавдалантирилган. Шاعر, шоир бобонинг нуроний чехрасини, беғубор қалбини, қарғам, нузли сиймосини унинг “оппоқ соколлари” орқали тасвирлайди. Руҳият тасвирига оид чизгилар бевосита берилмаган ҳолда, бобонинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзи ва тана аъзоларининг тасвири орқали унинг руҳиятидаги ўзгаришларни, қалб ҳолатларини пайқаш мумкин. Бунда сўзнинг маъно-моҳиятини шоир тушуниши шоирга қўл келади. Бобонинг қиёфасида, руҳиятида соф миллий колорит сезилиб туради. Умуман, Миртемир шеъротида, у яратган бадий портретларда бу тенденция доимо тасдиқланадиган ҳолат килади.

“Бобо” шеърда шоир ўз ўғлидан жудо бўлган ота образини, унинг фожиаи дамлардаги қиёфасини яратса, “Йиғи” шеърда қабристонда онанинг сиймосини тиклайди. Миртемирнинг уруш йиллари поэзиясида ота, она, ўғил ва набира образлари тез-тез учраб туради. Бундай шеърларида урушда ҳалок бўлган ўғлидан айрилган ота-оналарнинг жудолик дардини, букилмас иродасини, қиёқини кунларда ҳам ўзига таскин ва тасалли топа олган ўзбек қарияларининг ҳаётини шоирона теран нигоҳ билан тадқиқ этади. Набира образи воситасида шоир ўзининг урушга бўлган чексиз нафратини таъкидламоқчи бўлади. “Йиғи” шеърдаги чуқур лиризм билан суғорилган сатрларда онанинг характери, ташқи қиёфасига ҳос чизгилар ва мотамсара ҳолати бевосита уруш ва унинг оқибатларига қарши қўйилади. Шеърнинг дастлабки сатрларидаёқ мусибатли кайфият сезилиб туради:

“Оҳ... Дилларни эзиб келар бу йиғи...

Мунчалар инграган қандай кўргулик?” (I. 277)

Шеър давомида аниқ бўладики, бу “кўргулик”, бу “пони” жудолик йиғиси, тақдир кўргулиги. Ҳар бир ҳаракат, сўз, ҳолат киёфа руҳиятни фош қилиб турганидек, онанинг ҳам тақдир кайфияти, руҳиятида юз бераётган замзамалар унинг тақдир киёфаси, сўз ва ҳаракатлари воситасида ифодаланади:

Сочларинг ёйибсан мисли оқ булут,

Эгингга кийибсан мотам либоси,

Ўғилнинг сурати қўлларингда бут

Сени адо қилмиш фарзанд савдоси

Мусибат қаддингни букмиш мисли ёй. (I. 277)

“Оппок соч”, “мотам либоси”, “ўғилнинг сурати”, “фарзанд савдоси” каби сўз ва иборалар онанинг айна пайтдаги тақдир киёфаси ва руҳиятига хос чизгилар бўлиб, улар қўламли тақдир мазмунга эга. “Оппок соч” ибораси қайта-қайта такрорланади, бу билан жудолик дардининг нақадар оғир эканини таъкидлаш билан бирга, онанинг нуроний сиймосига ҳам ишора қилади. Онанинг портрети шеър давомида босқичма-босқич: хатти-ҳаракатлари ва ҳолати, эгиндаги либоси, юз тузилишига хос жиҳатларни аниқ эттириш жараёнида намоён бўла боради. Онанинг дардли киёфаси жуда ёрқин ифодаланган. Мисраларда унинг сурати ҳаётини бўёқларда тиниқ чизилгани боис, шеърхон кўз ўнгида яққол гавдаланади. Онанинг мотамсаро киёфаси урушга нафрат туйғусини уйғотади, она учун ягона тасалли – набира образи эҳтишор урушнинг фавкулудда ҳолатига, ҳаётни сўндириш каби оқибатларига қарши қўйилади.

Портрет ғояга хизмат қилиши керак экан, бунинг учун ҳар бир сўз ва тасвирий ифода маъно салмоғи ва ғоявий функциясига эга

Шеърдаги “оҳ”, “йиғи”, “кўргулик”, “асрдийда”, “роҳат”, “мусибат”, “қайғу”, “мунг” “фигон” каби сўзлар руҳияти билан боғлиқ жиҳатларни акс эттириш билан шеърнинг “ёйи” каби букилган қаддини”, мотамсаро ташқи образини асослаш учун ҳам хизмат қилган.

Портрет тасвирида майда тафсилотларгача эътибор қилиш, кўра, китобхонни тасвирланаётган образнинг ўзига хос жиҳатларидан четга тортиши мумкин. Миртемир ҳам портрет тасвирида меъёрга амал қилишга, ортиқча тафсилотларга бўлмастек ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан, баъзан қисқа портрет тасвиридаёқ поэтик образнинг моҳиятини очишга муваффақ бўлади. “Ўғил” шеърида ота ва ўғил ўртасидаги ахлокий қиёсқабатларни, нозик кечинмаларни уларнинг қисқа-қисқа портретларида суратлантиради:

- Ўғил қутлуг, – дейди жиддий чол,
Гурури барқ урар кўзида.
- Қутлуг, ота, – дейман заб хушҳол,
Жиндак ҳаё аён юзимда. (I. 151)

Фарзанд кўрган ўғилнинг ўз отаси олдида ҳаяжонланиши, бир вақт тортиниши ҳиссини туйиши – ўзбекона ноёб миллий кечинма. Шоир ўғилнинг “хушҳол” аҳволи, “жиндак ҳаё аён юзи” тасвирида айни шу нозик кечинмага ишора қилади. Қисқа портрет тасвиридаёқ ўғилнинг гўзал маънавий киёфаси, миллий руҳияти, қалбидаги ноёб ахлокий сифатлар ўзининг тугал ифодасини топган. Бундай ўринларда шоир қаҳрамонлар руҳиятидаги нозик товланишларни излайди, унинг ташқи портретдаги ифодасини ўқувчига етказди. Отанинг характер-хусусияти: вазминлик, босиқлик, ҳаяжон ва ифтихор туйғусини шоир унинг “жиддий” ҳолати, “гурур барқ этган кўзи” орқали ифодалайди.

Миртемир шеърятининг тасвирийликка мойиллиги, ривож элементларининг кўп учраши унинг шеърларида портрет санъати ҳам таъсир этиб, қаҳрамонларнинг ички ва ташқи қиёфалари муттасил ҳаракатда, ўзаро узлуксиз тўқнашувларда тасвир имконини беради. Бундай шеърларда портрет фақат тасвирийлик таъминлабгина қолмай, балки образ моҳиятини чуқурроқ билан бирга, унинг ҳаётини чизгиларга бой бўлиши учун ҳам қўллаб қилади. Воқеабанд шеърларда фаолият жараёнида образ ўзини ўнатиб беради, намоён этади.

“Тошбу” шеърида Тошбу портретини ҳаракат, фаолият жараёнида, нарсаларга нисбатан муносабатлари аниқлаштириб бериб беради. Шеър Тошбу характериға хос, унинг маънавий оламида ёритувчи мисралар билан бошланади:

Чайирсан, чечансан, чучуксан, сўзсиз,

Эртақдай эзгусан, булоқ янглиз пок.

Кўз ололмас ҳатто илгаса кўзсиз,

Ҳолбуки, мунглигсан. Ғамдин кўксинг чок. (II. 294)

Шеърда воқеабандлик, тасвирийлик устунлик қилади. Тошбу характеридаги меҳнатсеварлик, чидам ва бардош, вафо ва садоқат каби инсоний фазилатлар уруш ортидаги оғир меҳнат жараёнида намоён бўла боради. Тошбу айрилиқ азобини ҳам, ҳижрон аламини ҳам меҳнат билан енгишга интилади. У ёрига фақат шу меҳнат билан муносиб ёрдам бера олишини теран англайди. Худди шу жараёнда меҳнаткаш, садоқатли ёр қиёфаси намоён бўлади:

Эғнида калта тўн, оёқда этик,

Кўнгли кўйдинг суюк пахтазорингга.

Жуякларда қолдинг қош қорайгунча.

Тер тўкиб, кўз тикдинг ўз девкорингга... (II. 294)

Илҳом парчадаги Тошбунинг ҳаракат жараёнида мисраларнинг қаҳрамон портретининг динамик тус олиши асосий омил эмас, балки шу орқали унинг ишчанлигини, бутун ҳаёли ва ҳаётини халқ юкини енгил қилишга, ёрига муносиб бўлишга ҳаракатланганини кўрсатиш учун ҳам хизмат қилади. Портрет парчадаги ҳар бир сўз, тасвирий ифода образ моҳиятини очишга, ҳар бир характеридаги гўзал сифатларни ёритишга қаратилган:

*Бурмалик куйлак ҳам, нимчаю гижим,
Сирғалар сандиққа тушди. Бардош бу...
Хишватда ёш тўқдинг ёмғирдай сим-сим,
Кейин йиғи ҳам тарк. Бош бўлдинг, Тошбу... (II. 294)*

Тошбунинг меҳнат жараёнидаги қиёфаси “Эғнида калта тўн, қалда тик”, “Эсда турмас эди соч тараш ҳатто” каби мисраларда ифодаланса, унинг характеридаги ишчанлик фазилати “Атнинг қўйдинг суюк пахтазорингга”, “Жуякларда қолдинг қош қўриқунча”, “Қиров кетмасидан таширдинг ўғит”, “Ўз бўйнингда эди суя, ўтоқ, чопиқ” каби мисралардан англашилиб туради.

Шеър давомида Тошбу образи вафо ва садокатнинг гўзал тасвири сифатида намоён бўлади. Тошбу кута олиш маънавиятига эга шахс. Ундаги ирода, бардош севгидан куч олади. Кута олишнинг замирида ҳақиқий инсоний туйғу – вафо ётади. Шоир Тошбу характеридаги бу туйғуни унинг қиёфаси, ҳаракатлари ҳолатида очиб беради. Бошдан-оёқ гўзал образли ифодалар, поэтик тафсилларга ниҳоятда бой бўлган ушбу шеърдаги тасвир аниқбадорлигида сўзнинг маъно салмоғи, айниқса, муҳим. Шеърда ниҳоят элементи кучли бўлгани боис, образ характеридаги барча аниқхитлар унинг амаллари, фаолияти орқали ёритилади. Тошбу характеридаги метин ирода, юксак бардош ва вафо фазилатлари “Кейин йиғи ҳам тарк. Бош бўлдинг, Тошбу”, “Шўх ҳисларга

қалбинг дарчаси ёпиқ”, “Қорахат, ним қаҳат сололмади чан.” ва
ғўзал образли ифодаларга бой мисраларда ойдинлашади.

Миртемир шеъриятида “дунёнинг кўрки” бўлган инсон
қуйлаш, унинг шарафли меҳнатига мадҳия айтиш тенденция
кучли. У инсонни баъзан қизгин меҳнат қучоғида, баъзан кенг
уруш манзараларида, баъзан висол онларида ёки ҳижрон қуёғида
тасвирлар экан, барчасида шоирнинг “ҳазрати инсон”га самимий
муҳаббати, чексиз самимияти акс этиб туради. Шоир инсонлар
бўлган ўзининг самимиятини ошкора баён қилмайди, балки
мисралар қатига, шеър руҳига сингдириб юборади. У инсонни
кенг маънодаги қиёфасини яратар экан, ўз муносабатини инсон
амаллари, маънавий дунёси, ўзгартирувчанлик фаолияти орқали
баён қилади. Шундай муносабат шоирнинг “Чоллар” шеърини
“пийри бадавлат” ўзбек қарияларига нисбатан намоён бўлиши.
Шеърда лирик портрет орқали шоирнинг муайян чоллар образи
муносабати очиқ билинади, портрет тасвири ҳаётини ва инсон
чизгиларга бойлиги билан ажралиб туради. Шеърда ўзбек
қарияларининг матонатли меҳнати, ҳаётни ўзгартириш фаолияти
букилмас иродаси, фаровон турмуши бадий портрет санъати
воситасида юзага чиқади, чолларнинг ички ва ташқи оламига ҳо
хусусиятлар уйғун ҳолатда тасвирланади.

Чоллар ўтирибди қуриб чордона,
Давраси арзийди десак шоҳона:
Ятаклари оппоқ, соқоллар оппоқ,
Бошларда чўст дўппи, кўзлари чақноқ,
Чаккаларда ёнар райҳон ё лола.
Чайир қўлларида гардун пиёла,
Ичишади сипо ва секин кўк чой,
Қорамтир юзларда қуёшнинг қўри,

Умрзоқ бахт бермиш меҳнатнинг зўри.
 Соҳибкор, билагон, меҳнаткаш, ўқтам,
 Дунёнинг ўзидай кекса ҳикмат жам.
 Булар чўлда бог-роғ яратганлардан,
 Оқ момиқдан не тоғ яратганлардан.
 Элимга таниқли, ардоқли чоллар,
 Ҳамиша беллари белбоғли чоллар,
 Замон зиё тўкмиш булар дилига,
 Булар жуда етук тунроқ тилига,
 Дунёга бергусиз тансиқ еридан
 Гавҳар ундиришар манглай теридан. (II. 79)

Шеърда чолларнинг ички ва ташқи оламига хос сусусиятлар билан ҳолда тасвирланади, уларнинг лирик портретида ҳар бир сўзнинг кўламли маъно салмоғига эга.

Инсон ҳар доим, ҳар қандай ҳолатда ва ҳар бир ҳаракати билан ўзини ўзи “фош” қилиб боради. Чолларнинг сўрида чой ичиб ўтирган оддийгина ҳолати орқали уларнинг бутун ҳаётини, умриваришларини, маънавий қиёфасини кўрсатиш билан образнинг гувакони, ҳаётини тафсилларга, миллий рангларга бой бўлишини таъминлайди. Чолларнинг меҳнатда кечган ҳаёт йўли, букилмас ардоғи-ю матонатли қалби, ер билан тиллаша оладиган уста бободеҳқон ва мард, танти, бағрикенг инсонлар эканлиги “Қорамтир юзларда қуёшнинг қўри”, “Ҳамиша беллари белбоғли чоллар”, “Булар жуда етук тунроқ тилига” каби тасвирлардан аён бўлади. Узоқ ва оғир меҳнатдан кейин фаровон ҳаётга етиб келган қарияларнинг мамнун қиёфалари эса “Чоллар ўтирибди қоридан, Давраси арзийди десак шоҳона”, “Ичишади сипо ва сўкини кўк чой, Дастурхони тўкин, суҳбатлари сой” каби тасвирларда акс эттирилган.

Шоир “Чоллар” шеърида буюм, ташқи тафсиллар уларнинг маънавий оламига назар ташлайди. Уларнинг нурона чехраси, губорсиз қалби, бой маънавияти, етук ақлу заковати уларнинг “*ятаклари оппоқ, соқоллар оппоқ*”, “*кўзлари чақон*”, “*Замон зиё тўқмиш булар дилига*” каби тасвирларда ўз ифодасини топган. Шеърдаги чуқур лиризм билан суғорилган сатрлар чолларнинг мағрур ва вазмин қиёфаси, чуқур маънавий олами буюмлар тасвири ва шеър руҳи бевосита ҳаётни севиш ва унга чексиз муҳаббат, меҳнат ортидаги роҳат-фароғатни ҳис қилган туйғусини ифодалашга хизмат қилади.

Шоир ўзбек чолларининг умумлашма образини яратиб образнинг ҳаётий ва халқ руҳиятига яқин бўлишини таъминлаш мақсадида ҳаётий деталларни ифодаловчи, миллий қиёфани анъанавий эттирувчи сўз ва иборалардан фойдаланади. Шеърдаги “*кўрғани сўри*”, “*оппоқ ятак*”, “*оппоқ соқол*”, “*чўст дўппи*”, “*Чаккаларча райҳон ё лола*”, “*гардун пиёла*”, “*кўк чой*”, “*белбоғ*” каби чизгилар фикримизни далиллайди.

Умуман, Миртемир шеърияти ҳақиқий маънодаги миллий шеъриятдир. Шоир ижодидаги ўзига хос халқона оҳанг ҳам, услуб ҳам, сўзлардан фойдаланишдаги маҳорат ҳам, тасвир объекти ҳам соф миллий руҳ билан суғорилган. Халқ ижодидаги кўплаб ижобий хусусиятларни ўзида жамлаган бу шеърият ўзбек миллатини, унинг руҳиятини, интилиш ва имкониятларини, кадрият ва анъаналарини унга бўлган самимий муносабатини ўзида ифода этади.

Шоир бадийят талаби билан табиат тасвирига, портрет санъатига қайта-қайта мурожаат қилар экан, бунда ҳам у ўз анъанасидан бир оз бўлса-да, чекинмайди. У образ яратар экан, персонажлар миллий либосларда, миллий руҳият ва дунёқарашида кўз олдимизда намоён бўлади. “Оқсоқол” шеърида шоир

оқсоқолнинг обрўли, суяги меҳнатда қотган, “чинор қоматли” ва “йўлбарс билакли” оқсоқолнинг портретини яратади.

*Бир оқсоқол кўрдим – бўйи чинордек,
Эғнида банорас, кўкраги очик,
Қора чақмоқ каби ял-ял қорачик,
Билакларда йўлбарс қуввати бордек
Белида тўрт белбоғ, қўлида асо,
Шу жойларнинг тўнғич ҳукмронидек
Ўтмиши, бугуни, пок виждонидек
Ақли лўқмонлардан тўлиқ ва расо. (II. 16)*

Бу тасвирда оқсоқолнинг ташқи ва ички олами, жамиятдаги ўрни, иқтисодий мавқеи, ўтмиши ва бугуни, умуман, унинг миллий сифати акс этган. Шоир оқсоқолнинг меҳнатда чиниққан, қариган юзида ҳам букилмаган қомати ва иродасини “чинордек бўйи”, “очик кўкраги”, “йўлбарс қувватли” билаклари, “тоғ янглиғ ёйрили” орқали тасвирлайди. Оқсоқолнинг эғнида “банорас тўн”, “белида белбоғ”. Оқсоқол образи орқали Миртемир дунёнинг пасту Бозинини кўрган, тажрибали, ўтмишда кўплаб “кўргулик”ларни бозидан ўтказган ўзбек қарияларининг типик образини яратган. Шоир оқсоқолдаги мардлик, жумардлик ва бағрикенглик каби сифатларни образли тарзда “белида белбоғи бор” ибораси билан тасвирлайди. Бу билан шоир, бир томондан, асарнинг образлилигини, иккинчи томондан, портрет тасвирининг миллий, ҳаётий ва халқ руҳиятига яқинлигини таъминлаган.

Портретда оқсоқолнинг ички оламини, маънавий дунёсини акс эттириш учун ҳам ўринли сўз ва иборалар топган. Унинг тетик ва бардам руҳияти “қора, чақмоқ каби” кўзларида, характеридаги ватинлик ва босиқлик эса “ошкора савлат” билан “секин, олмоқдор” юришида акс этган. “Ақли лўқмонлардан тўлиқ ва

расо” мисраси оркали эса шоир унинг бой маънавиятига, поэтикасига ақлу заковатига ишора қилади.

Оқсоқолнинг эл орасида катта обрўга эга, ҳурматли инсон эканлигини образли тарзда шундай ифодалайди:

*Йўллардан ўтади – гўё бобойга
Она табиатнинг ўзи таъзимкор,
Одамлардай гўё саломга тайёр,
Бобойни кўрганда тўлар чиройга. (II. 16)*

Оқсоқолнинг шахсиятига, обрў-эътиборига нисбатан элнинг муносабатини шоир оқсоқол ва табиат ўртасидаги алоқада кўрсатади: ҳатто “Она табиатнинг ўзи таъзимкор”. Бунақа оқсоқолнинг обрў-эътибори нақадар юксак эканлигига ишорани сезиш мумкин.

Умуман, Миртемир лирик портретларида сўзга нисбатан кучли ғоявий-бадий вазифа юклаганлигини сезиш мумкин. Натижада, тугал портретнинг ўзидаёқ шоирнинг асар воқелигига муносабати теран англашилади, бу образ моҳиятини, унга хос характерли хусусиятларни англашда ёрдам беради.

Инсоннинг алоҳида аъзолари ёки ҳаракатлари тасвири билан унинг маънавий оламига назар ташлаш ва портретдаги миллийликнинг кучлилиги Миртемирнинг бу борадаги ўзига хос услубини белгилайди. Хусусан, шоир портретдаги миллийликни таъминлаш учун шундай характерли чизгилар, сўз ва иборалар топдики, натижада образни соф ўзбекона қиёфада тасаввур қилиш мумкин бўлди. Бу эса шоирнинг бадий сўзга муносиб вазифа юклай олиш маҳорати билан юзага келди.

Сўз ва пейзаж

Табиат ва Инсон муносабати доимо адабиётнинг бош қисми билан бири бўлиб келган. Инсоният тамаддунининг улуг қисми табиатга ҳамиша эзгу назар билан ёндашишган. Табиат ва инсон бирлигини теран англаган ҳолда табиат тақдири билан ўз тақдирларини, қаҳрамонлари тақдирини боғлашган.

Миртемир шеъриятида табиат бор жозибаси ва мафтункор қисмлар билан намоён бўлиб, асар ғоясининг теранлашувида, асар талқинидаги мукамалликда муҳим роль ўйнайди. Шоир табиатдан завқ олиб; шунчаки манзара яратмайди, балки моҳият тасвирини, ундан завқланади, илҳомланади, табиат кучоғида, ўзи яшайдигандек, “эзилган кўнгиллари яйрайди”, “қалб боғида фарах юз очилади”, ўзини “завқ кучоғида сезади”.

Миртемир шеърларида табиат тасвири шоир кечинмаларини, ҳаётини ва ғояни, мавзу-мундарижасини, образлар дунёсини тасвирга хизмат қилади. Шоир инсон ва табиатни ўзаро таъсирда, диалектик алоқада акс эттиради. Инсон табиатнинг ажралмас бўлаги, шу билан бирга, табиат ҳам инсон меҳрига ташна, инсон кoinот бағрида ҳеч қачон ёлғиз эмас, лекин у табиатга таъсирдан ўз эътиқодини йўқотса, у ўзининг барча таянчларидан маҳрум бўлиши Миртемирнинг пейзаж лирикаси мағзига тасвирланган. Шу маънода, шоирнинг баъзи шеърларида табиат қисмларини инсон тийнатиға хос хусусиятларга қиёслаш таърифли устуворлик қилади.

Шоир “Сени, болалигим...” шеърида “умрнинг тонги” таъғубор болалик кунларини табиат кучоғида тасаввур қилади. Табиатнинг ўз болалиги каби, тонг каби мусаффолигидан “табиат ширини шундай аслик...”, дея хайратга тушади. “*Ҳар япроқ, ҳар тоғда, норасида шох, Баҳор оғушида рози, беармон*” (I. 173),

“Шудринг маржонлари тақмиш сабззор, Сувларга узалмиш толларнинг илки” (I. 173) каби мисраларда табиат ҳодисаларининг инсонга хос характер ва хусусиятлар кўчирилади. Шудрингнинг маржонга, тол новдаларини қўлга ўхшатиш орқали табиатни жонли мавжудот каби эъзозлайди. “Норасида шох” бирикмаси орқали шоир табиатнинг беғуборлигига, унинг инсон меҳрига ташна эканлигига ишора қилади.

Шоирнинг пейзаж лирикасида *ой, қуёш, қўқлам, тун, кеча, нур, қоя* каби образлар асл маъноларидан ташқари турли рамзий маъноларга ҳам эга бўлиб, хилма-хил туйғулар, ранглар ва оҳанглар оламига олиб киради. Зеро, А.А.Потебня айтганидек: “Сўз объектив идрок этишдан ҳосил бўлади. У предметнинг белгисини англатиши билан бирга, шу предметнинг юракдаги инъикосини ҳам ифодалайди”.⁶⁰

Миртемир ҳам пейзаж лирикасида гўзал табиатнинг бетакрор хуснини чизар экан, юракдан ҳис қилинган нафис, бадий бўёқдор сўзлардан истифода этади. Шеърларда пейзаж образ тасвири билан уйғунлашиб кетади, шоир табиат тасвири билан шеърдаги образ ва гоёвий пафос ўртасидаги уйғунликни топа олади. Маълумки, қуёш образи лирикада ўзининг ижобий оттенкасига эга. У баъзида ёруғлик манбаи (“Дўст тутгансан қуёш шаршарасини”), баъзида гўзаллик тимсоли (“Сенинг жилвангмидир? Кўрдим мен сени Қуёш чехрасида субҳидам чоғи”) (I.174) сифатида қаралса, баъзан у инсонийлаштирилади, гўзал малак қиёфасида жонланади (“Денгиз тубларида чўмилар қуёш, Жаннат манзаралар роҳатдир жонга”) (I. 291). “Айрилиқ” шеърда шоир бу анъанага зид ўлароқ қуёшни “мотамсаро, ранги қоп-қора” ҳолатда кўради. “Буюк адиб” – М.Горькийнинг ўлими ҳақидаги “шумли хабар”ни эшитган шоир

⁶⁰ Потебня А.А. Эстетика и поэтика. –М.: 1973. стр.53

“ерга боқиб” “уйиган сукут”ни, калбига боқиб “айрилиқнинг аччиқ” ярасини ҳис қилади. Шунинг учун ҳам у табиатга боқиб гўзаллик, қилиб ярасига таскину даво тополмайди. Чунки айти дамда шоирнинг юрагида табиатга нисбатан қатъий ҳукм ўрнашиб олган: “Юлим табиатнинг бағри бунча тош?” (I. 165). Шоирнинг табиатга нисбатан бундай кескин муносабатда бўлишининг сабаби руҳият билан табиат ўртасидаги диалектик алоқа, пейзаж ҳар бир асарда тояга хизмат қилиши билан изоҳланади. Бинобарин, пейзаж лирикасида рамзийликнинг туғилиши Табиат ва Руҳият диалектикасига, лирик “мен”нинг кайфияти ва табиат ходисалари ўртасидаги муносабатга боғлиқ.

*Ерга боқдим, ерда уйиган сукут,
Айрилиқ очмишдир аччиқ бир яра.
Кўкка кўз ташладим, кўк юзи булут,
Куёш мотамсаро, ранги қоп-қора. (I. 165-бем)*

Шоир “ерда уйиган сукут”нинг, “кўк юзи”да эса булутнинг, куёшнинг “мотамсаро, ранги қоп-қора” ҳолатдаги тасвири билан индибнинг буюклигига, унинг ўлими “бутун элни” “тобут қошида” “ўлчовсиз ҳасрат” билан қайғуга солганига ишора қилади. Инсон табиатнинг бир зарраси эканлигидан, табиат тилсимлари олдида инсон тафаккурининг нақадар ожизлигидан “Не надомат, олам узра қандай сир?”, дея ҳайратга тушади шоир.

Келтирилган шеъринг парчанинг яна бир характерли хусусияти мисралардаги товушлар уйғунлигидир. Ҳар бир мисрада алоҳида товушларнинг (биринчи мисрада “е” товуши, иккинчи мисрада “а” товуши, учинчи мисрада “к” товуши, тўртинчи мисрада “қ” товуши) гармоник тарзда уйғунлашиб келиши оҳангдорликни таъминлаб, шеърнинг ўқилишини осонлаштиради. Шоир товуш жиҳатидан уйғун сўзларни алоҳида мисраларда тизар экан, бу ҳолат

мазмун ва ғояга путур етказмайди. Балки ўқувчида кучли таъсир ҳис уйғотади.

“Айрилиқ” шеърида бағритош табиатдан норози шoir “Кўклам куйлари” номли сочмасида унга нисбатан муносабатини баён қилади: *“Шу дилбар гўзалликларга кўз ташлайман – мен йўл нафосатга бозланаман, суқланиб телмираман – мен! Завқ – дил тош топаман... Шеърят ахтараман шундан”*. (I. 23) Шу боис шoirнинг пейзаж лирикаси чиндан-да сержило, тили сеҳрли. Ҳар бир сўз, ҳар бир ибора юракдан ҳис қилиб айтилади. Баъзан шoir бир ибора билан манзара чизади – *“Тўрғайлар ухлашар янги тағида”* (I.251), беихтиёр у туғилиб ўсган даштнинг кўрасини сарҳадсиз, кўз илғамас дашт. *“Шўъла тўлқинлари қоя устини”*, дейди қуёш кўтарилиб келиш манзарасини чизиб, *“Табиатнинг қизлик чиройи”* дейди яна бир ўринда кишини ҳайратга солиб.

“Қоя” образи Миртемир лирикасида рамзий маъно касб этиши билан характерланади. Бу образ билан шoir кўпинча табиатнинг буюклигига, абадиятига ишора қилади. Бу рамзий маънолар шoirни образга нисбатан ижобий муносабатини белгилайди, шундан бўлса керак образ “оқ” сифатловчиси билан такрор-такрор учрайди:

*Дейман: оқ қоядай бўлсам абадий,
Лочин каби мағрур парвоз этолсам! (I. 213)*

*Атай излаб келдим, оқ қоя,
Сен нақадар мағрур ва кибор (I. 223)*

“Қоя” шеърида шoir бу образ замирига бутун табиатни, унинг барча бойликлари ва гўзаллигини, буюк қудратини мужассамлайди. Образ бизга табиатнинг кўплаб сир-синоатларини баён этади. Шеърдаги *“Толзор куз рангида, бутуқлар – Бари киймиши ёқут*

“Толзор куз рангида ва салқин. Дарахтларда япроқлар
 “Умровимда қор хазинаси, Мана музлар садаф сийнаси”,
 “Арчаблар мўл тош кўкрагимда” (I.223-224) каби образ-лавҳаларда
 шоирнинг маҳорати, сўз саралаш санъати яққол кўринади.

Миртемир ижодида пейзаж шоир кечинмаларини, шеърдаги
 ва ғояни, образлар дунёсини ёритишга хизмат қилади.
 Шоир ижодининг дастлабки даврларида ёзилган баъзи
 лирик каҳрамоннинг табиатга
 гузалликларида завоқланиш ҳисси аниқ-тиниқ
 турса-да, чиройли ташбеҳлар, истиоралар, сифатлашлар
 табиатнинг гузал манзараси чизилса-да, шоирда ижодий
 камлиги боис, уларда умумлашма хулоса чиқариш,
 бирор мақсадга бўйсундириш тенденцияси етишмайди.
 Шоирнинг 1928 йилда ёзилган “Чўл” шеърида шундай ҳолни
 яратиш мумкин. Шеърда ясси-ясси тепалар ястаниб ётган, иссиғи
 тошларни эритишга қодир чўл қиёфасини, ҳар томонда қум ва
 ҳукмрон бўлган табиат манзараси тиник бўёқларда
 “На садо, на бир товуш, На бир зот ва на бир қуш” (I.
 34) макон тутган саҳронинг табиий, гузал манзараси китобхон кўз
 яққол гавдаланади. Айниқса, сўз ва мисралар такрори
 ёввойи табиатини, ундаги ҳукмрон ташналик ва
 жимликни таъкидлаб туради. Саҳро табиатига хос
 ҳусусиятларни берувчи сўзларга шоир урғу бериб алоҳида
 мисраларга ажратадики, бу тасвирнинг ҳаётийлигини ошириш
 билан бирга, чўл манзарасини тиникроқ тасаввур қилиш имконини
 беради:

Чўл,

жим...

Тош, қум ҳар ёғи. (I.54-бет)

Лекин шундай бўлса-да, шеърнинг умумлаштирувчи кўлиги бўлиши боис, у фақат гўзал табиат манзарасини акс эттиривчи мисралардан иборат. Пейзаж бирор гоёни ёки образлар дунёсини очишга, бирор мақсадга қаратилмаганидан шеър куруқ тасвирлаш табиат гўзаллигидан илҳомланган шоирнинг эҳтироси мисраларидан иборат бўлиб қолган. Бадийят талабига унчалик қараб келмайдиган бундай ҳолатлар Миртемир шеъриятида кўп: “Чашма бўйида”, “Кўккиё”, “Сув ёқалаб”, “Тоғ эртаси” каби дастлабки ижод намуналаридагина учрайди. Шунга қарамайдан, бу шеърларда нодир қалам соҳибининг аён келажиги, таланти учкунлари яққол кўриниб туради. Бу, айниқса, шоирнинг тасвирлаш маҳоратида, бот ва рангин лексикасида, хусусан: “Қанотли куйчилар сайрашда эди” (I.19), “Кенг кўксингда чечак лола-пат” (I.25), “Қуёш кўк юзига кўтарилиб, кизгин найзаларини санчаркан, тоғлар чидолмасданми, билмам, тўлғонадир, ёшлар сизга бошлайдир”(I.39), “Ўрмонларнинг орқасидан, булутларнинг орқасидан табассумга тўлган тонг келини юз очади...” (I.50) каби образли тасвирга тўйинган мисраларида аён кўринади.

Шоир ижодининг тадрижий ўсиши билан унинг пейзажга бўлган муносабати ҳам ўзгариб бори.

Миртемир шеъриятида пейзаж бадий асар композициясининг муҳим таркибий қисми сифатида жуда кўп функцияни бажаради. Шоир табиат тасвири орқали баъзан Ўзбекистоннинг табиий гўзаллигини куйлаш билан ўқувчида юртни эъзозлаш туйғусини уйғотади, баъзан ўзбек халқининг саҳийлигини, меҳнаткашлигини улуғлайди. Пейзаж, баъзида лирик қаҳрамондаги кайфиятнинг ифодаловчи восита бўлса, баъзан қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ифодалашда фон вазифасини бажаради.

Нини фасллари билан боғлиқ чизгилар Миртемир шеърларида ўзига хос ранг ва оҳанглар билан намоён бўлади. “Ёз” шеърида фаслнинг сийплати асарнинг ғоясига, ички табиати ва руҳига мос ҳолда фаслнинг бутун жозибасини: “ям-яшил далалар”, “ҳовликма қишлоқлар”, “сўлим ва соядор чинорлар”, “қизғалдоғу райҳонлар, ҳўл чечаклари” – бари-бариси ўлкамизнинг жаннатий манзарасини тасвирлаганга, она диёрнинг бетакрор гўзаллигидан ифтихор қилишга қаратилган. Шоирнинг “...бундай ўлка қайда бор?” дея риторик сурога жавоб бериш ҳам унинг Ватанга ошуфта қалб эгаси, табиатни куч-қувват ва илҳом манбаи деб билувчи ижодкор эканидан далолат беради. Қуйидаги сатрларда ҳар бир сўз образ даражасига кўтарилиб, фаслнинг бутун табиий манзараси билан бирга намоён бўлади:

Кўз тутар овлоқлар, кутар яқинлар,

Сурхон саҳролари, кекса оқинлар.

Ўрмонлар, денгизлар, дарёлар, қирлар –

Шамоллар, шовқинлар, булут, чақинлар... (I.157-158)

Бу мисраларда ёз фаслининг бутун хусусиятлари: ҳарорати-ю ранг-губорларини, шиддатли ёмғирлари-ю тўлиб-тошиб оқаётган дарёларини, ям-яшил ўрмонлари-ю кўпikli денгизларини кўриш мумкин. Шоирнинг истеъдоди шундаки, бу мисраларда ҳар бир сўз ўқувчи шуурига ўз атрофида кўламли маънолари билан биргаликда таъсир этади. Зеро, “Шеърдаги сўзни фикр ва туйғу ўрайдиган ким деб қарамаслик керак. Шеърда фикр ва туйғу сўз билан бирга ринножланади ҳамда китобхон қалбига оҳанг, вазн, қофия, товуш тикрорлари билан кириб боради”⁶¹, деган эди Л.Озеров.

⁶¹ Озеров Л. Работа поэта. –М.: 1968. с.163.

Табиат тасвири оркали юртни улуғлаш, унинг табиат гузаллигини мадҳ этиш анъанасини Миртемир билан замонави шоирлар ижодида ҳам учратиш мумкин. Юртимиз табиатининг ўзига хослигини, тупроғининг унумдорлиги ва халқ меҳнатсеварлигини улуғлаш Ойбекнинг “Ўзбекистон” шеърининг ғоясини таниш этиади. Сатрлар давомида “бир ўлкаки” бирикмасининг анафорик тарзда такрорланиши тасвир изчиллиги ва мукамаллигида муҳим ўрин тутади. Ўлкамиз тупроғининг бебаҳолиги, табиатимизнинг доимо баҳорга, куёшга ошнолиги, кишиларимиз табиатига гайратлилиқ ва заҳматкашлиқ хусусияти чуқур ифода топадики, бу ўринда Ойбекнинг салмоқдор сўзлар топиш маънодорлиги юқори бўлган бирикмалар яратишдаги маҳорати айниқса, қўл келган:

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,

Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.

Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар...

Бир ўлкаки, гайратидан асаби чақнар.

Бахт тошини чақиб бунда куч гувилайди.

Бу сатрлардаги моҳирона танланган сўзлар табиат тасвирининг беришда образли тасвир даражасига кўтарилган, лирик қаҳрамон қалбидаги фахр ва ғурур ҳисларининг аниқ тасвирини берган. Бу жиҳатдан Ойбек шеърининг замондошлари ва келажак авлоди ижодида катта ибратли мактаб ролини ўйнаган.

Маълумки, мумтоз адабиётимизда баҳор бахт ва шодликнинг гузаллик ва ишқ-муҳаббатнинг рамзи сифатида қўлланилган. Миртемир ҳам шу анъана асосида баҳорни алоҳида муҳаббат билан тасвирлайди. Шоир сўлим баҳор табиатини чизар экан, нафис, бадий бўёқдор сўзлардан истифода этади.

*Куртакларнинг қийғоч-қийғоч қараши,
Баргакларнинг экинда соч тараши,
Самоларнинг қалдирғочи – наъраси,
Яйлов-яйлов қўзичоқлар мағраши.
Табиатнинг навқиронлик палласи,
Бахт алласи, ҳаётбахш ишқ ялласи... (II. 233)*

“Чашма бўйида” шеърда эса шундай манзаранинг гувоҳи бўлган шоир:

*Кўм-кўк оғочларнинг қали шохиди
Қанотли қўйчилар сайрашида эди. (I. 19)*

Шеърда табиат тасвири лирик қаҳрамон руҳияти билан боғланиб, унинг қалб боғида ҳам қайта жонланиш юз беради.

Умуман, Миртемир пейзаж лирикаси учун хос бўлган хусусиятлардан бири, унда инсон кечинмалари, туйғуларининг янгириганлигидир. “Қалдирғоч” шеърда шоир ҳис-туйғулари табиат тасвири билан уйғунлашган ҳолда акс этган. Шеър чуқур философий мазмунга эга. Баҳор келганидан севинган лирик қаҳрамон унинг гўзал манзарасини чизади:

*Чексиз кўк тоқларида қалдироқ қарсиллаши...
Кўклам қучоқларида кенг олам лорсиллаши.
Қалдирғоч қайтибди-да. (II. 92)*

Баҳорнинг келиши шоир умрининг кўклами – болалик ширини ёдга солади, кўклам қўйнида яйраб ўйнагани, шўхликлар қилганини ширин хотирлайди:

*Эсга тушар гўдаклик – умримнинг кўклам чоғи,
Эсга тушар шўхлигим – тўпалан сой қирғоғи
Қалдирғоч қўшиғидан. (II. 92)*

Шеър охирида ундаги фалсафий мазмун, рамзий фикр тўлиқ очилади. Унда шоир умрининг куз фаслида туриб баҳорни кумсаши орқали табиат қонунларининг ўзгармаслиги ва абадиёни инсон умрининг ўткинчилигига ишора қилади. Рефрен мисраларнинг деярли ўзгармай бир хил такрорланиши шеър замиридаги умумлашма хулосани таъкидлагандек бўлади.

Шоир баҳор нашъаси ва латофатини барча ранглар, ҳаракат ҳамда ҳолатлари билан батафсил акс эттириш учун истисно ("қанотли куйчилар", "тонг келини") (I. 50-бет), сифатлаш ("соф кумуш чашма", "қўм-қўк оғочлар"), жонлантириш ("чечаклар кулади", "...Қуёш! Шу чоғларда соч тарқатиб кул") (I. 19-бет), ташбеҳ ("Қуёш эрка киздек") (I. 39-бет), муболаға ("Кенг олам лорсиллаши") (II. 92-бет) каби санъатлардан унумли фойдаланади.

"Новаторлик – анъанани ҳурмат қилган ҳолда такрорламаликдир"⁶², дейди Ю.М.Лотман. Миртемир ҳам пейзаж лирикасини "қушлар – қанотли куйчилар", "қуёш – тонг келини", "чечаклар киз бола кулгуси", "тўлин ой – оппоқ ғунча" каби образли ифодалари билан адабиётимиздаги анъанавий тасвирий ифодаларга янгича ёндашади.

Миртемир пейзаж лирикасидаги баҳор ва ёз манзараларини рассом мўйқаламидан чиққан санъат асаридек ёрқин ва эмоционал тасвирга эга. Шоир бу тасвирларда мазкур фаслларнинг моҳиятини очувчи сўз ва ибораларни қўллайди. Чунончи, баҳор қуёшининг танга хуш ёқувчи тафтини офтобнинг "эхтиросли кучоғи" (II. 63) иборасида, баҳорда дала-қирлардан ҳовур кўтарилишини "кенг олам лорсиллаши" (II. 92) бирикмасида акс эттиради.

Шоирнинг табиат тасвирига бағишланган шеърларида фақат тасаввур қилиш мумкин бўлган ҳодисалар ҳам предметлаштири-

⁶² Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста и структура стиха. –Л.: 1972. с.130.

таш, лилик шаклу шамойил касб этади. Бу ҳол эса истиоравий бирикмалар воситасида моҳирона амалга оширилади. Масалан, шоир ёмғирида чўмилиб тиниклашган дарахтлар “симоб тушибгандай порлар япроқлар” (II. 219) мисрасида, ялпизу чўчиомаларнинг хуш ёқувчи иси баҳорнинг “гуллар иси билан келган еллари” (II. 58) бирикмасида ўз ифодасини топса, кўклам чоғи билан чиққан дарахт баргчаларининг майин шабадада титраб туриши “Баргакларнинг эпкинда соч тараши” (II. 58), дея ифодалайди шоир.

Миртемирнинг уруш мавзусидаги шеърларида пейзаж ўзига хос функцияни бажаради. Чунончи, “Вабо” шеърда тинч, сокин табиат тасвири урушнинг фавқулудда ҳолатига қарши қўйилади. Шеърнинг дастлабки сатрларида гўзал табиат тасвирининг берилиши, унда ҳамма нарса тинч ва осуда ҳаёт кечираётганлигининг берилиши чуқур ғоявий мазмунга эга. *“Тўрғайлар ухлашур инсон тагида, Дарё бўйларида – тўқайда сукут”* (I.251), дейди шоир сокин табиатни тасвирлар экан. *“Ялтироқ шабнамлар лола баргида, Зангори самода парча оқ булут”* дейди у яна буни таниқдлаб. Ана шундай бир пайтда юртга ёв бостириб келади, беаёв уруш бошланади. Табиатга нотинч, юртга безовта кунлар бошланади. Шоир душманнинг манфур киёфасини чизишда “шарпа”, “жин”, “алвасти”, “бўри”, “қашқир”, “жодугар” каби танибёҳлардан фойдаланади. Шеърдаги сокин табиат тасвирининг ифодаланиши уруш фожиасини, юртнинг нотинч ҳаётини янада бруттириб кўрсатиш учун хизмат қилади.

Миртемирнинг пейзаж лирикасига хос хусусиятлардан яна бири унинг табиат, жамият, ҳаёт, инсон, муҳаббат ва дўстлик каби фалсафий тушунчалар замиридаги моҳиятнинг табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлар жараёнида тушунишга интилишида кўринади. Шундан бўлса керак, шоир ижодида табиат ва инсон

Ўртасидаги турли муносабатлар замирида фалсафий фикр айтиш тушунчалар моҳиятини излаш каби хусусиятларни кутатиш мумкин. Шу маънода шоирнинг “Самога...” деб бошланувчи шеъри характерли. Унда шоир ўзининг дўстлик ҳақидаги фалсафасини пейзаж воситасида ифодалайди. Дастлаб шоир “само” ва “ади” ўртасида ўхшашлик кидиради. Баъзи бир ўхшаш жиҳатлар келтирилади. Самонинг “ҳар юлдузи”ни “қирмизи лола”га, адирдаги “ҳар барра кизғалдоқ”ни сочилиб ётган юлдузларга ўхшатади. Шоир ўзига ўзи қарши чиқиб, ҳар нарса ўз ўрнида азиздир, деган хулосани келади. Шеър шу билан тугамайди. Юқоридаги хулоса билан шоир ўқувчини асосий фикрга, ундаги фалсафий маънони тушунишни тайёрлайди. Асосий фикрни эса шоир афоризм даражасига кўтарилган куйма сатрларда шундай ифодалайди:

*Қора тун келганда дўст келади илк,
Номард дўст – душмандан баттар жафодир!
Йигит кўрки эса мардлик, тантилик,
Ақли расо ёрнинг кўрки вафодир. (I. 171)*

Ҳақиқий дўстликни улуғламоқчи бўлган шоир ўз фикрини тўғридан-тўғри айтмайди. Унга табиатдан мисоллар келтириб, ўз фикрига ўқувчини ишонтиради. Бу билан шоир табиат ва инсоннинг бир-бирига яқинлигига, инсонлар ўртасидаги муносабатлар табиий эҳтиёждан келиб чиқишига ишора қилади. Самодаги юлдузлар лола ёки, аксинча, адирдаги қизғалдоқлар юлдуз бўлолмаганидек, сенинг омадли кунларингда атрофингда парвона бўлаётганларнинг барчаси ҳам сенга дўст бўлолмайди, демоқчи бўлади шоир. Бу унинг табиат манзарасидан олган дўстлик ҳақидаги фалсафаси сифатида жаранглайди.

Миртемир пейзаж лирикасида ҳам ўз ижодий манерасини сақлаган ҳолда оҳори тўқилмаган, бўёқдор, халқ руҳига яқин

сўзлардан фойдаланади. Бу эса шеърнинг ҳаётийлик кучини таъминлайди. Шоир “Анғиз” шеърида “салт ғўнан”, “дўнг”, “тоққа”, “ёвуқ” каби шевага хос ёки кам истеъмолдаги сўз ва шораларни ишлатиш билан поэтик мазмуннинг тасвирийлигини таъминлаган. Миртемир ижодига хос соф миллий рух, ҳаётийлик каби сифатлар ҳам шеърда айна шу сўзлар воситасида мужассамлашган. Умуман, Миртемир ўз ижоди билан, хусусан, пейзаж лирикаси билан халқ тили ва бадиий-адабий тилни бир-бирига яқинлаштириди. Кўплаб шевага хос ва кам истеъмол қилинадиган сўзларни адабиётга олиб кириш билан адабий тилнинг бойишида (зеро, адабий тилнинг манбаи халқ тилидир), адабиётимизда миллий рухнинг кучайишида, қолаверса, халқ тилидаги бой бадиий имкониятларни адабиётга олиб кириш борасида жиддий тажрибалар қилди. “Миртемир поэзиясининг ўзига хослиги, – деган эди ёзувчи Асқад Мухтор, – унинг ажойиб сербезак, ҳар сафар оригинал эшитиладиган халқчил поэтик тилига ҳам боғлиқ. Унинг тили ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бу гоҳо жиндак дағал, қинилоқроқ, лекин ҳамма вақт безакли, гоҳо Қоратоғ этакларидан ширқираб тушган Туркистон сойларининг эпкинидек сарин, ҳамма вақт ширали, тежамли, тиниқ бир тил”⁶³.

Адабиётшунос олим С.Мелиев таъкидлаганидек: “... бутун шеърнинг ёки шеърий парчанинг таъсир кучини уч омил белгилайди. Аввало, сўзлар ташқи оламдаги муайян ҳодисани қайта тиклаши натижасида китобхон ҳисларини жунбушга келтиради. Бундай парчалар контекстини текширганда асосий эътибор образли сўзларга қаратилади. Иккинчидан, сўзлар ўзаро бирикиб, воқеий ҳолат ёки манзара яратади, бунда асосий вазифа – поэтик ҳис

⁶³ Миртемир замондошлари хотирасида Мухтор А. Устознинг табаррук ўрни. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 32-бет.

туғдириш бевосита сўзларга эмас, манзаранинг ёркинлиги ёхуд ҳолатнинг кучига юкланади... Учинчидан, кўз билан кўриб, кўла билан ушлаб, қулоқ билан эшитиб бўлмайдиган абстракт тушунчалар ва конкрет предметни эмас, у ҳақидаги тушунчани англатувчи сўзларнинг алоқаларга киришиши натижасида поэтик туйғуни юзага келтиради”⁶⁴. Миртемир ҳам пейзаж лирикасида сўзнинг ана шундай улкан имкониятларидан кенг фойдаланиб, жонли манзара ва образлар яратади. Бунда мисралардаги сўз ва иборалар шундай ўринли ишлатиладики, уларни ўзгартириш, ҳатто, ўрнини алмаштириш ҳам мумкин эмас.

Миртемирнинг пейзаж лирикаси унинг табиатга бўлган юксак эътиқоди, чексиз муҳаббати туфайли, қолаверса, шоирнинг она Ватанга, унинг самимий ва меҳнаткаш одамларига, гўзалликка бўлган самимий муносабати туфайли юзага чиқади. Шоир табиатнинг буюклигидан, инсон ва табиат сир-синоатининг нақадар мураккаблигидан ҳайратга тушади. Шундан бўлса керак, шоирнинг табиат руҳи кириб бормаган шеърлари кам. Манзарадорлик, тасвирийлик шоир шеърларининг энг асосий хусусиятларидан бири.

Хулоса қилиб айтганда, сўз ва портрет, сўз ва пейзаж муносабатлари бадий асарларда ижодкорнинг образ ва воқеликка муносабатларини англашда катта аҳамиятга эга. Миртемир ҳам бу борада портрет ва пейзаж санъатига ижодкорларча ёндашади. Хусусан, Миртемир портретларида образ моҳияти, унинг ички ва ташқи оламига хос характерли хусусиятлар ўз аксини топади. Бунда шоир бадий сўз имкониятларидан кенг фойдаланиб, портретнинг асар ғоясига хизмат қилишини таъминлайди. У портретларидаги ҳар бир сўз, ундаги маъно товланишлари ва оқибатда ҳар бир

⁶⁴ Мелиев С. Шеърний сўз ва эстетик таъсир. Ўзбек тили ва адабиёти. 1982, 2-сон. 27-28-бетлар.

иншоора ўзининг ғоявий функциясига эга бўлиб, портретнинг бадий мукамаллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Миртемир яратган лирик портретларга хос энг характерли хусусиятлардан бири – уларнинг соф миллий чизгиларда эканлигида. Бу портретларда соф ўзбекона рух, қиёфа ва характер-хусусиятлар очиқ-ойдин кўринади.

Шоирнинг пейзаж лирикасида эса сўз ва унинг бадий имкониятлари янада жозибадор бўй кўрсатади. Пейзаж шоирнинг юкеликка, образга бўлган муносабатини англашда ёрдам беради, ғоявий йўналишини ойдинлаштиради, асарнинг мавзу-мундарижасини, образлар дунёсини ёритишга хизмат қилади.

III БОБ

ОБРАЗ ВА БАДИЙЛИК

Образ яратиш санъати

Бадий-тасвирий воситалар ва образ

Ўхшатиш ва образ

Сифатлаш ва образ

Иштиора ва образ

Агар ҳаёт ҳодисалари, объектив воқеалик, у қандай кўламни қамраб олишидан, характерли ёки кичик бир эпизодик ҳолат бўлишидан қатъий назар, таъсир қилиш кучига эга бўлса, инсон ҳаётида, унинг ички дунёсида бир ўзгариш қила олиш қудратига эга умумлашма бўлолса, шу ўринда бадий образ пайдо бўлади, образлилик юзага келади.

Шаклан ва мазмунан ҳиссийлик сўзга бўлган чексиз ҳурмат, уни қадрлай билиш натижасида бунёдга келади.

Образ яратиш санъати

Ёзувчи, адиб ёхуд шоир, хуллас, ҳар қандай ижодкор қайси жанрда ижод қилмасин, асар яратмасин, у реал ҳаётга мурожаат қилади. Зеро, “Ҳар қандай санъатнинг мазмуни воқеликдир. Бинобарин, у, худди воқеликнинг ўзидек, туганмас ва кўримасдир”⁶⁵.

XX аср адабиётининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшган Чулпон адабиётни “... чин маъноси ила ўлган, сўнган қаралган, ўчган, ярадор кўнгилга руҳ...”⁶⁶ бағишловчи манба сифатида баҳолаган эди. Адабиётнинг кучига берилган бундай юқори баҳода унинг образли тафаккур эканлигига ишорани сезиш мумкин. Зеро, ҳаёт бадий адабиётда образлар воситасида қайтадан жонланади. Бунда ижодкорнинг билим-савияси, ҳаётий тажрибаси, умуман, оламни, инсонни тушуниш, ҳис қилиш иқтидори катта аҳамият касб этади. Шу боис ҳам бадий нутқ таъсирчанлик қудратига эга. Агар ҳаёт ҳодисалари, объектив воқелик, у қандай кўлам касб этиши, характерли ёки кичик эпизодик ҳолат бўлишидан қатъи назар, таъсир қилиш кучига эга бўлса, инсон ҳаётида, унинг ички дунёсида бир ўзгариш қила олиш қудратига эга умумлашма бўла олса, шу ўринда бадий образ пайдо бўлади, образлилик юзага келади.

Адабиёт образли тафаккур демакдир. Ёзувчининг бадий иқтидори қай даражада эканлигини у яратган образлар белгилаб беради. Чунки образ бадий адабиётнинг ўзак масалаларидан бири бўлиб, ёзувчининг ҳаётий кузатишлари, дунёкараши ва савияси, бадий тўқимаси орқали умумлашган ҳолда шаклланади. Шундай экан, ижодкор томонидан яратилган образларни: уларнинг хилма-

⁶⁵ Белинский В.Г. Полн. собр. соч. Т. XII. –М.: 1926. с. 338.

⁶⁶ Чулпон. Адабиёт надири? –Т.: Чулпон, 1994. 37-бет.

хиллигини, бадий савияси, ғоявий аҳамияти, шаклланиш жараёнини ўрганиш адабиётшуносликнинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Ўзбек шеърятининг барча миллий хусусиятларини ўзига мужассамлаштирган Миртемир ижоди, ундаги образлар силсиласи бадий мукамаллиги, ғоявий ва шаклий ранг-баранглиги билан халқ оғзаки ижодидаги етакчи тамойилларни илгари сурганиши билан ажралиб туради. Унинг шеърятида она, бободехқон, бархот жангчи, фидоий аёл ёхуд Ватан тасвири; болалик, йигитлик хотиралари, табиат лавҳалари, ижтимоий ва ғоявий мазмун касб этган нарса-ҳодисалар шеър мисраларига, образларига айланади. Бу мавзулар такрор-такрор қаламга олинса-да, лекин ҳар гал бетакрор жозиба касб этади, ўзига хос образларда поэтик таҳлил объекти сифатида намоён бўлади.

Ҳар қандай шоир ижодининг дастлабки даврларида, дейлик, образ яратиш бобида қийинчиликларга учраши, камчиликларга йўл қўйиши, табиий. Бунга ижод жараёнининг табиий босқичли сифатида қараш, ундан ижобий фойдаланиш зарур, бу шоир ижодининг етуклик палласида яратилган бадий мукамал образлар билан қиёслаш, атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, унинг ижодий эволюциясини кузатиш имконини беради.

Миртемирнинг дастлабки шеърларида образ бобида рамзийлик устунлик қилади. Қатор асарларида давр нуқтан назаридан муҳим фикрлар айтилмоқчи бўлса-да, шунга мос юқори бадий шаклнинг етишмаслиги кўзга ташланади. Зеро, “Фақат юқори бадий шаклда ифода этилган мазмунгина ўқувчига таъсир кўрсата олиши, “юкиши” мумкин”⁶⁷.

⁶⁷ Султон И. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1980. 160-бет.

“Агар асар ўқувчини ҳаяжонга сололмаса, унинг эстетик ҳиссини бойитолмаса..., унда нималар айтилмасин, қандай фойдали ва ўта муҳим фикрлар изҳор этилмасин..., у ҳақиқий таълимат эмас”⁶⁸.

Шоирнинг даслабки йиллардаги ижоди ўша пайтларда бирмунча авж олган вульгар социологизмдан ҳам зарар кўрган. У куруқ эҳтиросларга, юзаки ҳиссиётларга, ҳайқириқларга берилиб, инстинктив-сиёсий ҳаётдаги турли ўзгаришларни табиат ҳодисалари фондида бадий таҳлил этмоқчи, замон ғояларини ифодаламоқчи бўлади, лекин ҳар доим ҳам мақсадига эришавермайди. Поэтик тафаккурнинг бу жиҳати шоирни мавҳум, абстракт образларга тикиллайди. Шоир “тоғ”, “бўрон”, “денгиз”, “тўлқин”, “ёлкин”, “ўт”, “ёлов”, “тонг” каби рамзий образларга ҳаддан зиёд ружу қўяди. Натижада, бундай ижод намуналарида адабиётдаги тасвирийлик ўрнини риторика, образлардаги бадийлик ўрнини куруқ рамзий ифодалар эгаллайди. Аслида бадий мукамаллик ва ифоданинг эркинлигини таъминлаши керак бўлган рамзлар ўз функциясини тўлиқ намоён этолмайди, рамзийлик билан бадийлик ўртасида номутаносиблик юзага келади.

“Тошқин” шу маънода характерлидир. Ўз даврининг “буюк” ўзгаришларини, бу йўлдаги “собиткадамлик”ни шоир табиат шавҳалари воситасида ифодалашни мақсад қилиб қўяди. Шеърда тўлқин образи ва унинг ҳеч қандай “куч”, ҳеч қандай “тўсик” дош бера олмайдиган асов табиати жамиятдаги инқилобий кўзголишларга қиёс қилинади ва шоир бу борадаги қатъий ҳукмини баралла айтади:

*Сусаймас тўлқин,
У – ўт, у – ёлқин.*

⁶⁸ Айтматов Ч. “Литературная газета”, 1971 год, 7 июль.

Йўлни тўсолмас

На куч, на тўсқин. (I. 26)

Лекин шеърда бундай покиза ният, ўткир ғоя образ моҳиятини сингмайди, натижада, “ғоя” ғоялигича қолиб кетади, ўқувчига ётмай бормайди. Образнинг сифат ва хусусиятларини қайд этиш билан чекланган шоир бу ҳолат шеърнинг бадий қимматига нисбатан етказаетганлигига эътибор қилмайди.

Шоир қатор шеърларида, хусусан, “Шу қадар мағрур, шу қадар буюк” сочмасида тоғ образига рамзий тус беради. Дастлабки шоир табиатнинг бетакрор гўзаллигини, ҳисобсиз бойликларини ва абадиятини мағрур ва буюк “табиатнинг ваҳший сийнаси... йилларнинг – ўзгаришларнинг муқаддас фаҳри” бўлган тоғ тимсолида бермоқчи бўлади. Лекин бу буюклик, куч-қудрат “инсоннинг мағрур иродаси олдида не жавоб айтаркин?” Тоглар эмас, “ёлғиз инсон ғурурланса бўлади”. Чунки “ҳаёт фақат инсон меҳнатидан кула олади”.

Инсоннинг метин иродасини кўтаринки руҳда улуғловчи бу сочмада шоирнинг фикри, айтмоқчи бўлган ғояси тиниқ. Лекин шоир мазмун билан шаклнинг мутаносиблигидан ҳақиқий бадийлик юзага келишини эътиборга олмайди, натижада, айтилмоқчи бўлган фикрнинг ифода йўсинида сунъийлик кўни ташланади. Шеърда бадий мантиқнинг бузилиши, композициядаги нотабийлик натижасида образлар моҳияти етарлича очилмай қолган. Шоир ўзининг муҳим фикрини, соғлом ғоясини мос туйғуларга буркаб, моҳияти очилган образларда ифода қилмайди, оқибатда, шоир эзгу нияти, ғоясини ўқувчига етказиб бера олмайди.

Миртемир 30-йилларда икки поэмалар тўпламини чоп эттирди. Шоир бу йилларда йигирмага яқин асарини дoston деб атаган бўлса-да, лекин уларнинг кўпчилиги дostonнинг жанрий

қалабларига жавоб бермайди. Аммо ёш қаламкашнинг дoston шoirига мурожаат қилиши улғайиш белгиси эди. Миртемир шoirнинг дастлабки поэмалари ҳақида шундай дейди: “Агар илк dostonларимда даврнинг мукамал, ҳаётий типларини яратганимда, уларни қайта нашр эттирдим. Ҳозир ўша асарларимни ўқувчиларга тақдим этганимдан уялиб кетаман. Аммо у пайтда ўқувчилар ташна эди. Шу dostonларни ҳам китобхонлар қабул қилишар, мени турли жойларда ўқишга даъват этишар эди. Ният катта ва холис эди. Қандай бўлмасин, замон ҳақида, одамлар туғрисида бирор шакяда ўз фикримизни айтишга шошилардик. Афсус, маҳорат етишмаслиги туфайли мақсадимизга кўнгилдагидек қўншолмаганмиз”⁶⁹.

Лекин шoirнинг ижодкорлик салоҳияти шеърдан шеърга оғшиб борди. 30-йилларнинг ўрталаригача бўлган вақтда шoir ижодида, хусусан, “Йўқ бўлмас” (1926), “Меҳнат” (1926), “Ён” (1926), “Чўл” (1928), “Ойниса” (1928), “Бонг” (1931) каби шеърларида номукамаллик, бадий мантиқнинг бузилиши, риторика, декларативлик каби нуқсонлар кўзга ташланса, “Бу кеча” (1935), “Яхши қиз”, “Қадах” (1935) каби шеърларининг фавқулдда мажозий образлари китобхонда илиқ таассурот қолдиради.

“Бу кеча” шеърида шoir “оқ, мармар” кечанинг кўламли образини яратади. Кечанинг ўзига хос жозибали томонларини тасвирлар экан, шoir образларни қуюқ бадий бўёқларда акс эттиради. “Дарё мавжларида Ўйинга тушар, Тўлин ойнинг юмшоқ Жимжималари...” (I.122), дейди у ой нурининг сув сатҳидаги ҳолатини тасвирлаб. Ёки самони тўлдириб, тиниқ нур сочаётган юлдузларнинг “Кечанинг ярқирок Оқ кемалари...” (I.122), арчазор қирғоқларнинг сувдаги кўланкаларини “Қорамтил сувларда Ракс

⁶⁹ Халилов Т. Миртемир маҳорати. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 68-69 бетлар.

этар тўп қиз” (I.122) тарзида кутилмаган истиоравий бирикмалар берилиши кечанинг бадий образини яратишда шоирга қўл келганини кўрсатади.

Шоир бир неча ўринда кечанинг “оппоқ” эканлигини таъкидлайди. Аслида қора бўлган кечанинг оппоқ ранг тасвирланиши ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Шеърда кечанинг яратувчанлик руҳи: “ижод жабҳаси”нинг қайнаши, “меҳнат наъраси”нинг янграши боис ҳам “бу кеча оппоқ, оппоқ”. Адабиётда, аксарият, зулмат, фожиа, умидсиз келажак каби салбий маъноларни ифодаловчи кеча образининг оқ сифатлаши билан берилиши шоир ижодининг ўзига хослиги ва дунёқарашидаги кенгликни, истеъдодининг ранг-баранг қирраларини намоён этади.

“Яхши қиз”, “Бу кеча”, “Қадах” каби шеърлардаги бу кечани бадий кашфиётлар шоирнинг 1936-1940 йилларда яратган шеърлари учун замин бўлиб хизмат қилди. Энди шоир ижодида мажозий рангдорлик ёки маълум декларативлик ўрнини образлар аниқлиги, тиниклиги, аввал нишонлари кўринган мазмун ва шакл бутунлиги, поэтик умумлашмалар ола бошлади, бу сифатлар ижодий меъёрга айлана борди. Шоирнинг бу давр лирикасида реалистик тасвирнинг кучайиб бориши романтик руҳга халат бермади, аксинча, маъно салмоғи, образлар ранг-баранглиги ва тўлақонлиги, бадий баркамоллик бағишлади. Лирикада образ ва образлилик меъёрини тобора чуқур ҳис эта бошлаган шоир ўз таассуротларига тутилмаган ўхшатишлар, шеърий андозалар қидирди. Аини шу изланишлар натижасида Миртемир шеъриятида бадий мукамал образлар галереяси вужудга келди. Унинг Ватан ҳақидаги, ўзбек диёри, заҳматкаш, олиҳиммат, фидойи кишилар, хусусан, она, қария, бободехқон образлари санъаткорона яратилган қатор шеърларида барча иқлим кишилари диққатини торта оладиган маънавият, самимият, жозиба бор.

Ҳар бир шоирнинг севган мавзуи, севимли образи бўлгани каби Миртемир поэзиясида бу она образи мисолида намоён бўлади. Она мавзуида ёзилган ўнлаб шеър ва поэмаларида бу образ катта қўлми, кенг миқёсли маъно касб этади, ўзбек аёлининг миллий фирилатларини ўзида мужассам этиб, инсонийликнинг барча томонларини бадий таҳлил этишга имкон беради.

“Образ шеърнинг энг муҳим ва ҳеч нарсаси, ҳатто, вақт ҳам, ҳар қандай поэтик мода ҳам хавф соломайдиган ягона усулидир... Образ – шеърнинг қони”⁷⁰, деб ёзган эди Я.Парандовский. Ҳақиқий бадий образга берилган бундай юксак баҳо шоирнинг она образига ҳам бевосита тааллуқли. Шу маънода, унинг “Онагинам”, “Сен – она”, “Қултепа”, “Она бағрин”, “Мен кетганда”, “Ҳали ҳам”, “Юлазор” каби шеърларида юксак бадий маҳорат билан яратилган она образи мукамал ифодасини топган.

М.Светлов “Шеър туйғулар йиғилишидан туғилади”, деган. Туйғулар йиғилиши эса шоирнинг ҳаётни кузатиши, ўрганиши, бошидан кечириши ва турли руҳий ҳолатларни ҳис қилиши натижасида воқеъ бўлади. Миртемирнинг она мавзуидаги насларининг мантикий давоми, шеърнинг гузал намунаси бўлмиш “Онагинам” шеъри ҳам кўп йиллар давомида шоирнинг қалбида йиғилган, неча марта қайнаб тинган, беғуборлашган туйғуларидан ҳосил бўлган. “Онагинам”нинг лирик қаҳрамони – шоир болалик, шўхлик, ўйинқароқликка тўла даврларини, ақлини кўпда танимасдан бурун онасидан айрилганини, жигаргўшасини “сўнгги йўлга ўзи узатолмагани”ни хотирлаб, оғир ва бениҳоя ғамгин ўйлар исканжасида азоб чекади. Шеърда она тимсоли улуғланади. Шоирнинг юрагидан самимий туйғулар қуйилиши натижасида шеър оҳанги ҳам ўзига хос вазминлик касб этади:

⁷⁰ Парандовский Я. Алхимия слова. –М.: 1972. с.208.

*Суякларимни сирқиратиб,
Оч теватдай гажигучи,
Кўзимга ёш тирқиратиб,
Жигилдонимда аччиқ бўзадай ачигучи
гашлик... (I. 366)*

Бу шеърда Миртемирнинг бутун эстетик олами намоён бўлган. Унда онанинг буюклиги ҳақида баландпарвоз гаплар нуҳ, зеро ҳамманинг юрагидан жой олган оддий инсоний тулғулар ифодаланган. Ундаги “оч теват”, “аччиқ бўза”, “бедаво сизлюнч”, “чақиртиканак”лар Миртемиргагина хос тил безакларидир.

Лирик қаҳрамон онасининг хизматида бўлолмаганидан, “жиндак хушвақт”, “жиндак хушбахт” қилолмаганидан ғашланган. Шеърнинг сиқик мисраларида ана шу ғашликнинг қаҳрамон қалбига солган ададсиз кийноқлари ифодаланган. Кейинги мисралар эса ана шу ғашликнинг сабабларини ечишга, шоирнинг юрак-юрагидан отилиб чиққан ўқинчларини, пушаймони ва тасаллисини ифодалашга сафарбар этилади:

*Сени сўнгги йўлга ўзим узатолмаганим –
Тогдай зил.
Абадиятдай чексиз армон бўлиб қолди дилимда,
Онагинам! (I. 367)*

“Жон берган онамни кўришга кўзим етсайди”, дейди шоир:

*Менда гашлик нетарди?
Янтоқ ўтинидек,
Тамаки тутунидек,
Тонг пайтида таралган бадбахтлик тунидек –
Чексиз фазоларга тарқаб кетарди! (I. 366)*

Шеърда поэтик тафаккурнинг етакчи хусусияти – фикр ва туйғунинг уйғунлигига эришиш, шоир ижодининг асосий ғазилатлари – ғоявий аниқлик ва ифоданинг тўлиқлиги яққол кўриниб туради. “Онагинам”да она образи Ватан, халқ образи таражасига олиб чиқилади. Элга хизмат – онага хизмат, деган хулосага келади шоир. Бу хулоса шоирнинг изтиробли ҳолатини, пинҳонлигини аритувчи ягона омилга айланиб, халққа дастёр бўлиш бирдан-бир тасалли эканлиги шеърнинг умумий руҳига сингиб кетган.

Миртемир “Азалик” шеърда эса мухтарама оналарни жигаргўшаларидан айирган урушни қоралайди. Фарзандидан пўрилса-да, аммо мағрур, қадди букилмаган оналар образини яратади. Шеърда урушга нисбатан кучли нафрат, одамларни осойишталикка чақирувчи хитоб баралла янграйди. Умуман, Миртемирнинг она мавзуидаги барча шеърларида шоирнинг юрак армони, ўкинч ва нидоси баралла эшитилиб туради. Бу хусусият – турли маънодаги руҳий изтироблар шоирнинг катор, хусусан, “Онагинам”, “Култепа”, “Асо”, “Бетоблигимда”, “Ёдгорлик”, “Тушмасин” каби шеърлари яратилишига асос бўлиб хизмат қилган. Мазкур шеърларда армонли хотиралар, ғамгин нидолар тақдирга нисбатан исён туйғуларини жунбушга келтиради. Биргина “Култепа” шеърдаги култепа образи шоирнинг туғилиб ўсган она ер тўғрисидаги хотираларининг рамзи сифатида намоён бўлади. Шеърда Ватан ва Она тимсоллари уйғунлашиб, бир-бирини тўлдиради. Она қалбидаги айрилиқ азоби, ҳасрат ва армон туйғулари, ёруғ келажакка умид шеърда кучли пафос билан ифодаланади. Шу маънода:

*Онам кўзларида зил қайғу, мотам,
Тиззасига бошим қўйиб йиғлайман.
Ота аталмиш зот бўлмади отам,
Онам билан, нетай, тўйиб йиғлайман. (II.134)*

каби мисралар замирида қанча армон, қанча туғён нидолари бор. Эҳтимол, ота меҳрининг фарзанд тақдиридаги ўрни, она дийдорини ғанимат эканлигини ички туйғу билан ҳис этаётган ўғилнинг аламли исёни, ҳаётнинг аччиқ-чучук, иссиқ-совуқлари қолдирган асорат, ёруғ, айни пайтда, армонли хотираларга тўлиб-тошган келажакка ишонч туйғулари бир йўла тажассумини топган. Гарчи қалбида зил бўлиб ётган армон – онасининг оғирлигини енгиллатолмагани, охириги йўлга кузатолмагани шоирни азобласа-да, у онасининг:

*Боргин, болагинам, ёруғликка чоп,
Менга пана ҳозир култепа бағри.
Ёруғликка чопгин ва бахтингни топ,
Сени аясин-да, тақдирнинг қаҳри! (II.134)*

каби оқ фотиҳаси, айни пайтдаги ишончини оқлади. Шунинг учун онаси ҳам, оқсоч Туркистон ҳам шоирга жилмайиб боқади:

*Онам жилмайғуси зил уйқусида,
Шу дам нур кўрингай сўлгин тусида...
Менга жилмаяди тушларимда ҳам,
Бобои калоним – оқсоч Туркистон... (II.134)*

Она образини яратишда шоир инсон ҳаётидаги қувончли ва изтиробга тўла лаҳзаларни тенг қаламга олади:

*Мени аяган йўқ тақдир унчалик,
Ҳар нечук, ёруғлик эмас бегонам... (II.134)*

дейди шоир “Култепа” шеърида. Инсон руҳиятидаги карама-қарши қутбларнинг бирдай ифодаланиши лирик қаҳрамон образининг тўлақонли, ҳар томонлама мукаммал чиқишини таъминлаган. Ҳаётнинг ўзи карама-қарши томонлар кураши асосига қурилган экан, лирикада ҳам, хусусан, образ яратишда ҳам бу иккала қутб тенг акс эттирилиши лозим. Акс ҳолда инсон образининг бирёқлама тўлиқлиги юзага келиши мумкин.

Миртемирнинг қуйидаги фикрларида унинг шеърият ҳақидаги эътиқоди мужассам топган: “...шеър дегани – юрак дегани, тўлқин дегани, ҳаяжон дегани, тимсол дегани, тимсолларда фикр юритиш дегани”⁷¹.

Шоир ўзбек аёли образини ана шундай юрак дарди билан тўлқинланиб қаламга олади. У “Сойдан ўтиб олсак”, “Қишлоқда қиш”, “Қук чой”, “Паттининг ҳасратлари”, “Тошбу”, “Опоки” каби шеърларида ўзбек деҳқонини, кеч ётиб, эрта турадиган, ҳаётни кундалик меҳнат ва ташвишларсиз тасаввур эта олмайдиган, вафо ва садоқатда беназир, ҳар қандай синовли дақиқаларда ҳам ўзида сабот ва ирода топа оладиган ўзбек аёлининг такрорланмас образини яратади. Бу образ хоҳ она тимсолида, хоҳ эндигина катта ҳаётга қадам қўяётган покиза қизалоқ тимсолида яратилмасин, унинг қиёфасида соф миллий руҳ сезилиб туради.

“Опоки” шеърида уруш ортидаги оғир ҳаёт манзарасидан бир лавҳа яратилган. Ундаги опоки образида ўзбек аёлларига хос фазилатлар: болажонлик, оғир дақиқаларда ҳам эътиқодига солиқ қолиш, сабр ва бардош, ёруғ кунларга ишонч туйғулари мужассам. Опоки ўзининг “боласи талай” бўлишига қарамасдан онасидан айрилган, отасини урушга жўнатган болани ҳам ўз қарамоғига олади. “Узунлар узилиб, калта чўзилиб” турган бир пайтда далада

⁷¹ Миртемир. Дўстлар даврасида –Т.: Ёш гвардия, 1980. 197-бет.

меҳнат қилиб, бошоқ териб, қора қозонини қайнатган фарзандларига кўшиб кўшни болани ҳам ювиб-тарайди. Орти баҳорда ёгингарчилик кўп бўлиб, опоки етти кун ишга чиқолмай қолади. Шунда у ё онасидан, ё бувисидан ёки бўлмаса севгисидан хотира бўлган, ўзи учун энг азиз кумуш сочбоғини олиб бозорга жўнайди.

*Оқшом қайтиб келди чарчоқ ва сўлгин,
Қўлида чорак мош, ёсмук бир тугун.
Қозон осди, лекин қанчалар мунглу,
Дилидаги дарди тийрак ва улуг. (II. 52-53)*

Ана шундай ҳаётий воқелик замирида опоки образидаги энг азиз инсоний фазилятлар очила боради. Шеърда кучли ижтимоий маъно мужассамлашган. Бу уруш ортидаги “олам одамдан” уч олаётган вазиятни кўрсатиш, ўзбек аёлларига хос ноёб хусусиятларни улуғлаш кабиларда яққол кўзга ташланади. Шоир ў моҳияти билан прозаик бўлган ҳаёт ҳодисасини ҳаётийлик ва гўзаллик билан тўла бўлган поэтик образлар қиёфасида бера олгани боис ҳам ҳаётий лавҳалар ортида опокининг буюк сиймоси кў ўнгимизда намоён бўлади. Шеърда шоирнинг ўзбек аёлига нисбатан юксак эҳтиромини сезиш мумкин.

Миртемир шеъриятида эпик тасвирга мойиллик унинг образ яратиш йўналишида муҳим бурилиш ясади. Шоир ижодида воқеабанд шеърлар яратилиши 30-йилларнинг ўрталарига тўғри келади. Чунки 30-йилларда соф лирик шеърлар билан бирга бирон воқеа, вазият асосига қурилган, эпик тасвир билан лирик элементлар моҳирлик билан уйғунлашган воқеабанд шеърлар ҳам яратилди. Бу ўринда Ойбекнинг “Тансиқ”, М.Шайхзоданинг “Трамвайчи хотин”, “Қоровул”, Уйғуннинг “Бригадир Карим”, “Назир отанинг ғазаби” каби шеърларини эслаш кифоя. Бу

актимой анъана Миртемир шеъриятида ҳам ўз аксини топди. Шу ўринда лирикада эпик тасвир элементларининг кучайиши ҳақидаги А.Твардовскийнинг фикрларини эслаш жоиз: “Поэзия жасорат билан прозага яқинлашиш йўлидан борапти. Бу яқинлашишдан поэзия ютказгани йўқ. У беллетристик мазмундор, асосли ва шаминдор бўлиб қолди. Шеърда эпик сюжет пайдо бўляпти, унга мураккаб ритмикани таъкидловчи диалог катъийлик билан жойлашяпти. Шеърга конкрет шароит, шахс тасвири кирди ва ҳоказо”⁷². Миртемир ҳам ўзининг амалий фаолиятини назарий жиҳатдан исботлаш мақсадида қатор чиқишларида, хусусан, “Қўшиқ ҳақида” (“Қизил Ўзбекистон”, 1955 йил, 29 апрель), “Бир умрлик мавзу” (“Звезда Востока”, 1967 й., №11) мақолаларида, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг анкетасига берган жавобларида (1969 й., №1) А.Твардовскийга ҳамоҳанг фикрлар билдиради. Чунончи, у ёзади: “... Воқеабанд шеър..., умуман, ҳамма тема учун ўта мақбул шеър тури-да”⁷³.

Поэзияда эпик тасвир элементларининг пайдо бўлиши Миртемир шеърларида конкрет қаҳрамонларнинг туғилишига сабаб бўлди. Шулардан бири кекса чол образидир. Шоирнинг “Етти йигит ва бир чол”, “Орденли”, “Бобо”, “Оқсоқол”, “Чоллар”, “Саҳройи”, “Сажда эмас” каби шеърларида бу образ ўзининг соф миллий кўринишлари билан ўқувчи диққатини тортади. Бу образ ҳаётнинг тажрибали, аини пайтда, содда кишиси сифатида Миртемир шеърларининг бош қаҳрамони даражасига кўтарилади, унинг ўй-кечинмалари, ҳис-туйғулари шоирнинг бадиий таҳлил объектига айланади.

⁷² “Литературная газета”, 12 июля, 1942г. (Выступление А.Твардовского на пленуме Союза советских писателей)

⁷³ Ўзбек тили ва адабиёти. 1969, №1.

Миртемир ижодининг ҳамма даврларида бу образни рами баранг қиёфада акс эттиради, мазкур чол образи шеърдан-шоирга бадий мукамаллик касб этиб, янги-янги қирралар билан пайдо бўла боради. Ана шундай қарияни дастлаб шоирнинг “Етти йил ва бир чол” (1938 й.) шеърида учратиш мумкин. Шеърда жамият ҳўжалигининг тажрибали раиси, айна пайтда, “ерга ойна қариянинг фазилатлари санаб ўтилар экан, мисралар ойна у ўн бошқараётган жамоа ҳўжалигининг равнақи йўлида “жон аямлаган халқ фаровонлиги учун курашчи, пешқадам инсон сифатида гавдаланади.

Миртемир Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам чол образини давр руҳи нуктаи назаридан мурожаат этади. Бу жиҳатдан шоирнинг “Бобо” шеъри характерлидир. Шеър соф миллий руҳ билан суғорилган. Бобо образи шеър давомида мағрур, иродали, меҳрибон ўзбек қарияси сифатида таассурот қолдиради. Шоир ўғлидан қорахат олган бобонинг “от ўрнини босадиган қулун” неварасига бўлган муносабати орқали унинг бутун руҳий олами, ташқи дунёсини ифодалашга муваффақ бўлади. Гарчи шеърда бобо образи турли ҳаётий курашларда батафсил ёритилмаган бўлса-да, аммо китобхон шу тасвирнинг ўзиданок эътиқодида мустаҳкам сулоласининг бардавомлигига ишонган мағрур қария ҳолатини ҳис эта олади.

Миртемир шеъриятидаги чол образи мисолида шоирнинг ижодий эволюциясини кузатиш мумкин. Бу ҳолат, айниқса, урушдан кейинги йиллардаги ижодида, хусусан, “Қорақалпоқ дафтари” туркумига кирувчи шеърларида яққол кўзга ташланади. “Қорақалпоқ дафтари”да қария образининг кўлами, умумлашма кучи янада ошди, ғоявий-бадий савияси янада чуқурлашди. Туркумга кирувчи “Кўл бўйида”, “Саҳройи”, “Сажда эмас” каби

Шоирларда бу образ ўзининг ранг-баранг хусусиятлари билан мамнуф бўлади. Ҳар учала шеър бир-бирини ғоявий жиҳатдан ўзлаштирган, уларда шоирнинг тасвир усули ҳам, образ яратиш сифати ҳам ҳамоҳангдир. Бунда чол образи қорақалпоқ халқининг мисоли сифатида гавдаланади. Дастлаб шоир “Кўл бўйида” шеърида “ўзи, кўзи, сўзи ёрқин” “сахро ўғли”нинг ҳаёти мисолида инқилобгача ва ундан кейинги қорақалпоқ халқининг ҳаётини кўрсатиб бериб кетган. Шу маънода образ замиридаги маъно диапазонини ошириб тасвирлайди. Шоирнинг “Қорақалпоқ дафтари”га кирувчи бошқа шеърлари ана шу ғоядан куч олади. Бу эса қария образининг ранг-баранг қиёфасидаги тасвирига замин ҳозирлади.

“Саҳройи” шеърида “Тугал аср кўрмиш энг олис элда – Подачи, туякаш, мерган ва қарол...” бўлган чолнинг Нукус шаҳрига келиб, “Эртаклардан гўзал, чиройли, тўқис...” бўлган ўзгаришларни “Ютоқ кўзлари” билан севиниб қарши олиши тасвирланади. Ўтмиш хотиралари қалбига сингиб кетган, “Олис бир замондан чўнг элчи киб” бўлиб келган чол ўзгаришлардан “Бари рост экан-да!” дея хайратга тушади. Асрлар бўйи орзу қилган ҳаётга етиб келган чолнинг кўз ўнгидан бутун ҳаёт йўли – қийинчилик ва азоб-укубатлар ўта бошлайди. Ҳаммаси ортда қолганлигига ишонган қариянинг юзида мамнунлик ҳисси кўринади. Шу жараёнда образ замиридаги маъно очила боради. Чол “беш мири” узатиб шарбатфурушдан муздек шарбат сотиб олади. Шу ўринда шоирнинг куйидаги мисралари қимматли мазмун касб этади:

Ютоқ кўзларини узолмайди чол.

Саратон, ҳар қалай, ёндирмоқдайди...

Шаҳарга суқланиб ҳўплар гўё бол,

Асрий ташначиликни қондирмоқдай... (III.89)

Миртемир 60-йилларда “Оқсоқол”, “Чоллар” каби шеърлари ҳам қария образини яратади. Бунда шоир бошқа шеърлари кайфият билан бугунги кун муқоясига урғу бермайди, балки образ замиридаги ҳалоллик, меҳнатсеварлик, соддалик ва нуронийлик сифатларини улуғлайди.

Шоир қарияларнинг ҳолати ва юриш-туришига мос шундай миллий деталлар топадики, натижада улар ўзбек халқининг тимсоли сифатида гавдаланади. Чунки, “Шоир маҳоратини фақат образ танлаш ва сўз териш билан боғлаб қўйиш ҳам тўғри бўлмайди. Шеър меъёрий нутқдан ташқари, зарур пайтларда тоғий ишлатилган ҳаётий деталлар, маънодор воқеалар билан ҳам тўлдирилиши керак.”⁷⁴

Лирик шеърнинг қаҳрамони шоирнинг ўзи, аммо у ўзини замондошларининг кайфиятини ҳам жамлаган бўлади. Бу борда Миртемир шоир сифатида қуйидаги фикрларни баён қилади: “Чиндан ҳам ҳақиқий лирик шеърнинг қаҳрамони шоирнинг ўзиндир. Лекин шоир образини тор маънода тушунмаслик керак. Шоир ўзи образида шахсий кечинмасинигина ифодаламайди. Балки ўзини ўхшаганларнинг туйғуларини, фикри-зикрини ҳам беради...”⁷⁵

Ҳақиқатан ҳам шоир, ижодкор ўз даврининг илғор фикрловчи кишиси сифатида замондошларининг юрагидаги дардини, ўн кечинмаларини ҳис қила билиши, уларни ҳиссий мазмунга эга бўлган образларда ифодалай олиши зарур.

Миртемир “Лолазордан ўтганда” номли шеърида шоир лирик қаҳрамоннинг характерини табиат фониди, аниқроғи, рамзий маънога эга лола образи воситасида очиб беради.

⁷⁴ Қўшжонов М. Мелиев С. Абдулла Орипов. –Т.: Маънавият, 2000. 45-бет.

⁷⁵ Халилов Т. Миртемир маҳорати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. 90-91 бетлар.

Дастлаб шеърда лозазор образи орқали лирик қаҳрамоннинг табиатга шайдолиги, гўзаллик туйғусининг кучлилигини кўрсатади:

*Ҳар йил баҳор келганда ҳатто тошга кирар жон.
Баҳор чоғи бормикан яйрамаган бирор жон?...
Қизариб тонг отганда сайраб қолар тўрғайлар,
Овоз қўшар бедана, кўлда оқ чигалайлар...
Катта йўлнинг бўйида мана шундай ҳар баҳор –
Алвон-алвон жимиллаб, имлар ёйиқ лозазор. (I.181)*

Бундай бетакрор табиат тасвири билан шоир, биринчидан, гўзаллик орқали ўқувчи ҳиссиётига таъсир кўрсатишни мақсад қилган бўлса, иккинчидан, шеър замиридаги асосий ғояни инфодалаш учун замин тайёрлайди. Асосий ғоя эса халқимизнинг қаҳрамонликка тўла кураш тарихидан бир лавҳасини акс эттиришдир. Бунинг учун шоир лозазор образига рамзий маъно юклайди:

*Лозазорни тераман, оломайман кўзимни,
Болалигим тутади, тутолмайман ўзимни.
Хаёлимга тушади амаким хотираси.
Дейман: ҳар қизил япроқ ўша қонлар қатраси... (I.182)*

Рамзий лозазор образининг маъно салмоғи шу тариқа ошиб, қалмоқларга қарши курашда жонини фидо қилган ота-боболаримиз конининг рамзига айланади. Бу эса шоирнинг оддий ҳаёт ҳодисаларидан улкан маънолар топа олиш, умумлашма хулосалар чиқара олиш салоҳиятини намоён қилади. Шеърни ўқир экан, ўқувчи кўз ўнгиде киндик қони тўкилган ернинг дахлсизлиги, босқинчиларнинг оёғи остида топталмаслиги учун мардонавор курашиб келган ота-боболаримизнинг, бу жангларда муқаддас қонлари тўкилган ватандошларимизнинг йиғма образи намоён бўлади.

Умуман, Миртемир кечмиш мавзуга тез-тез қайтар чорасиз ва нажотсиз, аммо этикодиди собит турган халқ образини шеърдан-шеърга томон пурдард маънолар билан тўлдириб, улар кирралар очиб, тарашлаб боради. Шоирнинг ўз халқига бўлган этикоди, унинг машаққатли меҳнатига бўлган муносабати айниқса, куйидаги сатрларда тиниқ намоён бўлади: “Тупроғи бут мўл-тўкис – жаҳондай ёйиқ халқим”, “Ёрти эмас, бутуним ёркиним, ёруғ куним, кўшигим, қалб тўлкиним”, “Қўллари қанот халқим, кўзлари чакноқ халқим, йўллари порлоқ халқим”, “Белни белбоғлиқ бўлсин, давлатинг оша берсин, маҳоратинг, қудратинг Амудай тошаберсин...” ва ҳ.к. Халқни, унинг меҳнатини маънавий бундай образ-лавҳалар силсиласини Миртемир шеъринида истаганча топиш мумкин. Ўзбек халқининг руҳиятини, маънавий дунёсини жуда яхши, бевосита билгани боис, бу образ ўзининг кўп киррали хусусиятлари билан бадий мукаммал шаклда ўз ифодасини топган. Унинг бу борадаги образ яратиш маҳорати адабиётшунос олим Ҳ.Ёқубовнинг куйидаги фикрларига айнан мос тушади:

“Образ аллақандай шакллар излаш, улар кетидан қувиш билан топилмайди, балки унинг аксича, киши руҳига, психологиясига, маънавий дунёсига обдон кира билиш, улар орқали ҳаёт ҳодисаларининг маълум томонларини бадий ўзлаштириш йўли билан яратилади”⁷⁶.

Шоир “Ёрти аср кўшиқларидан” шеърда қадим меҳнаткан халқ образини, унинг ўтмишини образли тарзда шундай ифодалайди:

Расо эдим,

Нодонларнинг майли билан ей бўлганман.

⁷⁶ Ёқубов Ҳ. Гоявийлик ва маҳорат. –Т.: 1963. 33-бет.

Олтин эдим,
 Қора тақдир-қора ботқоқ, лой бўлганман.
 Оқин эдим,
 Чопқинларда вайрон, қурғоқ жой бўлганман.
 Ёғду эдим,
 Сўна-сўна қўрқинг, қора тун бўлдим мен,
 Чолғу эдим,
 Ёна-ёна жигар-бағри хун бўлдим мен... (II.287)

Шоир яратган зиддиятли ҳолатларда офат ва балоларнинг сабаблари янада қўламлироқ ва ёркинроқ кўринади. Халқ образининг ўтмиш ҳаёти, турли балоларга қарши турган унинг этикоди ўқувчида кучли таассурот қолдиради.

“Ҳар қандай чиройли образ айтиладиган теран фикрнинг ўрнини босолмайди. Ҳақиқий шоир аввал фикр излайди, бироқ у фикрларни образларда топади”⁷⁷. Шундай айтиладиган “теран фикр”лардан бири Миртемир шеъриятида тиним ва ҳаловат билмас заҳматкаш халқимиз сиймосида намоён бўлади. Шоир “Аччисой” шеърида халқимизнинг буюк яратувчилик, бунёдкорлик фаолиятини – қақраб ётган чўлу биёбонларга асов дарёларни буриш, у ерларда боғу бустон яратишдек эзгу ниятини қаламга олади. Буни шоир ёркин поэтик образ-лавҳаларда ифода этади.

Одам бу ўлкада соҳиби фармон,
 Одам бу ўлкада соҳиб ихтиёр.
 Одам бу ўлканинг танидаги жсон,
 Янги дунёларни қурувчи девкор. (I.212)

Қайсар, “телба сой” қанча қаршилик кўрсатмасин, охири инсон измига бўйсунушига алоҳида аҳамият берилиб, бунёдкор ўзбек элининг умумлашма образи яратилади. “Соҳиби фармон”,

⁷⁷ Қўшжонов М., Мелиев С. Абдулла Орипов. –Т.: Маънавият. 2000, 30-бет.

“янги дунёларни қурувчи” ўзбек халқи табиатни, унинг гўзалликларини ўз ҳолича севади. Лекин табиатнинг тегили килиқлари уни безовта қилади. Табиатнинг бекорга сарф бўлаётган кучини, бенафга оқиб тўғонларни бузаётган, буғдойзорларни дон билан тўлдираётган, тошларни тошларга уриб, харсангларни кўпораётган дарёларни инсон ўз ихтиёрига бўйсундириш, унинг ҳар бир томчисидан мақсадли фойдаланиш даври келганлигини, бу халқимизнинг асрий орзуси эканлигини шоир кучли пафос билан куйлайди:

*Келди асрий муддат, ижодкор замон,
Қоратог кўксига қўл солди одам,
Яширин хазиналар қулфини очиб,
Ўлка учун қора зар олди одам.
Телба сой сенга ҳам келади кезак,
Мунчалар ҳовлиқши, мунча бебошлик?
Тошларни тошларга урма мунча ҳам,
Сенга одат бўлур ҳали ювошлик... (1.216-217)*

Миртемир сой образига ижтимоий маъно беради: охири уни инсон изм-иродасига бўйсунганини, жасорат ва шижоатда “тегиш кам” замондош қудрати қаршисида лол қолишини ифодалаш билан унинг замиридаги маъно теранроқ очилади.

Умуман, ҳаёт бадий адабиётда образлар воситасида акс этган экан, кенг маънода, объектив воқеликнинг барча “элементлари” билан инсон тафаккурида муайян тарзда инъикос этиши образ асосини ташкил қилади. Ўзбек шеърятининг бой анъаналарининг ўзида мужассамлаштирган Миртемир ижоди, ундаги образлар силсиласи бадий мукаммаллиги, ғоявий ва шаклий ранг-баранглиги билан, халқ оғзаки ижодидаги етакчи тамойилларнинг илгари сурганлиги билан ажралиб туради. Унинг шеърятисида она,

бабодехқон, барҳаёт жангчи, фидоий аёл ёхуд Ватан тасвири; бошлиқ, йигитлик хотиралари, табиат лавҳалари, ижтимоий ва ғоявий мазмун касб этган воқеликлар шеър мисраларига, образларига айланади. Бу мавзулар такрор-такрор қаламга олинса-да, лекин ҳар гал бетакрор жозиба касб этади, ўзига хос образларда поэтик таҳлил объекти сифатида намоён бўлади. Миртемир шеърларида бадийй образ ҳаёт материалини типиклаштириб индивидуаллаштира билиш жараёнида пайдо бўлади. Бу эса шоирнинг ҳаётини тажрибаси, олами, инсонни тушуниш, ҳис қилиш иқтидори ва ижодкорлик маҳоратини туташган нуктасида ҳақиқатга айланади.

Бадий тасвирий воситалар ва образ

Адабиёт сўзлар ва образлар воситасида фикр юритишлар “...Ҳақиқий шеър тимсоллар воситасида дунёга келади”⁷⁸. Шоир айтмоқчидек, тимсоллар (образлар) воситасида шеърий картина яратилади, маълум мавзу ва ғоя ёритилади. Образли тасвир орқали эса сўзининг маъно тароватини, ифоданинг эмоционал кучини тегароқ англаймиз. Шеър ғоясини очиб беришда, образлар моҳиятини англашимизда тасвирий воситаларнинг ўрни бекиёс.

“Бадий асар ва ундаги образлар санъат намунаси ҳисобланмоғи учун, аввало, ... бизнинг онгимизда сезги аъзоларимиз орқали таъсир этиб турадиган ҳиссий мазмунга эга бўлмоғи керак. Шаклан ва мазмунан ҳиссийлик – бадий образнинг биринчи элементидир”⁷⁹. Шаклан ва мазмунан ҳиссийлик сўзга бўлган чексиз ҳурмат, уни кадрлай билиш натижасида бунёдга келади. Бадий образнинг шаклан ва мазмунан эстетик таъсир кудратига эга бўлиши учун ижодкор сўзга катта бадий вазифа юклай олиши талаб қилинади. Демак, образ тасвиридаги ранг баранг қирраларни, унинг шеър ғоясидаги ўрнини белгиланида бадий тасвирий воситаларнинг, хусусан, сифатлаш, ўхшатиш ва истиоранинг образ талқинидаги ўрнини чуқурроқ англаш талаб этилади.

Сифатлаш ва образ. Шоирона эҳтирос ва дид билан топилган сифатлашлар поэтик образ элементи сифатида, асосан, шеър ғоясини очиб беришга, сўнгра шоирнинг ижодий олами, индивидуаллиги ҳақида муайян тасаввур туғдиришга имкон беради. Бундай сифатлашларга қараб шоирнинг ғоявий позициясини,

⁷⁸ Миртемир. Дўстлар даврасида. –Т.: Ёш гвардия, 1980. 33-бет.

⁷⁹ Адабиёт назарияси. I том. –Т.: Фан, 1978. 107-бет.

эстетик қарашларини, истеъдоди ва шеърий укувини тадқиқ қилса бўлади.

Миртемир шеърлари ҳам хилма-хил сифатлашларга бойлиги, образли ифодаларга тўлиқлиги билан ҳам характерланади. Ҳаётий воқеа ва ҳодисаларнинг белги-хусусиятларини ёрқин акс эттиришда тасвир воситаларининг ўрнини теран англаган шоир сифатлаш ва образ ўртасидаги муносабатга алоҳида эътибор беради. Миртемир сифатлашлари нарса-ҳодисанинг сифати ва белгисини кўрсатибгина қолмай, балки унинг маъносини тўлароқ, аниқроқ ифодалайди, эмоционал таъсирини кучайтириб беради. Шоир лирик қаҳрамон руҳий ҳолатини, образга муносабатини, асар ғоясини белгилашда сифатлашлардан самарали фойдаланади.

Миртемир шеъриятидаги сифатлашлар асар ғоясига, образлар дунёсига ўзгача нафосат бағишлайди. Шоир ижодий эволюциясининг босқичларида давр руҳи, ижтимоий-сиёсий воқелик ва асар ғоясидан келиб чиққан ҳолда турли сифатлашлардан фойдаланади. Агар шоирнинг 40 йилларгача бўлган давр ижодида “оғир”, “фалокатли”, “мудҳиш”, “ваҳший”, “исёнсиз”, “хоин”, “қоронғи”, “қўхна”, “манқус”, “мазлум”, “совук”, “тутқун” каби сифатлашлар ижтимоий воқелик билан боғлиқ ҳаётдаги салбий томонларни кўрсатишга хизмат қилса, “озод”, “эркин”, “тошқин”, “шонли”, “ёпиқ”, “жушқин”, “ўтли”, “ёруғ” каби сифатлашлар эса ўша пайтдаги туб ўзгаришлар, ҳаётдаги жонланишларни ифодалаш билан бирга образ талқини ҳамда тасвир хилма-хиллигида муҳим роль ўйнайди. Шоирнинг бу давр ижодида “олтин”, “кумуш”, “юмшоқ”, “ялтироқ”, “алангали”, “нурли”, “мовий”, “ҳафиф” каби сифатлашлар ҳам кенг қўлланиладики, булар лирик қаҳрамоннинг нозик кечинмалари ва табиатнинг такрорланмас ранглар олами тасвирида иштирок этади.

Маълумки, сифатлашлар нарса ёки воқеликдаги белги ва сифатларнинг характерига қараб икки хил бўлади: барқарор бўлмаган сифатлашлар ва доимий сифатлашлар. Барқарор бўлмаган сифатлаш нарса ёки воқеликдаги ўткинчи, шартли белгиларини ифодаласа, доимий сифатлаш нарсанинг муҳим доимий белгиларига нисбатан ишлатилади. Шоир ижодидаги “Хоин қоронғи муҳит” (I.32) бирикмасидаги “хоин-қоронғи” барқарор бўлмаган сифатлаши зўравонлик ва эркинсизликни ифодаласа, “улуғ, даҳшатли тўфон” (I.36) истиоравий бирикмаси эса ушбу эркинликка қарши халқ курашини акс эттиради.

Шоирнинг “Қишлоқ кўринишлари” сочмасидаги куйидаги парчада тоғ образининг ўзига хос хусусиятлари топиб ишлатилган сифатлашлар ёрдамида янада ёрқинроқ намоён бўлади: “Оқ либос ёпинган, кумуш ҳарир кийган қари, юксак тоғлар қўпол бўйинларини чўзиб, қўрқинч афти-ла узокдан хўмрайиб туради”. Шеъринг парчада “оқ либос” истиоравий бирикмаси қорни, “кумуш ҳарир” ибораси эса унинг товланишини ифодалаб келган. “Қари” ва “юксак” сифатлашлари эса тоғларнинг қадимий ва навқиронлигига ишора қилади; “қўпол”, “қўрқинч” сифатлашлари тоғнинг табиий қиёфасини акс эттириш учун ўринли ишлатилган тасвир воситалари бўлиб, барчаси образ моҳиятини очиш учун хизмат қилади.

Миртемир шеъриятида юрт тасвири ўрмон, тоғлар, ариқлар, қирлар, тупроқ, ой, қуёш, увалар образли воситасида намоён бўлади, уларга бирикиб келган турли сифатлашлар образли ифодадаги яхлитликни таъминлайди. “Куз” шеърдан келтирилган куйидаги мисраларда шоир сифатлашлардан самарали фойдаланади:

*Ҳаво аёз, қўқ тиниқ, ясси тоғлардан,
Ой остида товланган заррин боглардан,*

*Куз қўйнида мудраган кенг ўтлоқлардан,
Қўшиқ янграр пахтазор, нам тупроқлардан. (I.159)*

Шеър табиат тўғрисида – саҳоватли куз фаслига бағишланган бўлса-да, буларнинг бари Ватан образини яратишга хизмат қилади. Мисралардаги анъанавий сифатлашлар тасвирнинг жонли, ҳаққоний бўлишида ўз вазифасини ўтаган. Ватан образи “Ясси тоғлар”, “Заррин боғлар”, “Кенг ўтлоқлар”, “Нам тупроқлар” каби бирикмаларда янада ёрқинроқ намоён бўлган.

Шоирнинг ижодий индивидуаллигини белгилашда сифатлашларнинг ҳам аҳамияти катта. Мутахассисларнинг уқтиришича, С.Есенин кўпинча “мовий” сифатлашидан Ватан ва унинг табиати тасвирида фойдаланар экан. Миртемир ҳам пейзаж лирикасида, “оқ”, “олтин” сифатлашлардан кенг фойдаланади. Бу сифатлашлар шоирнинг тасвирланаётган объектга, образга нисбатан ижобий муносабатини ҳам англатиб туради.

Шоирнинг 1940 йилда ёзган “Барака томчилари” номли шеъри бор. Биргина шу шеърда “оқ” сифатлаши “оқ туман”, “ясси оқ тошидан”, “оқ елкан”, “оқ тиниқ томчилар”, “оқ булут”, “оқ мрамор” каби бирикмаларда ишлатилади. Лекин шеърда “оқ” сифатлаши баъзида образнинг ўткинчи, баъзида доимий белги хусусиятларини ифодалаб келгани боис унинг қайта-қайта ишлатилаётганлиги сезилмайди. Умуман, “оқ” сифатлаши Миртемир шеърларида кўпинча ижобий маъно ташийти, шунинг учун ҳам баъзан бундай сифатга эга бўлмаган нарсаларга нисбатан ҳам қўлланилаверади. Масалан, шоир ижодидаги “оқ қоя”, “оқ тун”, “оқ тонг”, “оқ эрта” каби ифодаларни шу билан изоҳлаш мумкин бўлади. Шу маънода айтиш мумкинки, “оқ” сифатлаши Миртемирнинг ижодий индивидуаллигини, дунё-қарашидаги кенгликни, истеъдодининг ранг-баранг қирраларини

намоён этади. У барқарор бўлмаган ва доимий кўринишда намоён бўлиб, турли маъно товланишларига эга. Шайхон “Дейман: оқ қоядай бўлсам абадий, Лочин каби мағрур тоғдай этолсам” (I.213), “Атай излаб келдим, оқ қоя, Сен нақадар мағрур кибор” (I.223) каби мисраларидаги “оқ” сифатлаши қонининг ёши билан қопланганлигига ишора қилиш билан бир вақтда образини турли ижобий маъно оттенкаларини ҳам ўзида ифодалайди. Натижада, қоя образи Миртемир ижодида, аксарият, мағрурлик абадият, буюклик тимсоли сифатида кўринади.

Миртемир шеъриятида ёрқин маънони ифодалайдиган сифатлашлардан бири “олтин” бўлиб, у нарс ва ҳодисаларнинг доимий ҳамда ўткинчи белги-хусусиятларини ифодалайди. “Олтин” сифатлаши турли шеърий контекстларда турлича маъно товланишларини намоён этади. Бу сифатлашлар олтинга хос бўлган бебаҳолик, тиниқлик, беғуборлик хусусиятларини акс эттириб, миртемирона янги истиораларнинг вужудга келишига ёрдам беради. Масалан, “Кўккиё” шеъридаги “жон озиғи унум ўсалди, Қуршаб олган олтин қирларда” мисрасида “олтин қирлар” ибораси элнинг риск-рузи бўлган буғдойзорларнинг товланиб туришига ишора қилади. “Қонлар” сочмасидаги “Оқ тонгларнинг сўлим боғларидан олтин чечаклар тердим...” мисрасида “оқ” сифатлаши тиниқ тонг манзарасини тасвирлаш учун хизмат қилса, “олтин чечаклар” ибораси эндигина униб чиққан чечакларнинг нафислиги, беғуборлигини акс эттиришга сафарбар этилади. “Барака ёғади бу олтин тупроққа, бир зумда мусаффо, кўм-кўк айлана” (“Барака томчилари”, I.226) мисрасидаги “олтин” сифатлаши серҳосил, сахий маъноларида ишлатилса, “Толзор куз рангида ва салқин. Дарахтларда япроқлар олтин” мисрасида кузги дарахтларнинг

нинг рангида товланиб турувчи манзарасини тимсоллаштиришга қўллаб қўлади.

Миртемир шеъриятида “олтин” сифатлашига маъно жиҳатдан яқин турувчи “мармар”, “зар”, “кумуш” каби сифатлашлар ҳам борки, бу сифатлашлар ҳам образли ифода доирасини чуқурлаштиришда, образнинг турли хусусиятларини очишда қўл келади: “Жаннатосо боғда жилвагар соз, турфа ранг мармар кошона” (“Денгиз бўйида” I.293), “Яшил япроқ, хуш япроқ, Зар япроқ, кумуш япроқ...” (“Пилла”). Бундай сифатлашлар Миртемирнинг табиат тасвирига бағишланган шеърларида, айниқса, кўп учрайди. Чунки табиатнинг бетакрор ранглар оламини, беғубор ва соф, айти пайтда бебаҳо унсурларини образли тарзда ифодалаш учун бу каби сифатлашлар шоирга ёрдам беради.

Дарвоқе, шоирнинг табиат тасвирига бағишланган шеърларида унинг поэтик услубига хос яна бир хусусият, яъни кучайтирилган сифатлашлар воситасида тасвир аниқлигини таъминлаш маҳорати намоён бўлади. “Оқ ёлли асов тулпор, Бебош ва тентак оқин, кумлоқ сахро эркаси ва дарёлар серкаси” (“Аму қирғоқлари”, I. 298), “Салкин, силлик, сўлим баҳор эртаси...” (“Яшил япроқлар”, I. 143), “Қари, турғун, ғудур Қоратоғ Сен ғўзални асрар бағрида” (“Кўккиё”, I.25) каби мисралардаги кенгайтирилган сифатлашлар бир пайтнинг ўзида ҳодиса ёки предметнинг бир неча белги-хусусиятини ифодалаш билан бирга образ тасвиридаги ёрқинликни ҳам таъминлайди. Барча шоирлар табиат тўғрисида ёзганда бисотидаги энг нафис, ғўзал, жарангдор сўзлардан фойдаланганидек, Миртемирнинг пейзаж тасвиридаги кенгайтирилган сифатлашлари жозибадорлиги ва таъсирчанлиги, нозик туйғу ва кечинмаларга бойлиги билан ажралиб туради. Хусусан, образнинг қабул қилинаётган белги-хусусиятлари таъкидлаб кўрсатилади.

Зеро, сифатлаш "... бадий аниқловчидир. У предметнинг беэҳтиёб қабул қилинаётган бирор белгисини таъкидлаб кўрсатади конкретлаштиради ва аниқлаштиради"⁸⁰.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари Миртемир ижодида ўзига хос из қолдирди. Бу, айниқаса, шоирнинг лексикаси бобида яққол кўринади. Шоирнинг бу йиллардаги ижодида давр нуқтани назаридан ўзига хос янги сифатлашлар пайдо бўлди. Шоир ўз тупроғини босқинчилардан мардона ҳимоя қилаётган жангчи образини яратишда "ботир", "дов", "мард", "алп" каби сифатлашлардан, ижтимоий-сиёсий воқелик ёки уруш манзарасини яратишда "совук", "қора", "огир", "қалин", "қонли", "аччиқ" каби сифатлашлардан фойдаланади. "Ёдгор" шеъридаги "қора ўрмон, қалин ўрмон, Олис диёр... Сўнгсиз ёбон, совук ёбон, Тиззалан қор..." (I. 300) сатрларида сифатлашлар ёрдамида тасвир образи тус олади, улар тўлалигича жанг манзарасининг даҳшатини сурашлашга хизмат қилади.

Ўхшатиш ва образ. Миртемир шеъриятида бадий сўз имкониятларини очишда, сўз қаъридаги маъно ва ранглар воситасида образнинг маъно салмоғини оширишда ўхшатишларнинг ўрни бекиёс. Бадий санъат турларидан бири ҳисобланувчи ўхшатиш Миртемир шеърларида полефункционал имкониятларини намоён этади. Шарқ мумтоз адабиётида ташбиҳ деб аталувчи бу бадий восита, аввало, мисралардаги образлилиқни таъминлаш, тасвирдаги таъсирчанлик кучини ошириш, поэтик картина ва унинг тиниқ рангларда жонли намоён бўлишини таъминлаш мақсадида фойдаланилади. Масалан, шоирнинг "Шудринг" шеъридаги пейзаж тасвирида ўхшатиш бошқа бадий имкониятлар билан уюшган ҳолда тонг манзарасини гавдалантиради.

⁸⁰ Шафаруддинов О. Замон Қалб. Поэзия. –Т. Бадий адабиёт, 1962. 196-бет.

Шўх сой қирзоқларида,
 Ниҳоллар куртагида,
 Сал экинда симобдай
 Қалтирар лак-лак инжу.
 Ялтирар суйра тепа,
 Ялтирар қир узукчоч,
 Келинлар тақинчоги,
 Узук кўзларими ё.
 Чор атроф сабзаларда
 Жимир-жимир кўзмунчоқ,
 Бўй-бўй дилраболарнинг
 Сузук кўзларими ё? (II.100-101)

Шеърда Шарк мумтоз адабиётидаги тажохулу орифона деб номланган шеърий санъат билан ўхшатиш санъати қоришган ҳолда гўзал поэтик лавҳа яратилган. Тажохулу орифона санъатига кўра, ўхшатилаётган нарса ёки бирон образли ибора аниқ айтилмасдан бир неча нарсага ўхшатилади, лекин аниқ фикр билдирилмайди. Бундан мақсад ўхшатилаётган нарсанинг таъриф-тавсифини келтиришдир. Юқорида шоир шудрингни симобга, инжуга, келинлар тақинчоғига, узук кўзларига, кўзмунчоққа, кизларнинг сузук кўзларига ўхшатади. Шоир бирданига шудрингни шуларнинг ҳаммасига ўхшатиш орқали унинг нақадар нафис ва чиройли эканига, куёш нурларида ранг-баранг товланиб туришига ишора қилмоқчи бўлади. Шеърдаги асосий фикр, дард унинг охирида айтилади.

Йўқ, бу гирён кўзларнинг,
 Ярқироқ замзамаси.
 Кечаси онам тагин
 Йиғлабди-да, чамаси... (II.100)

Шоир шудринг образи мисолида ўхшатиш санъатидан фойдаланиб янги фикр айтади. Шудринг онанинг кўз ёшига ўхшатилиши билан шеър тўғрисидаги тасаввур ва кайфият бирданига ўзгаради, лирик каҳрамоннинг дардли қиёфаси ўқувчи кўз ўнгига намоён бўлади. Образ замиридаги кўп қиррали маъно ўқувчини фикрлашга ундайди, у йиғининг сабаблари ҳақида уйлаб қолади.

“Юлдуз” сўзи иштирокидаги ўхшатишлар ҳам Миртемир шеърларида талайгина бўлиб, у поэтик кечинмаларнинг чуқур мушоҳада ва узоқ изланишларнинг маҳсули эканини кўрсатади. Қуйидаги шеърий парчадаги ой ва юлдуз сўзлари иштирокидаги ўхшатишларда чуқур рамзий маъно бор:

*Бири юлдуз монанд, бири ой монанд,
Келур устозларим чақнаб, ярақлаб...
Ҳам Пушкин, ҳам Гейне, Шота, Алишер
Мадад ол, мадад ол, э ўйчан кўнғил. (I. 212)*

Шеърий парчада Пушкин, Гейне, Шота ва Алишер каби истеъдод эгаларининг образи, уларнинг ёд-хотирасининг ёрқинлиги, мангулиги “юлдуз монанд”, “ой монанд” каби ўхшатишларда яхши акс этган.

Миртемирнинг пейзаж лирикасида бадий жозибадорлик, тасвир тиниқлиги, сатрлардаги ранг ва оҳангдорлик бевосита ўхшатишлар орқали юзага чиқади. Сокин ва мусаффо кини манзараси шоирнинг поэтик тафаккурида шундай жонланади:

*Осмон – зумрад қубба, жуда губорсиз,
Ўртасида тўлин ой, осилган қандил янглиг...
Еллар ҳар қадамда ўйинга тушур орсиз.
Қуюн, қор ўйинлари; шўх бормикин ел янглиг? (I. 142)*

Шоирнинг маҳорати туфайли осмонни зумрад кубба шаклида, тўлин ойни эса унинг ўртасидаги қандил янглиғ тасаввур қилиш, “зумрад кубба”лардан эланиб тушаётган шўх ва ўйноқи кор парраларини тиниқ кўриш имкони туғилади. Шеърдаги “осмон – зумрад кубба”, “тўлин ой – қандил” ўхшатишлари Миртемиргагина хос оригинал поэтик воситалар бўлиб, образнинг маъно салмоғини орттиради, бадий мукамаллигини таъминлайди.

Тўлин ойнинг қандилга ўхшатилиши билан осмон кубба шаклида тасаввур этилса, унинг елканга қиёсланиши билан само бепоён денгиз киёфасида намоён бўлади. “Куз” шеърида шоир ёруғ кечада осмонда сузиб бораётган ой ва унинг атрофида жилва қилаётган юлдузларни, шўх елларнинг тегажоклигидан қочиб бандидан узилган япроқларни образли тарзда шундай чизади:

*Кеча ёруғ, тўлин ой елкандек юзар,
Тўп-тўп юлдуз пирпирар, жилва кўргузар,
Еллар шўх, ўйнаб тинмас, барглари узар,
Кўз илғайди гўёки олам-олам зар... (I. 159)*

Шеърини парчадаги манзара ва поэтик воситалар, хусусан, “тўлин ой – елкан”, “барглари – зар” ўхшатишлари орқали куз образи бутун борлиғи билан: изғиринли ҳаво, тиниқ осмон, заррин боғлар, мудраган ўтлоқлар, нам тупроқлар ва шўх садоларга тўлган қайноқ дала кучоғи кўринишида намоён бўлади.

Умуман, шоирнинг пейзаж лирикасида шафак, қуёш, ой, юлдуз, осмон, кеча, япроқ, қорли чўққилар каби сўзлар иштирокидаги ўхшатишлар воситасида табиат образи: фасллар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ёруғ кеча ва мусаффо тонг манзараси, серҳосил ўзбек тупроғи ва бепоён экинзорлар ўзининг бутун кўлами билан акс этади.

Миртемирнинг эпик тасвирга мойил шеърларидаги конкрет қаҳрамонларнинг портрети тасвиридаги ёрқинлик, ҳаётийлик ва мукамалликни таъминлаш мақсадида ҳам ўхшатишларга мурожаат қилинади. Бунда қаҳрамоннинг ташқи қиёфасига ҳоҳ чизгилар ўхшатишлар воситасида образнинг ички оламини ҳам очувчи белгиларга айланади. Шоирнинг “Аброр Ҳидоят” деб номланган шеърида “алпдай микти, яғриндор” ўхшатиши орқали халқ артисти ўзбек санъатининг алпларидан эканига ишора қилинса, “Севгида Отеллодай, вафода мажнуншиор” (II.312) мисрасида эса у яратган образларнинг муваффақияти ўхшатишлар воситасида юзага чиқади:

*Қорамағиз, ўйчан кўз, алпдай микти, яғриндор,
Навоий тимсолида газал ёру, ҳикмат ёр.
Салла ҳам хуб ярашур, жангчининг инели ҳам,
Севгида Отеллодай, вафода мажнуншиор. (II.312)*

Миртемир ўхшатишлари тасвир ва образ хусусиятларининг лаконик тарзда сиқик ва маъно кўлами кенг бўлишини таъминлаш учун хизмат қилади. Масалан, “Мендан йироқ тушди қизғалдоқдай киз” (“Қизғалдоқ”) (I.220) мисрасидаги ўхшатиш санъатида кизнинг гўзаллиги, нозиклиги, беғуборлиги, уятчанлиги каби хусусиятлар биргина образли сўз воситасида ифодаланса, “Ўтга солди гулдек чоғини” мисрасида эса ёшлик даврининг мусаффо туйғулар каби кадрли ва ўткинчи эканлигини гулга қиёслаш орқали акслантирмоқчи бўлади.

Миртемир шеърларида ўзаро маъно ва шаклий жиҳатдан узок тушунчалар ҳам бир-бирига ўхшатилади, бундай ўхшатишлар образ моҳиятига мос тушиши натижасида шеърнинг поэтик кўлами кенгаяди. Масалан, “чечаклар – қиз бола кулгуси”, “шафак – ол туғ”, “сахро – келинчак”, “тўлин ой – оппоқ гунча”, “юлдуз – лола”.

“келин – беғубор кун” каби фавқулудда ўхшатишлар шеърнинг ғоявий йўналиши ва образ хусусиятларини ифодалашда ўзига хос аҳамият касб этади. Бунда тасвирланаётган образнинг барча қирраларини намоён этиш ва бутун тафсилотларини гавдалантириш учун ўхшатишларнинг чексиз имкониятларидан фойдаланиш натижасида шоирнинг образлар дунёси ранг-баранг хусусиятлар касб этади.

Миртемир шеърларида баъзан конкрет нарсалар маъно ва маънавийликка ўхшатилади, натижада, ифода янада нозиклашади; образлар дунёси, қиёфаси, характериға хос хусусиятлар теранлик касб этади. Масалан, баҳор чечакларининг беғубор ва нозиклиги унинг “қиз бола кулгуси”ға ўхшатилиши; Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларнинг қадимийлиги “ўлмас тарона”ға қиёсланиши воситасида акс этади. Самони тўлдирган юлдузларни “афсона”ға, ўрмонни эса “яшил мўъжиза”ға қиёслаш орқали табиатнинг ҳали ечилмаган жумбоқ ва сир-синоатларға бой эканлигига ишора қилади шоир.

Миртемир шеърларида ўхшатиш образ моҳияти ва шеърнинг ғоявий йўналишиға мос ҳолда ифодадаги нозиклик ва мукамалликни, сиқиклик ва жонлилиқни таъминлаш билан бирга тасвир бўёғини ҳам қуюқлаштиради, образли ифоданинг таъсирчанлигини кучайтиради, лирик қаҳрамоннинг тасвир объекти ва образға бўлган муносабатини намоён этади.

Истиора ва образ. Миртемир шеърятининг бадий жозибадорлигини таъминлашда, образнинг маъно салмоғини оширишда ва фикрни ихчам, сиқик ибораларда ифодалашда истиоранинг ўрни бекиёс. Шоир қўллаган истиоралар унинг поэтик тафаккурини, шеърый иқтидорини, дунёқараши ва бадий салоҳиятини белгилаб беради.

Маълумки, истиора санъати адабиётимизнинг барча даврларида, хусусан, мумтоз адабиётимизда кенг қўлланган шеър санъатидир. Истиоранинг турли тиллардаги адабиётларда фазо қўлланилишини адабиётшунос Атоуллох Ҳусайний ҳам қайд қилиб ўтган: “Бу санъат (истиора – У.Х:) ҳамма тиллардаги назму насрда воқиъу машҳурдур”⁸¹. Шу маънода айтиш мумкинки, XX аср ўзбек адабиётида истиора санъатининг қўлланилиши мумтоз адабиётининг анъаналарига таянади. Адабиётимиз тарихида, хусусан, Лутфий Атоий, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий каби салафлар ижодида истиора санъатининг гўзал намуналарини учратиш мумкин. Улар ижодида бу шеър санъати лирик қаҳрамоннинг воқеликка, тасвир объекти ва образга муносабатини белгилашда, шеърий нафосатни қуюқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу ижодий анъана, табиийки, XX аср ўзбек шеъриятида ҳам давом этди. Бу борда Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир, М.Шайхзода, Ғ.Ғулум, А.Оринов, Э.Воҳидов, Р.Парфи каби шоирларнинг ижодий изланишлари алоҳида диққатга сазовор.

Адабиётшунос Е.Эткинд айтганидек: “Истиора – олам бирлиги, инсон ва табиат мужассами тимсолининг энг қисқа, энг жамланган ифодаси”⁸².

Шу маънода, Миртемир ижодидаги истиора санъати: бири бири билан бевосита боғланмаган икки хил ҳолат ва кўринишнинг солиштирилиши, тенглаштирилиши натижасида ўқувчида оламнинг бирлиги, нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғликлиги ҳақида тасаввурлар уйғотади.

Миртемир ижодкор сифатида сўзни, шеъриятни жуда қадрлайди. “Қаъбамсан, шеърият...” деб бошланувчи шеърида

⁸¹ Атоуллох Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойи. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. 219-бет.

⁸² Эткинд Е. Разговор о стихах. –М.: Детская литература, 1970г. стр 123

шеърнинг гоявий йўналиши, образ ва маъно қўламини кенгайтириш учун истиоралардан унумли фойдаланади:

*Каъбамсан, шеърият, эзгу эҳромим,
Оғу ҳам бол тўла бебаҳо жомим.
Амалим ва ишқим, умиду армон,
Уйқусиз тунларим – жиндак илҳомим. (II. 202)*

Шеърда табиатнинг бир-биридан узоқ бўлган икки ҳодисаси таққосланибгина қолмасдан, балки ўзаро тенглаштирилади ҳам. Натижада, “каъба”, “эзгу эҳром” каби истиоралар натижасида лирик қаҳрамоннинг образга нисбатан эътиқоди, муносабати ойдинлашади. Шеърнинг туғилиши фақатгина қувончли лаҳзалар, ширин ҳиссиётлардангина иборат эмас, балки кучли дард ва фикрий олишувлар маҳсули эканлиги “бол” ва “оғу” истиораларида ўз ифодасини топган. Бу икки қарама-қарши қутбларнинг тенг тасвирланиши образнинг тўлақонлилигини таъминлаш билан бирга, унинг ҳаётийлик кучини ҳам оширган. Шеър ёзиш шоир учун ҳавас эмас, балки табиий эҳтиёж эканлиги, оғир меҳнат ва ижодий жараён маҳсули эканлиги “уйқусиз тунлар”, “амал” ва “ишқ” истиораларида акс этган. Шоирнинг шеъриятда ҳали айтолмаган сўзлари, балки объектив сабаблар туфайли айтолмаслиги аниқ бўлган дардлари қўп эканлиги “умид” ва “армон” истиораларида акслантирилган. Шу ўринда истиораларнинг бундай куюклаштириб қўлланилиши натижасида образ тўлақонли таърифу тавсиф қилинади, маъно-моҳияти янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Истиоралар фикрни ихчам, мантиқан бой ва мазмундор шаклда бериш учун шоирга қўл келади. Миртемир образ хусусиятларини берувчи истиораларга таянган ҳолда фикрни кучли босим остида конденсациялайди, натижада, сўзга қўйилган масъулият ошиб, фикр олмослари ёрқинроқ ярқирайди. Шоирнинг

“Қаъбамсан, шеърият...” ва “Устозга атаганим” шеърлари баланд раъёвий жиҳатдан бир-бирини тўлдиради. Ойбекка билинган шеърда юқоридаги фикрлар давом эттирилиб, шеъриятнинг “ҳикмат дарёси”, “сеҳр дарёси” каби истиоралар билан ифодаланиши унинг инсон маънавий камолотида беқисс аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Шеъриятнинг инсонини, унинг ҳиссиётлари ва эстетик оламидаги мавжуд қонуниятларини тушунишдаги ўрнини шоир “илм”, “ишқ” ва “меҳр” истиоралари воситасида баён қилади. Шоир ўз фикрини давом эттириб:

*Қўйнинг бир хазина – бебаҳо дурдан,
Тозалигинг ўтар тоза биллурдан,
Яралибсан гўё бир дарё нурдан,
Нурингни нур бўлиб қучолсам дейман. (II.47)*

каби мисраларда шеъриятнинг каддини жуда баланд қўяди, тунда истиоралар воситасида шеъриятни нур каби мусаффо, биллур каби тоза, дур каби бебаҳо эканлигини таъкидлайди. Шеърда “нур” истиораси ташна қалбларга нисбатан қўлланилган бўлса, “сув” истиорасида эса шоир ўша ташна қалбларга гўзаллик уруғини сочиб, эстетик завқ улашувчи сўз санъатини назарда тутди:

*Сендан сув ичганлар қолмайди сўлиб,
Мен ҳам шу дарёда бир тўлқин бўлиб,
Чўлларни сел каби кечолсам дейман. (II.47)*

Ойбек шеърияти шоир учун бир дарё каби. Унинг ҳар бир шеърида теран маъно борлигини, ҳар бир мисрасида дардчил кўнгилларга даво бўлувчи кечинмалар мужассам эканлигини Миртемир нозик истиора ва ўхшатишларда шундай ифодалайди:

*Тўлқинида юз бир қуёш жилоси,
Ҳар қатраси не-не дарднинг давоси,*

*Бўйларида ўсар меҳригиёси,
Мавжига тўш уриб учолсам дейман. (II.47)*

Шоир бундай жўшқин ва серсув дарёнинг она тупроғимиз учун нақадар зарур эканлигини айтиш билан, Ойбек шеърятининг ўйбек халқи маънавиятидаги ўрнини белгилаб беради.

Миртемир ижодига хос бўлган хусусиятлардан яна бири, унинг бадий воситаларни, хусусан, истиораларни куюклаштириб қўллашида кўринади. Бунда кўпинча шеърый нутқнинг тасвирийлик ва таъсирдорлик кучи, бадий нафосати орттирилади, образ ҳаётидаги маъно қирралари аниқроқ ва ёрқинроқ акс этади. Шоирнинг 1971 йилда ёзилган “Юртим...” деб бошланувчи шеърида юрт образи кетма-кет қўлланилган “соз ошён”, “суюк жаҳон”, “ишонч”, “умид”, “ўчмас имон”, “бахт”, “фахр”, “шараф тож” сингари қатор истиоралар замирида намоён бўлади. Истиоралар шодасидан моҳирона фойдаланган шоир образ тасвиридаги хилма-хиллик ва таъсирчанликни орттиришга эришган. Натижада, она юрт образи ўқувчида бир пайтнинг ўзида ҳам ишонч, ҳам умид, ҳам имон, ҳам бахт, ҳам фахр, ҳам тож, айна пайтда, кадр жаҳонга тенг ошён сифатида таассурот қолдиради.

Шоир она юрт образи мисолида ҳаётнинг абадийлиги ва инсон умрининг ўткинчилиги ҳақидаги фалсафий фикрини шундай ифодалайди:

Авлодларга мерос тупроқ

Олтин бешик...

Ўлсам агар мазоримсан,

эй, Она юрт! (II.164)

Мисралардаги инсоннинг ибтидоси ҳам, интихоси ҳам она юрт эканлиги тўғрисидаги фалсафа айна бир вақтда икки хил

тасвирий восита: истиора ва антитеза воситасида юзига чиқади. Бу мақсад – инсоннинг бешиги ҳам, мазори ҳам ўз она юрти бўлиб қолиши олий бахт эканлиги “бешик” ва “мозор” истиоралари орқали англашилади.

Миртемирнинг “Самарқанд шеърларидан” номли шеъри ҳам юқоридаги шеърларга ҳамоҳанг руҳда ёзилган. Шоир Самарқанд образини таърифлар экан, моҳиятан шаҳар белги ва хусусиятларини мос тушувчи кучайтирилган истиоралардан фойдаланиб, натижада, “эзгу айём”, “май тўлиқ жом”, “тенгсиз хол”, “ёвуш қорачиги” каби ибораларда лирик қаҳрамоннинг образи шайхона муносабатини белгилаб беради. Шоирнинг “кўшигимсан, ману мақомсан” истиорасида Самарқанднинг қадимийлигига шайхона қилинса, “девзот бобомсан” истиоравий бирикмасида эса образнинг олис тарих силсилаларидаги мағрур қифояси назарда тутилган.

Миртемир шеъриятида кучайтирилган истиораларнинг шоир индивидуал услубига хос бўлган ўзгача кўринишини ҳам учратиш мумкин. Бунда шоир образ моҳиятидаги энг асосий маънога уриш бериш учун ўзини-ўзи инкор этиш йўлидан боради. Бундай мисраларда, дастлаб, образ бирор бир ҳолат ёки кўринишга тенглаштирилади, моҳиятан ундан ҳам кучлироқ истиоранинг келтирилиши билан биринчи ҳолатнинг мавқеи пасайтирилади. Масалан, шоирнинг “Алёр тагин” номли шеърида шахт хирмонлари образли тарзда шундай ифодаланади:

Қашқадарё бўзларида

Оқ хирмонлар – ипак тола,

Ипак неси, оқ булут-ку,

Булут неси, оқ шалола. (II. 200)

Мазкур мисралардаги истиораларнинг кетма-кет кучайтирилиш қўлланилиши баробарида ифодадаги нозиклик ҳам орта боради.

Дастлаб, “оқ хирмонлар” деб аталган пахта хирмонлари “ипак толи”га, “оқ булут”га ва ниҳоят, “оқ шалола”га тенглаштирилади, натижада, образнинг бадий мукамаллиги, белги-хусусиятлари бруттириб кўрсатилади.

Шоирнинг “Тун бўйи” сарлавҳали шеърида гўзал табиат минзаси тасвирланади. Тасвир ҳаётийлиги, бадий нафосатини таъминлашда истиораларнинг улкан имкониятларидан фойдаланиш Миртемирнинг:

*Саҳарларда сўқмоқлардан ўтаман танҳо,
Юзимга урилар эгик бўтоқлар.
Симоб тукилгандай порлар япроқлар,
Ҳавога тўймайман – шифокор ҳаво.*

*Эгик бўтоқларни силкиб қўяман,
Шода – шода сачрар асл дур гўё,
Дурмас, қатра – қатра яшил нур гўё,
Яшил гўзалликка қачон тўяман? (II. 219)*

тарзидаги лавҳаларида кўринади. Шеърдаги “шифокор ҳаво”, “асл дур”, “яшил нур”, “яшил гўзаллик” каби тасвирий воситалар Миртемирга хос бадий тил безакларидир. Мисралардаги шудринг дончаларининг дурга қиёсланиши билан унинг табиат мўъжизаси эканлиги, нафис ҳолати акс этган. Шоир тасвири янада кучайтириб, “нур” истиорасини истифода этади, натижада, тонгги мусаффо ҳавода илк қуёш нурларини шудринг дончаларида кўраётгандек бўламиз.

Умуман, Миртемирнинг пейзаж лирикасида табиатнинг илоҳий гўзаллигини ифодаловчи бадий воситаларнинг, хусусан, истиора санъатининг ноёб намуналарини учратиш мумкин. Шоир табиат тасвирига бағишланган мисраларида нафис, жарангдор

сўзлардан истиора сифатида фойдаланади. Табиатнинг мушкетёрлик гузаллигини, мусаффо рангларини ифодалашда “гавҳар”, “бумаж”, “инжу”, “танга”, “мовий”, “момик”, “олтин” сўзлари воситасида яратилган истиора ва образлардан фойдаланса, тиниқ ва жарангдор оҳанглар “тор”, “жаранг”, “қўшиқ” каби сўзлар шиттироқлигида истиоравий бирикмалардан англашилади.

Миртемирнинг пейзаж лирикасида “юлдуз” образи ранг-баранг бадий тасвир воситаларида ўзининг кўп қиррали маънавий хусусиятлари билан намоён бўлади. Шоирнинг “Ўшандок” номли шеъридаги

Сулувлар кўзидек тенгсиз, ярқироқ,

Юлдузларки, кўкнинг гавҳар чечаги (II. 89)

сатрларида юлдузларнинг сулувлар кўзига ўхшатилиши ва “кўкнинг гавҳар чечаги” истиораси воситасида ифодаланиши натижасида инсонни сеҳрлаб олувчи кучи, чечакларнинг мусаффолиги, унинг “гавҳар” сўзи билан бирикиб келиши натижасида юлдузларнинг фалакда тиниқ нур сочиб туриши, жозибador товланишларини назарда тутди. Шеърда “гавҳар” сифатловчиси образ хусусиятларини очишда қанчалик қўл келган бўлса, “Юлдуз” номли шеърда шоир “инжу” сўзи воситасидаги истиорадан фойдаланиб, образ моҳиятини янада ёркинроқ очиб беради:

Дарё тепасида, кўк қуббасида,

Худди арш авжсида тўп инжу дона –

Юлдуз жимиллайди тонг жилвасида,

Не юлдуз, фусункор мовий афсона... (II. 56)

Мазкур сатрлардаги истиора санъати шоирнинг поэтик тафаккури ва иқтидоридан дарак беради. Бадий воситалар

натيجасида осмонни кўк кубба шаклида, унда сочилиб ётган юлдузларни эса инжу доналари сифатида тасаввур қилиш мумкин. Шоир образ моҳиятини тўлароқ очиш, унинг янги қирраларини кўрсатиш мақсадида ўзига хос истиоравий бирикмалардан фойдаланиб, тасвирнинг янада нозиклашувига эришади. Юлдузларнинг “мовий афсона” истиорасида ифодаланиши билан уларни табиатнинг сирли ҳодисаси эканлигига, инсон тафаккури ҳали етиб бора олмаган жумбоқ эканлигига ишора қилинади.

Миртемирнинг пейзаж лирикасида қор, пахта, шудринг, сув, қушлар образлари ва улар билан боғлиқ оригинал бадий тасвир носиталарини ҳам учратиш мумкин. Масалан, қорнинг “қиш ойининг кумуш ёри”, “оппоқ танга”; пахтанинг “оқ момик”, шудрингнинг “инжу”, сувнинг “оқар кўзгу”, қушларнинг “канотли куйчилар” каби истиораларда ифодаланиши билан шеърнинг ифода таъсир кучи ортади, бадий нафосати оширилади, образнинг алоҳида маъно турларига урғу берилади.

Умуман олганда, Миртемир образ яратиш борасида ҳаётий ва ижодий тажрибага эга санъаткордир. У бу борада “Ҳар мавзунинг ўз шакли, ўз тимсоли бор, ўша топилмаса, шеър эмас”⁸³, деган эди. Ҳақиқатан ҳам, шоир образ яратишда шакл ва мазмун мутаносиблигига алоҳида эътибор қаратади. Ўша тимсоллар замиридаги нозик жиҳатларни англашда, шеър ғоясини очиб беришда, сатрлардаги нафосат ва жозибadorликни ҳис қилишда образли ифоданинг ўрни бекиёс.

Миртемирнинг шеърятни қанчалар содда ва самимий бўлса, ўша соддалик ва самимийлик замиридаги теран маъно бизни ҳар доим фикрлашга чорлайди. Айниқса, сўзнинг маъно салмоғини, нозик табиатини, ранг-баранг товланишларини теран англаган

⁸³ Миртемир. Дустлар даврасида. –Т.: Ёш гвардия, 1980. 50-бет.

шоир образга хос хусусиятларни табиий, ҳаққоний ва мукаммал ҳолда
этириш учун ўхшатиш, сифатлаш ва истиораларнинг ҳастияриш
ва таъсирдорлигига эътибор беради.

Миртемирона сифатлашлар образнинг ўзига хос томонлари
белги-хусусиятларини майда тафсилотларигача ифода
имконини берса, ўхшатишлар ифоданинг янада жозибадорлигини
шеърий мисраларнинг нафосатини таъминлайди. Истиоралар
сатрлардаги тасвир ихчамлигини, айти пайтда, образнинг маъно
салмоғини оширишга хизмат қилади. Шу маънода айти
мумкинки, шоир:

– биринчидан, шеърий мисралардаги, образлар замиридаги
ранг ва оҳанглар оламини, ички ва ташқи тафсилотлар
мукамаллигини сифатлашларнинг улкан имкониятларида
фойдаланган ҳолда ифодалашга эришади;

– иккинчидан, ўхшатишларнинг шеър табиатига, образлар
дунёсига мос бўлишига эътибор берган, сўз қаъридаги ном
жиҳатлар, ранглар воситасида образнинг маъно салмоғини янада
кенгайтирган;

– учинчидан, образли тасвир нозиклигини, сўзларнинг ном
табиати ва ифодадаги сиқикликни таъминлаш учун истиораларга
муружаат қилган.

ХУЛОСА

Миртемир ижоди XX аср ўзбек шеъриятида ўзига хос хусусиятлари билан муносиб ўрин эгаллайди. Шеъриятда ўзига хос овози, ўзига хос бадиий тафаккури билан ажралиб турувчи шоир Ойбек, Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, Ҳ.Олимжон, Зулфия каби етук шоирлар билан ҳамқадам, ҳамфикр ижод қилган бўлса, бу ижод Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи, Ҳ.Худойбердиева, О.Ҳожиева, Б.Бойқобилов, О.Матчон, У.Азим каби кейинги авлод вакиллари учун ижодий мактаб сифатида кадрланади.

XX аср ўзбек шеърияти, турли мафкуравий тазйиклар, қолиплар исқанжасида бўлса-да, ўз олдидаги улкан ваазифани баҳоли қудрат бажарди. Хусусан, шеъриятда мумтоз адабиётимиздаги аруз вазни ва жанрлари билан бирга янгича йўналишлар, янгича жанрлар, энг асосийси, такрорланмас ижодкорлар пайдо бўлди. Лекин ўзбек адабиётшунослигининг XX аср адабиётидан “қарзи” кўп. Шу маънода, адабиётшунослигимиз Миртемир ижодини ёритувчи йирик тадқиқотлар қутмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Миртемир ижоди услуб ва образ нуқтаи назаридан, бадиий тафаккур, сўз ва тасвирий воситалар жиҳатидан, фольклорга муносабат борасида йирик тадқиқотларга, кизиқарли баҳсларга асос бўла олади.

Миртемир сўзни жуда кадрлайди ва асарларида ҳар бир сўзнинг, ҳатто, ҳар бир ишоранинг ўз ўрнини топиши учун қайгуради. Шоир ўқувчилар кўлига бориб етган, уларнинг қалбидан жой олган шеърларини ҳам қайта-қайта таҳрир қилади. Бу эса кейинги нашрларда сўз олмосларининг янада ёрқинроқ товланишига, ғоявий вазифасининг янада аниқлашувига олиб келади.

Дарҳақиқат, Миртемир шеърлятида бадий сўз имконияти юксак ғоя учун хизмат қилади. Шоир ҳеч қачон жимжима сўзлар сунъий ярқироқликка қизиқмайди. Аксинча, соддалик, самимийлик ва табиийлик ва халқчиллик шоир шеърларига хос муҳим фанатлардир. Айниқса шоир ижодидаги сўз ва портрет, сўз ва пейзаж муносабатларининг тўлалигича асар ғоясига бўйсундирилган диққатга сазовор. Миртемир портрет тасвирининг ҳаётни чағаларга бой бўлиши ва миллий рангларда товланишига интилади. Унинг воситасида образ моҳиятини очишга, асар ғоясини ифодалашга ҳаракат қилади, ҳар бир сўз, ундаги образ товланишлари юксак ғоявий вазифага эга бўлишига эришади. Портрет санъати образли тасвир воситаси сифатида образ, асар ғояси билан муносабатга киришади. Пейзаж эса асар ғоясининг чуқурлашувида, образ талқинидаги мукамалликда муҳим роль ўйнайди. Шоир пейзаж лирикасида юракдан ҳис қилинган, нафис бадий бўёқдор сўзларни истифода этади, пейзажнинг образ тасвири билан уйғунлашувига эришади.

Бадий адабиётдаги ҳар қандай восита, охир оқибат, образ мукамаллиги ва ғоянинг ўткирлиги, аниқлигига, демакки, образли тасвир учун хизмат қилади. Образ ҳаётни бадий тадқиқ қилишнинг бирламчи воситасидир. Шундай экан, ижодкор томонидан яратилган бадий образлар унинг тафаккур уқуви, ижодкорлик салоҳияти, бадий тафаккури ҳақида хулосалар чиқаришга имкон беради. Миртемир ижоди, ундаги образлар силсиласи бадий мукамаллиги, ғоявий салмоғи ва ўзида фольклорнинг етакчи тамойилларини илгари сурганлиги билан ажралиб туради. Тўғри, шоир ижодининг дастлабки даврларида ҳаддан зиёд рамзийликка берилиш, мавҳум, абстракт образлар яратиш каби ҳолатлар ҳам учрайди. Бунинг оқибатида тасвирийлик

Ўринини риторика, образлардаги бадийлик ўрини куруқ рамзий ифодалар эгаллайди. Лекин аста-секинлик билан шоир ижодида мажозий рангдорлик ва маълум декларативлик ўрини образлар аниқлиги, мазмун ва шакл бутунлиги ола бошлади, бу сифатлар ижодий меъёрга айлана борди.

Тилда алоқа, хабар билан биргаликда таъсир этиш функцияси ҳам мавжудки, бунинг натижасида тингловчи ёки ўқувчида турли эмоциялар вужудга келади. Таъсир этиш тилнинг адабий-бадий услуби билан алоқадор бўлиб, бунда бадий-тасвирий воситаларнинг, хусусан, сифатлаш, ўхшатиш ва истиоранинг ўрни, образ талқинидаги роли катта.

Умуман, монографик тадқиқот учун белгиланган мавзу ва унда билдирилган фикр-мулоҳазаларни жамлаб, қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

1. Миртемир ижодкор сифатида сўз ва унинг бадий имкониятлари масаласига жиддий эътибор билан ёндашган. Гарчи бу борада шоир ижодининг дастлабки даврлари баъзи камчиликлардан ҳоли бўлмаса-да, аста-секинлик билан у бадий сўз имкониятларини, услубий бўёқларини теранроқ англаб борган.

2. Миртемир сўз замиридаги нозик бадий-мантикий, тасвирий-ифодавий ва мусикий-интонацион имкониятларни ошириш мақсадида градация, аллитерация каби бадий санъатлардан, лексик ва аффиксацион элементлардан фойдаланган.

3. Миртемир шеърияти лексикасидаги фольклорга хос соддалик, теранлик, лаконизм, баъзан адабий нормадан чекиниш ҳоллари шоирнинг бадий ижоддаги ўзига хос манерасини, индивидуал услуби ва эстетик оламини белгилайди.

4. XX аср ўзбек шеърятининг халқ сўзлашув тилига яқинлашуви, поэзия тилининг шевага хос сўзлар ҳисобига байитиш бевосита Миртемир ижоди билан ҳам боғлиқ.

5. Миртемир ижодидаги бадий мукамаллиқни таъминлашда, образлар яратиш маҳорати борасида халқ оғзаки ижодидаги таъсири катта бўлган. Бу эса бизга қуйидагича ҳудудлар чикаришга имкон беради:

- **биринчидан**, фольклорга хос тил, услуб ва маҳорат, шеър техникасига оид воситаларни ижодий ўзлаштириш натижасида Миртемир шеърятини, хусусан, унинг кўшиқлари халқчиллиги ва бадий мукамаллик касб этди;

- **иккинчидан**, Миртемир шеърятдаги айрим образларнинг генесиологик асоси халқ оғзаки ижодига бориб тақалади, бу образ ёзма адабиёт имкониятлари, янгича ижтимоий мазмун билан бойитилади;

- **учинчидан**, шоир бадий тафаккурининг, эстетик қарашларининг халқ ижоди ва руҳига яқинлиги у яратган айрим образларнинг халқона услубини таъминлайди.

6. Миртемирнинг лирик портретларида бадий сўз имкониятларидан фойдаланиш маҳорати аниқ кўзга ташланади. У бадий портрет воситасида образлар моҳиятини, руҳият тасвирини бадий акс эттиришга интилади. Портрет, ўз навбатида, шоирнинг образга воқеликка нисбатан муносабатини ойдинлаштиради.

7. Пейзаж шоирнинг ғоявий йўналишини ойдинлаштиради, асарнинг мавзу-мундарижасини, образлар дунёсини ёритишга ҳаракат қилади, образ тасвири билан уйғунлашиб кетади, шоир табиат тасвири билан шеърдаги образ ва ғоявий пафос ўртасидаги уйғунликни топа олади.

8. Миртемир яратган образларда поэтик тафаккурнинг етакчи хусусияти – фикр ва туйғунинг уйғунлигига эришиш, ғоявий шиклик ва ифоданинг тўлиқлиги кўзга ташланади.

9. Миртемирона сифатлашлар образнинг ўзига хос томонлари, белги-хусусиятларини майда тафсилотларгача ифодалаш имконини берса, ўхшатишлар ифоданинг янада жозибадорлигини таъминлайди. Истиралар сатрлардаги тасвир ихчамлигини, айти пайтда, образнинг маъно салмоғини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. –184 б.
2. Абдураззоқ А. Шеърятнинг бобо деҳқони // Шарқ юлдузи. 1990. №9. –Б.170-175.
3. Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. –Т.: Фан, 1978. –416 б.
4. Азизов Қ. Миртемир. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1969. –156 б.
5. Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. –М.: Гослитиздат, 1960. – 547 с.
6. Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. 197 б.
7. Акрамов Б. Биринчи фаслнинг файзи // Гулистон. 1971. №8. Б.26-27.
8. Аристотель. Поэтика. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. –152 б.
9. Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – 398 б.
10. Белинский В.Г. Полн.собр.соч. В 12-ти т. –М.: Изд-во Акад. Наук СССР, 1956. Т.12.- 596 с.
11. Ботир. Нафис адабиёт тўғрисида мунозарага // Қишлоқ Ўзбекистон. 1928, 5 окт.
12. Гегель Г.В. Сочинения. В 12-ти т. –М.: Соцэкгиз, 1938. Т.12. 472 с.
13. Горький М. Адабиёт ҳақида. –Т.: Ўзадабийнашр, 1962. –351 б.
14. Григорьев В.П. Поэтика слова. –М.: Наука, 1979. –343 с.
15. Гуковский Г.А. Изучение литературного произведения в школе. –М.-Л.: Просвещение, 1966. –266 с.
16. Далгат У.Б. Фольклор и литература народов Дагестана. – М.: Изд.вост.лит., 1962. –206 с.

17. Ёкубов Ҳ. Ойбек лирикасида ғоявийлик ва маҳорат. –Т.: Ўзфанакаднашр, 1963. –188 б.
18. Камол Ж. Лирик шеърийат. –Т.: Фан, 1986. – 144 б.
19. Лессинг Г.Э. Лаокоон, или о границах живописи и поэзии. –М.: Гослитиздат, 1957. – 519 с.
20. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста и структура стиха. – Л.: 1972. – 384 с.
21. Лиходзиевский С. Песня любви к Родине // Звезда Востока. – 1948. №3.
22. Мамажонов С. Оқ қоядай абадий // Шарқ юлдузи. 1980. № 11. – Б 216-220.
23. Мелиев С. Шеърий сўз ва эстетик таъсир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1982. №2. –Б.33.
24. Миртемир. Дўстлар даврасида. –Т.: Ёш гвардия, 1980. 160 б.
25. Миртемир Асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. 383 б.; Жилд 2. –375 б.; Жилд 3. –239 б.; Жилд 4. –239 б.
26. Миртемир. Танланган асарлар. –Т.: Ўзадабийнашр, 1958. 499 б.
27. Миртемир. Асарлар. 3 жилдлик. 1-жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1970. –305 б.; Жилд 2. –456 б.; Жилд 3. –336 б.
28. Мирзаев С. Етук шоир: СамДУ. Илмий асарлар тўп. 127-нашр. – Самарқанд, 1963.
29. Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг роли. –Т.: Фан, 1985. –128 б.
30. Озеров Л.А. Мастерство и волшебство. –М.: Сов.писатель, 1976. –503 с.
31. Норматов У. Ғўзаллик билан учрашув. –Т.: Ёш гвардия, 1976. – 208 б.
32. Олтой. Нафис адабиётда соғлом мафкура ва соғлом танқид керак // Қизил Ўзбекистон. 1928, 10 август. 179-182-сонлар.

33. Отаёр. Қуёшни кўргали келдим. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. –208 б.
34. Парандовский Я. Алхимия слова. –М.: Прогресс, 1972. –333 б.
35. Потебня А.А. Эстетика и поэтика. –М.: Искусство, 1976. –114 б.
36. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси. –Т.: Фан, 1979. –190 б.
37. Сотти Ҳусайн. Танланган асарлар. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1978. –198 б.
38. Султон И. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1986. –408 б.
39. Твардовский А.Выступление на пленуме Союза советских писателей // Литературная газета. 1942, 12 июль.
40. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. –М.: Просвещение, 1971. 464 с.
41. Тимофеев Л.И. Слово в стихе. –М.-Л.: Гослитиздат, 1959. –471 с.
42. Шарафуддинов О. Биринчи мўъжиза. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. –463 б.
43. Чўлпон. Адабиёт надир? –Т.: Чўлпон, 1994. –240 б.
44. Ҳалилов Т. Миртемир маҳорати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.
45. Шарафуддинов О. Замон. Қалб. Поэзия. –Т.: Бадий адабиёт.
46. Қўшжонов М., Мелиев С., А.Орипов. –Т.: Маънавият, 2000.
47. Ғафуров И. Лириканинг юраги. –Т.: Ёш гвардия, 1982. –222 б.
48. Миртемир замондошлари хотирасида. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1982.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. СЎЗ ВА УНИНГ ПОЭТИК ТАЛҚИНИ	
Сўзнинг бадий имкониятлари.....	13
Халқона ижод ва бадий маҳорат.....	38
II БОБ. ПОРТРЕТ ВА ПЕЙЗАЖ ТАСВИРИДА СЎЗНИНГ ҲОЯВИЙ-БАДИЙ ВАЗИФАЛАРИ	
Сўз ва портрет.....	59
Сўз ва пейзаж.....	77
III БОБ. ОБРАЗ ВА БАДИЙЛИК	
Образ яратиш санъати.....	93
Бадий-тасвирий воситалар ва образ.....	114
ХУЛОСА	135
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	140

 **Умид ХОДЖАМҚУЛОВ**

**БАДИИЙ СЎЗ
ВА ОБРАЗЛИ ТАСВИР**

**Миртемир лирикаси асосида
Монография**

Муҳаррир М.А.Ҳакимов

Босишга рухсат этилди 12.03.2020й. Бичими 60X84 $\frac{1}{16}$.

Босма табағи 9,0. Шартли босма табағи 9,0. Адади 100 нусха.

Баҳоси келишилган нархда.

“Университет” нашриёти. Тошкент, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ
маъмурий биноси.

“PROFESSIONAL SOLUTION” МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент, Чилонзор тумани, Туроб Тўла кўчаси, 55.

тел.: 71 245-35-55, 95 195-11-22, 99 002-11-22



9 789943 560444

